

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

МУК йигилишида
тасдиқланган
Баеннома №
-----2008
Проректор Искандаров А.И.

ИШЧИ ДАСТУР

Микробиология, вирусология ва иммунология фанидан

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

700000 – «Соғлиқни сақлаш соҳаси ва ижтимоий таъминот»
Таълим соҳаси: 720000 – Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши: 5720200 Педиатрия иши

Тошкент – 2008

АННОТАЦИЯ

Ушбу дастурда «5720200 –Педиатрия иши» буйича 2-курс талабаларига «Микробиология, вирусология ва иммунология» фанларида утиладиган дарсларнинг кискача мазмуни баён этилган.

Дастурда уқитиш таълимининг мақсади, вазифалари ва унинг йуллари аниқ белгиланган.

Медицина микробиологияси асосан юқумли касалликларни кузгатувчиси бўлган микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини, улар чақирган касалликларнинг келиб чиқиш механизмини, лаборатория усулларини куллаган ҳолда диагноз қуйиш, махсус даволаш ва олдини олиш чораларини ургатади.

Дастурда ушбу фанни урганишда, уни мукаммал узлаштиришда талабаларга қуйиладиган асосий талаблар қайд қилинган. Талабаларнинг билим даражасини назорат қилувчи ва бажарилувчи усуллар, яъни – ЖБ, ОБ, ЯБ лар қўрсатилган. Шу билим бирга уқув юқламаси, ҳар бир дарс учун 100 баллиқ система буйича баҳолаш меъзони, мустақил ишнинг 100 балга нисбатан тақсимланиш меъзони қўрсатилган.

Дастурнинг охирида «Микробиология, вирусология ва иммунология» фанини урганишда қўлланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилган.

Тузувчилар: ТошПТИнинг «Микробиология, вирусология ва иммунология» кафедраси ходимлари – каф. мудири профессор Мирзаева М.А., доцент, Тургунова Х.З., ассистентлар т.ф.н. Файзуллаева З.Р., Исламов А.Й., Гафурова Н.С.

Тақризчилар: Тошкент Тиббиёт Академиясининг «Микробиология, вирусология ва иммунология» кафедрасининг мудири, РФ медицина ва техника фанлари академиясининг академиги проф. Мухамедов И.М.

ТошПТИ нинг болалар юқумли касалликлари кафедрасининг мудири проф. Зокирхужаев А.Х.

Дастур ТошПТИ нинг марказий услубий кенгаши йигилишида қўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш кенгашига тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

2008 йил «-----» «-----» №----- баённомаси.

Дастур ТошПТИнинг МУК йигилишида қўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг мувофиқлаштириш кенгашида қўриб чиқилган ва тасдиқланган.

«2008 йил «-----» «-----» №----- баённомаси.

1. Суз боши

Ушбу дастур талабаларнинг фан буйича назарий ва Амалий жихатдан ушлаштириши лозим булган билимларнинг мезонини белгилаб беради.

Дастур микробиология ,вирусология ва иммунология соҳасида ҳозирги замон Фан ва техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Дастурнинг асосида амалий тиббиётнинг умумий педиатрия шифокорини тайёрлашга қўйилган талаби етади/

Уқитишнинг асосий максади ва вазифалари.

Микробиология,вирусология ва иммунология фанини ургатишдан мақсад,микроорганизмларнинг структураси тузилиши,ҳаёт фаолиятини ва экологиясини урганишдир.Микробиология мустақил Фан сифатида қуйидаги тармоқларга бўлинади. Медицина, ветеринария кишлок хужалиги, саноат, космик микробиология.

Медицина микробиологияси, бактериология, вирусология ва иммунология, микология ва протозоология масалаларини урганади. Ўрганиладиган асосий объектлар. Патоген бактериялар, актиномицетлар, спирохеталар, микоплазмалар, риккетсиялар, вируслар, замбуруғлар. Содда жониворлар ва уларнинг микроорганизм билан узаро муносабатларидир.

Медицина микробиологиясининг вазифаси асосан юқумли касалликларнинг кузгатувчиларини,улар чакирадиган касалликларининг механизмини, лаборатория усулида ташхис қўйишни, даволашнинг махсус усулларини профилактика чора тадбирларини урганишдир.

Уқитиш дисциплинаси буйича талабаларнинг билимига, маҳоратига ва қуникмаларига қўйиладиган талаблар.

Умумий педиатрия шифокори билиши шарт:

- Фаннинг асосий максади вазифалари ва унинг касбий педиатр шифокорнинг фаолиятидаги аҳамияти
- Юқумли касалликларни кузгатувчиларни ва уларнинг узгарувчанлигини
- Микробларнинг экологиядаги ролини
- Юқумли касалликларнинг этиологияси, патогенези, лаборатория ташхиси усулларини ва профилактикаси учун ишлатиладиган препаратларни
- Жинсий йул билан юкадиган касалликлар ва ОИТСнинг асосий тамонлари.
- Организмнинг иммунологик ва иммун танқислик ҳолатини

Талаба укув адабиётлари, илмий мақолалар билан ишлай билиши, лаборатория ишларини мустақил бажара олиши, лаборатория ҳайвонларида тажриба утказа билиши, тест саволлари ва ситуацион масалаларини еча билиши, патологик жараенни ва бунда микроорганизмларнинг тутган урнини тушунтира билиши, олинган натижаларини талқин қила билиши, микробиоценоз ва иммун тизимидаги узгаришларни тушунтириб бера олиш керак. Патологик ҳолатларга қараб лаборатория усулларини қўллашни ва унга баҳо беришни билиши керак.

Фанни ва унинг булимларини урганиш учун зарур булган укув фанлари роли.

Микробиология, вирусология ва иммунология фанни урганиш талабанинг умумижтимоий фанлар буйича биология, гистология ва бошқа медико-биологик фанлар кафедраларидан олган билимларига таянади. Уз навбатида микробиология, вирусология ва иммунология фанлари умумий патология, юкумли касалликлар, тиббий ва эпидемиология фанларида руй берувчи патологик жараёнларини асосидир ва умумий педиатр шифокорлар тайёрлаши бошқа кафедралар билан ҳам узвий боғланади.

Талабларининг амалий машгулотларнинг турлари буйича топширикларни бажариш сонига булган мажбурий минимуми.

Микробиология соҳасида

- Ёруғлик микроскопини иммерсионий системасида ишлай билиш
- Суюқ ва каттик мухитларда усган микроб культурасидан, патологик материаллардан суртма тайёрлаш.
- Суртмани хар хил усулларда фиксация килиш ва мураккаб усулларда (Грамм, Циль Нильсен, Романовский Гимза ва бошқа усуллари)
- Патологик материаллар, бульон ва каттик мухитдаги културалардан натив препаратларни тайёрлаш
- Анаэро ва аэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиши ва уларни идентификация килиш
- Антибиотикограммани – бактерияларни антибиотикларга сезгирликни аниклаш
- Одам организми микрофлорасини сон ва сифат жихатидан урганиш ва унга баҳо бериш (норма, дисбактериоз)
- Патологик материални ола билиш, уни суюқ ва каттик мухитларга экиш
- Микробиологик ва бактериологик текширишларни натижасини укиш ва унга баҳо бериш
- Юкумли касалликларни микробиологик диагнози ва култураларни антиген тузилиши буйича идентификация килиш
- Юкумли касалликларга серологик усулда диагноз куйиш (агглютинация, преципитация, геммагглютинация, комплементни боғлаш реакциялари).
- Ташки мухит микрофлорасини текшириш усуллари

Вирусология соҳасида

- Вирусларни ва улар хосил килган киритмаларни электрон микроскопда урганиш усуллари
- Вирус сакловчи материалларни олиш, тайёрлаш ва уларни хужайра култураларига, товук эмбрионига юктуриш усуллари.
- Вируслар хужайра култураларида купайганда хужайрада келтириб чиқарувчи цитопатик узгаришларни аниклай олиш (назарий жихатдан)

- Хар хил вируслар билан зарарланган хужайра культураларидаги вирусларни идентификация килиш усуллари (назарий)
- Гемагглютинация реакциясини куйиш усулини билиш ва уни укиш (РГА, РПГА)
- Вирусли касалликларга лаборатория усулида вирусологик ва серологик диагноз куйиш.

Иммунология сохасида.

- Кондаги лейкоцитларнинг фагоцитар активлигини аниклаш ва унга бахо бериш
- Агглютинация реакциясини куйиш ва унга бахо бериш
- Бевосита (пассив) гематтлютинация реакциясини куйиш ва унга бахо бериш
- Кон таркибидаги лимфоцитларни гепарин ёрдамида ажратиб олиш ва уни санаш
- Т ва В розетка хосил килувчи реакцияни куйиш ва унга бахо бериш

Санитария микробиологияси сохасида

- Сувни санитар-микробиологик текшириш ва унга бахо бериш (Гостга солиштириб куриш)
- Тупрокни санитар-микробиологик текшириш ва унг бахо бериш (Гостга таккослаб куриш)
- Хавони санитар-микробиологик текшириш ва унга бахо бериш (Гостга таккослаш)

Талабаларнинг билим савиаларини бахолаш учун назорат меъзонларининг сони

Талабаларнинг билими укув жараёни давомида бахоланади

1. Хар бир амалий машгулотда назарий билимлар огзаки жавоблар ва бажарилган амалий ишларига караб бахоланади (ЖБ)
2. Хар бир семестрла 2 тадан оралик назорат утказилади (ОБ) жами 4та ОБ ёзма ва оғзаки тарзда ўтказилади
3. Укув жараёни тугагач, йилнинг охирида тест марказида якуний назорат утказилади (ЯБ)

Фанни урганишда компьютер, инфармацион ва бошка замонавий технологиялардан фойдаланилади.

- Маъруза ва амалий дарсларда кургазмали материаллардан (мультимедиялардан) фойдаланиш
- Ситуацион масалалар
- Слайдлар
- Видеофильмлар
- Амалий билимларни педагог назорати остида анализ килиш ва бахолаш

2. Маъруза материалининг мазмуни
АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УТКАЗИШ

ХРОНАКАРТАСИ

3-СОАТЛИК МАШГУЛОТЛАР.

**1.ЎУКЛАМА ВА ТАЛАБАЛАРНИ МАШГУЛОТНИНГ
МАКСАДИ ВА МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ
5 МИНУТ.**

2. МАШГУЛОТНИ СУРАШ -35 МИНУТ.

3. ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАКИЛ ИШИ- 35 МИНУТ.

**4. МАШГУЛОТГА САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР ОРКАЛИ ЯКУН
ЯСАШ-10 МИНУТ**

**5. АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИНГ УЗЛАШТИРИЛГАНИНИ
БАХОЛАШ ВА ХУЖАТЛАРНИ ТУЛДИРИШ-10 МИНУТ.**

**6. КЕЙИНГИ БУЛАДИГАН МАШГУЛОТНИ ТУШИНТИРИБ
БЕРИШ-45 МИНУТ**

Каф.мудир.

МИРЗАЕВА М.А

1.машгулот.

1. Мавзу: Микроорганизмлар тугрисида тушунча. Бактериологик, вирусологик, иммунологик лабораторияларнинг тузилиши, жихозланиши ва вазифалари. Бактериологик лабораторияларда ишлаш коидалари. Суртма тайёрлаш ва оддий усулда буяш. Микроскопнинг иммерсион системаси билан ишлаш коидалари

3-соат

II. Мақсад. Талабаларга микроблар тугрисида тушунча бериш ва уларни бактериологик лабораторияда ишлаш қонун-қоидалари билан таништириш, микроскопнинг турлари ва суртма тайёрлаш қоидаларини қўрсатиш. Суртмаларни оддий усулда буяш ва иммерсион объектив билан ишлашни қўрсатиш.

III. масала: Машгулот утилгандан сунг талабалар суртма тайёрлаш ва иммерсион объектив билан оддий усулда буялган суртмаларни мустақил қўришга урганадилар.

IV. Қўриб чиқиладиган саволлар:

1. Микроблар тугрисида тушунча. Микробиология фани нимани урганади?
2. Бактериология лабораториясининг тузилиши, жихозланиши ва у ерда ишлаш қоидалари.
3. Вирусология ва иммунология лабораторияларининг тузилиши, жихозланиши, вазифалари.
4. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий усулда буяш.
5. Микроскопларнинг турлари. Микроскопнинг иммерсион системаси билан ишлаш қоидалари.
6. Бактерияларни буяш учун қўлланиладиган буюқлар.

V. Узлаштириш усуллари.

А) тарқатиладиган материал: Бактериологик лабораторияда қўлланиладиган идишлар: қолбалар, Петри қосчаси, пробиркалар, пипетка, қовузқок, пинцет, микропипетка, шприц ва планшетлар. Буюм ва ёпқич ойначалар уймали ойнача, спиртовка, шпатель, ойнага ёзидиган қалам, иммерсион ёғ, бактерияларни буяш учун ишлатиладиган буюқлар, микроскоплар, оддий усулда буялган суртмалар, расмлар, жадваллар.

Б) 1-топширик: Стафилококк ва сарциналарнинг агарда устирилган қўлтурасидан суртма тайёрлаш, оддий усулда (генциан-виолет) билан буяш.

В) 2-топширик: Суртмаларни иммерсион объективли микроскопда қўри шва шаклини қизиш.

Жавоб: Талабалар суртма тайёрлаб, оддий усулда буяб, микроскоп остида қўрадилар ва шаклини қизадилар.

VI. Уқитувчи мулоҳазалари.

Микробиология (юнонча *mikros*-кичик, *bios*-ҳаёт ва *logos*-таълимот)- майда, сода, қўзга қўринмайдиган бир хужайрали организмлар ҳақидаги фан. Бу фан

микробларнинг ҳаёт фаолияти, улар таъсирида одам, ҳайвон ва усимликлар организмда содир буладиган узгаришлар қонуниятларини урганади. Ҳозирги замон тиббиёт микробиологияси бактериология, вирусология, иммунология, микология, протозоология каби фанларга булинади. Тиббиёт микробиологияси умумий ва хусусий қисмлардан иборат. Умумий қисмда микробларнинг тузилиши ва ташки қуриниши (морфологияси), физиологик жараёнлари, генетикаси, улардаги моддалар алмашинуви ва қупайиш жараёнлари, нафас олиши ва озикланиши, патоген микроблар билан макроорганизм уртасидаги узаро муносабатлар ҳамда организмнинг химоя воситалари (иммунитет) урганилади. Хусусий қисмда юқумли касалликлар қузғатувчиларининг морфологик, биокимёвий, патогенлик (касаллик қузғатиш) хусусиятлари, шунингдек бу касалликларни лаборатория усулида аниқлаш, махсус даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари таҳлил қилинади. Тиббиёт микробиологияси муайян объектни текшириш асосида мустақил вазифани бажаради. У умумий биология, эпидемиология, гигиена, биокимё ва бошқа фанлардаги Янги маълумотлардан муқаммал фойдаланган ҳолда юқумли касалликларнинг қелиб қикиш сабабларини, замонавий ташхис усуллари, даволаш ва олдини олиш масалаларини урганади. Эвалюцион таракқиёт жараёнида одам организмга мослашиб, унда қупайиб касаллик қузғатиш хусусиятига эга бўлган - патоген микроблар урганилади. Табиатда патоген микроблардан ташқари қуплаб сапрофит (одамга зарар етказмайдиган) микроблар ҳам борқи, улар уз қуриниши ва айрим биологик хусусиятлари билан патоген микробларга ухшайди. Бу сапрофит микробларни патогенларидан асосий фарқларини аниқлаш лозим. Тиббиёт микробиологияси, вирусологияси ва иммунологиясининг вазифаси юқумли касаллик қузғатувчиларини аниқлаш, бундай касалликларни олдини олиш, уларни иложи борица қамайтириш ва патоген микроорганизмларни бартараф этиш ҳисобланади. Бундай ишлар санитария-эпидемиология станциялари, бактериологик, вирусологик, паразитологик ва бошқа махсус лабораториялар, илмий текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий укув юртларининг микробиология, вирусология, иммунологик кафедраларида амалга оширилади.

Юқумли касалликларга ташхис қуйишда қуйидаги микробиологик текшириш усулларида фойдаланилади:

- микроскоп ёрдамида текшириш (бактериологик - бу усулда асосан касаллик қузғатувчисининг морфологик, тинкториал (буялиш) хусусиятлари, ҳаракати, шакли, ҳажми аниқланади. баъзи касалликлар (безгак, сузак, лейшманиозлар, махов, қайталама тиф ва б.) ташхиси микроскоп ёрдамида аниқланиши мумкин;
- бактериологик усул: Бунда микроблар озик муҳитга эқилади ва гумон қилинган патоген микробларнинг соф қультураси ажратиб олинади, сунгра ажратилган қультуранинг ферментатив фаоллиги, дориларга таъсирчанлиги, актигенлик ва бошқа хусусиятлари урганилади, яъни идентификация қилинади.

- биологик усул. Бу усул ёрдамида юкумли материални турли хайвонларга юктириш йули билан касаллик кузгатувчиси ажратиб олинади ва унинг патогенлиги, текширув materialiда захарли моддалар бор-йуклиги аникланади;
- серологик усулда иммун зардоблар ёрдамида реакциялар куйилиб, касаллик ташхиси аникланади;
- аллергик усул маълум бир касаллик кузгатувчисига нисбатан организмда юкори сезгирлик холати пайдо буладики, бу макроорганизмнинг микроб актигени (аллергени) таъсирига жавобан узига хос реакциясидир.

Микробиология лабораторияларида ишлаш коидалари.

Микробиология лабораторияларида юкумли касалликларни кузгатувчи, яъни патоген микроорганизмлар Билан иш олиб борилади. Шунинг учун лаборатория ходимлари касалликни узларига юктирмаслик учун ички коидаларга риоя килишлари шарт.

- 1) Барча ходимлар ок халат, ок калпокча кийиб, махсус алмаштириладиган оёк кийимда ишлашлари керак. Жуда хавфли микроорганизмлар Билан махсус кулланмага риоя килган холда режимли лабораторияларда ишланади.
- 2) Лабораторияда чеки шва овкатланиш манн этилади.
- 3) Иш жойи намунали сакланиши лозим. Ходимларнинг шахсий кийимлари махсус ажратилган жойларда сакланиши керак.
- 4) Фавкулудда юкумли материаллар стол, пол ва бошка жойларга тушча, буж ой дезинфекция килувчи эритма Билан зарарлантирилади.
- 5) Микроорганизм культураларини саклаш, кузатиш ва уларни улдириш махсус кулланмага асосан олиб борилади. Барча патоген микроорганизм культуралари махсус дафтарда руйхатга олинади.
- 6) Ишни тамомлагач, кулни яхшилаб ювиш ва керак булса, дезинфекция килувчи эритмадан фойдаланиш лозим.

Лабораториялар куйидаги асбоблар: биологик, иммерсион, кушимча мосламали (люминисцен микроскоп, термостат, стериллаш учун асбоблар (автоклав, куритиш шкафи) рН-метр, дистилланган сув тайёрлайдиган асбоблар, центрифугалар, техник, аналитик тарозилар, филтрлайдиган асбоб, сувли хамом, холодильниклар, пахта-докали пробкалар тайёрлайдиган аппарат, асбоблар туплами (бактериологик вокузлоклар, шпателлар игналар, пинцет ва б.) лаборатория идиши (пробиркалар, колбалар, Петри косачалари), ва бошкал?

Бунда объективга тушаётган нурлар тулик сакланади.

Иммерсион микроскоп 0,2 мкмдан кичик булган объектларни курсатади, 900 марта катталаштириб курсатади.

Суртма тайёрлаш учун ёгсизлантирилган буюм ойначасига бир томчи физиологик эритма томизилади ва унга ковузлок Билан текшириляётган материал кушилади, аралаштирилади, диаметри 1-1,5 см. булган, бир хил юпкаликдаги суртма хосил булади, суртма аланга устида куритилади.

Микроорганизмлар фиксация килинаётган ойна юзасига каттик бириккан холда улади ва кейинги ишловларда ювилиб кетмайди. Фиксацияланган суртма биргина буёк билан 1-2-3 минут буялади, сунг сув билан ювилади, куритилади ва микроскоп остида курилади.

VII. Амалӣй машғулот утказиш учун керакли анжомлар.

Жадваллар, расмлар, буюм ойначалари, ковузлоклар, спиртовка, буёклар, физиологик эритма, фильтр коғози, микроскоп, иммерсион ёғ

VIII. Талабалар билимини назорат қилиш.

1. Оғзаки савол-жавоб.

2. Тайёрланган суртмани қуриш

3. Хар бир талаба мустақил равишда суртма тайёрлаб, оддий усулда буяб, микроскопнинг иммерсион объективи ёрдамида қуради ва шаклини чизади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтинг 1- машғулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Расм жадвал чизиш учун 0,5 балл.

100-1,5балл

86-100	Аъло	1-машғулот. Микроорганизмлар тугрисида тушунча. Бактериологик вирусологик ва иммунологик лабораторияларинг тузилиши, жихозланиши ва вазифалари. Бактериологик лабораторияларда ишлаш қоидалари. Суртма тайёрлаш ва оддий усулда буяш. Микроскопнинг иммерсион системаси билан ишлаш қоидалари. Микроорганизмлар тугрисида тулик маълумотга эга бўлиши. Табиатда тарқалган патоген, шартли патоген микроблар ҳақида тулик тушунча бўлиши. Мустақил равишда бу микробларни фойдали ва зарарли томонларини билиши. Амалда бу микробларни аҳамиятини билиб, фойдали хоссаларини қўллай олиши. Микробларни урганиш усуллари мукамал билиши. Стафилакокк культурасидан суртма тайёрлаш, оддий усулда буяш иммерсион объектида қуриб, шаклини чизиш.
71-85	Яхши	Табиатдаги микроблар ҳақида мушоҳада юритиши. Амалда бу микробларни фойдали томонларини қўллаш микробларни урганиш усуллари тулик айтиб бериши ва улар тугрисида тулик тасаввурга эга бўлиши.
55-70	Кони-карли	Микроблар ҳақида қисқа маълумотга эга бўлиш. Уларни нима максадда урганиш, фойдали ва зарарли томонларини билиш ва айтиб бериш. Микробларни айрим урганиш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.
0-54	икки	Жавоб йук. Тушунча йук.

1-машгулот учун тест саволлари.

1.Микробиологиянинг ривожланиш давлари..

А.Морфологик.

Б. Кох.

В. Зильбер

Г. Ивановский

Д. Тимаков.

2.Микробиологиянинг ривожланишига Пастернинг кушган хиссаси.

А..Дизентерия кузгатувчисини очган.

Б. Бактерияларни буяш учун буёк таклиф килган.

В. Вакцина олишни илмий асосини таклиф килди.

Г. Зич озука мухитларини таклиф килди.

Д. Дезинфекциялашни асосини ишлаб чиқди.

3. Эмлаш натижасида болалар орасида учрайдиган қандай касалликларни камайишига эришилди.

А. Касалликларни камайишига эришилди.

Б. Колиэнтерит.

В. Гастроэнтерит.

Г. Бугма.

Д. Менингит

.

4. Иммерсион микроскопда фойдаланиш қоидалари.

А. ясси ойна қуллаш.

Б. туширилган конденсор қуллаш.

В. 40- объективда қуриш.

Г. Диафрагмани тулик беркитиш.

Д. 8-объективда қуриш.

5. Электрон микроскоп

А.800 марта катталаштирилди.

Б.0,2 микронга аниқликда қурсатади.

В.250 минг марта катталаштирилади.

Г.700 марта катталаштирилади.

Д.500 марта катталаштирилади.

6. Коронгилаштирилган микроскоп ёрдамида урганилади.

А. Микробларнинг ҳаракати.

Б. Хивчинларни жойланиши.

В. Микроб хужайрасининг структураси.

Г. Вирусларнинг морфологияси.

Д. Микробларнинг размери.

7. Кохнинг асосий хизматлари.

А. Кутиришга Карши вакцина олди.

Б. Кизамикка Карши вакцина олди.

В. Сил кузгатувчисини очди.

Г. Вабонинг тезкор диагноз қуйиш усулини ишлаб чиқди.

Д. Чин чечакка Карши вакцина қўлади.

8. Оддий микроскопнинг қўрсатиш қобилияти боғлиқ.

А. Ёруғлик нурларининг узунлигига.

Б. Микроскопнинг умумий катталаштириш қучига.

В. Объективнинг катталаштириш қучига

Г. Препаратнинг ҳажмига

Д. Суртмани тугри бўялганига.

9. Бактерияларни микроскопда тирик ҳолида қўриш учун қўлланилади.

А. Ботик ойна.

Б. Очик диафрагма.

В. Қўтирилган конденсер.

Г. Қисман бекитилган диафрагма.

Д. Ясси ойна.

10. Дженнер томонидан вакцинали олиниши.

А. Ичак инфекцияларига Карши қўрашиш учун.

Б. Чин чечакка Карши эмлаш билан боғлиқ.

В. Менингитга Карши қўрашишга ёрдам беради.

Г. Вакцина олишни илмий асослаб берди.

Д. Вабони йукотишга ёрдам беради.

2-машгулот.

. Мавзу: Микроорганизмларнинг морфологияси ва асосий шакллари. Спирохеталар, риккетсиялар, замбуруглар, вируслар, микоплазмалар, хламидияларнинг морфологияси ва тузилиши. Уларни урганиш усуллари.

3-соат

II. Мақсад: Талабаларни микроорганизмларнинг асосий группалари билан таништириш. Уларнинг асосий хоссалари ва одамларда касаллик келтириб чиқаришдаги роли ва уларни урганиш усуллари билан таништириш.

III. Масала: Утилган машгулотдан сунг, талабалар микроорганизмларнинг асосий шакллари ва уларни айрим хоссалари ҳамда урганиш усуллари билиб оладилар ва узларининг Амалий ишларида бу усулларни куллаб, юукмли касалликларга таххис куйишда фойдаланадилар.

IV. Куриб чиқиладиган саволлар:

1. Микроорганизмларнинг асосий шакллари. (бактериалар, кокклар, бурамасимонлар, ипсимонлар ва х.к.)
2. Шарсимон бактериалар (кокклар) тугрисида тушунча.
3. Таёкчасимон бактериаларнинг тузилиши.
4. Бурамасимон бактериалар (спирохеталар тугрисида тушунча, урганиш усуллари).
5. Риккетсияларнинг тузилиши, уларни урганиш усуллари.
6. Замбуругларнинг тузилиши, уларни бактериалардан асосий фарклари, урганиш усуллари.
7. Вирусларнинг тузилиши, асосий хоссалари, урганиш усуллари.
8. Микоплазмаларнинг тузилиши, урганиш усуллари.
9. Хламидияларнинг тузилиши, урганиш усуллари.

V. Узлаштириш усуллари:

А) таркатиладиган материал: микроскоп, таёкчасимон бактериаларнинг култураси, замбуруглар (капдида) култураси, риккетсияларнинг тайёр суртмаси. Буёклар, буюм ойначаси, иммерсион ёғ, ковузлок в ах.к. Расм, жадваллар.

Б) 1-топширик. Берилган културалардан суртма тайёрлаш. Оддий усулда буяш,

2-топширик. Суртмаларни микроскоп остида кури шва шаклини чизиш.

Жавоб: Талабалар суртмаларни микроскоп остида курадилар. Шарсимон, таёкчасимон, бурамасимон ва бошка микроорганизмларни шакли, жойланиши ва бошка хусусиятлари билан асосий фаркларини аниқлайдилар ва турли шаклдаги бактериалар, замбуруглар, риккетсия, вирус, микоплазмаларни чизадилар.

VI. Укитувчи мулохазалари.

Бактериялар прокариоталар оламига киради. Бержи классификацияси (1974) буйича бу оламга фото ва скотобактериялар киради. Булар уз нафбатиди уч синфга булинади: 1. Бактериалар; 2. Факат хужайра ичиди яшовчи катъий

облигат бактериялар; 3.Хужайра девори булмаган бактериялар (микоплазмалар).

Синф, тартиб, оила, зот ва турларга булинади. Замбуруглар энг сода бир хужайрали хайвонлар, эукариоталар оламига киради. Вируслар алохида VIGA оламига ажратилган.

Бактериялар - бир хужайраи микроорганизмлардир. Улар турли шаклда булиб, мураккаб тузилишга эга, бу эса улар фаолиятининг турли-туманлигини белгилайди. Бактериялар асосан 4 шаклда: шарсимон, таёкчасимон, бурама ва ипсимон шаклли булади. Шарсимон бактериялар - кокклар, булиниш сатхи ва хар бир хужайранинг жойланишига кура микрококк (алохида-алохида жойлашган кокклар), диплококк (жуфт кокклар), стрептококк (занжирсимон жойлашган кокклар) стафилококк (узун шаклига ухшаб жойлашган) тетракокк (туртта булиб жойлашган) ва сертикалар (8 ёки 16 та булиб жойлашган) га ажратилади.

Таёкчасимон якка-якка ёки иккитадан, ёки стрептобактериялар куринишида жойлашган булиб, спора хосил килувчи таёкчасимонлар бациллалар (спораси кундаланг кесимидан кичик), клостридиялар (спораси кундаланг кесимидан ката), ва бактериялар (спора хосил килмайдиган)ларга булинади. Улчами жихатидан йирик, уртача ва майда таёкчасимонларга булинади.

Бурама шаклли бактерияларга - вибрион ва спириллалар ҳамда спирохеталар киради. Вибрионлар бироз букилган таёкчалар куринишида булиб, спириллалар - спирал шаклдаги бир неча бурамадан иборат. Бактерияларнинг улчами 0,1 дан 10 мкм гача булиши мумкин.

Бактериялар морфологиясини урганиш учун бактериялардан тирик препаратлар ва ёпиштирилган суртмалар тайёрлаб, анилин буёклари билан буялади ва микроскоп остида курилади.

Актиномицетлар Actinomycetales тартибига киради. Актиномицет хужайралари узун ва шаклланган ипларга ухшайди, таёкчасимон, кокксимон шакллари ҳам учрайди. Мицелий ипларининг узунлиги 100-6000 мкм, эни 0,2-1,2 мкм. Актиномицетлар споралар хосил килиб, кундалангига булиниб, куртакланиб купаяди, анилин буёклари билан буялади.

Спирохеталар морфологияси - буралган харакатчант бактериялар булиб, Spirochaetales тартибига, Spirochaetaceae оиласига киради. Патоген спирохеталар учта: Borrelia, Treponema, Sentospira зотларига булинади.

Спирокета хужайраси цилиндрсимон шаклда булиб, цитоплазматик парда билан уралган, ташкарисида бирохз пептидогликан катлами булган хужайра деворидан ташкил топган. Патоген спирохеталарнинг узунлиги 3-20 мкм ва йугонлиги 0,1-0,5 мкм. Спирохеталар бир-биридан узунлиги, йугонлиги, бурамасининг сони ва шакли, хусусияти билан фарк килади. Спирохеталар морфологияси тирик микроорганизмларни микроскоп остида куриш усули билан "эзилган" ёки "осилган" томчи-препаратларни коронгилатилган майдон ёки фазо-контраст микроскоплар ёрдамида ёки Романовский-Гимза ёки махсус буяш усуллари билан урганилади.

Риккетсия ва хламидиялар Rickettsia синфига тегишли булиб, хужайра ичида катый (облигат) паразитлик килиб яшайди. Улар иккита: Rickettsiales ва Chlamidiales тартибларига булинади.

Риккетсиялар майда, грамманфий микроорганизмлар булиб, жуда хам узгарувчандир (полиморфизм). Шунинг учун кокксимон, таёкчасимон, ипсимон шакллари учрайди. Риккетсияларнинг улчами 0,5 мкм дан 3-4 мкм гача ипсисмонлариники 10-40 мкм гача етиши мумкин. Спора ва капсула хосил килмайди, ҳаракатсиз Здродовский усули Билан кимзил ранга Рамановский-Гимза усулида цитоплазмаси хаво ранга, киритмалари кизил рангга буялади.

Хламидиялар шарсимон, тухумсимон ёки таёкчасимон шаклда булади, улчами 0,2-1,5 мкм орасида. Хламидияларнинг морфологияси ва улчамлари уларнинг хужайра ичидаги ривожланиш циклининг босқичига боғлиқ.

Хламидиялар Романовский-Гимза усули Билан буялади, грамманфий, фазо-контраст микроскоп остида, тирик ҳолда тайёрланган препаратларда жуда яхши куринади.

Mollicutes синфига Mycoplasmalesнинг бита тартиби киради. Бу тартибнинг вакиллари микоплазмалар - бактериялардан хужайра девори йуклиги Билан фарк килади. Улар уч қаватли липопроteid цитоплазматик парда Билан уралган. Микоплазмаларнинг улчами 125-250 мкм атрофида. Улар юмалок тухумсимон, ипсимон шаклда, грамманфий. Вируслар VIRA оламига киритилган. Улар бошқа микроорганизмлардан узининг ультра тузилиши ва битта нуклеин кислота РНК ёки ДНК тутиши Билан фарк килади. Вируснинг хужайра ташқарисиджаги ҳолатига вирион дейилади. Вирионларнинг улчами 15-20 дан 300-500 нм гача булади. Улар таёкчасимон, цилиндр шаклда, букилган ингичка ип шаклида булади, эни 10 нм ва узунлиги 5 нм ёки ундан хам каттарок булиши мумкин. Улар сферик шаклда, куп киррали, юмалок, сперматозоид шаклларда булади. Оддий вирионлар нуклеин кислота ва уни зич ураб турган оксил қобиғи - капсиддан иборат. Вирионларнинг кпсифлари айрим-айрим жойлашган тузилмалардан (полипептид занжирлар) ташкил топган ва капсомерлар деб аталади. Капсидлар маълум микдордаги капсомерлардан тузилган ва ҳар бир вирусда узига ҳос микдорда булади.

Мураккаб тузилган вирионлар, яни ташки қобик суперкапсидга эга булиб, таркибида липид, полисахарид булади. Вирусларни асосан электрон микроскоп ёрдамида курилади. Бундан ташқари улчамини ультрацентрифугалаш, филтрдан утқизиш қоби усуллар Билан хам улчанади.

VII. Амалий машғулот утқизиш учун керакли анжомлар.

Жадваллар, расмлар, микроб культуралари, замбуруғлар, устирилган Петри косачалари, буюм ойначалари, буюклар, микроскоп ва х.к.

VIII. Талабалар билимини назорат қилиш.

1. Интраактив (бош мияга хужум) усул 5-10-15 минут давомида утқизилади.
2. Талабалар орасидан битта қотиба сайланади ва берилган жавоблар досқага ёзилади.
3. Қиска танаффусдан сунг баҳолаш ва мулоҳаза қилинади.
4. Мавзу танланади : Микроорганизмларни морфологияси
5. Саволлар тузилади: а) Бактерияларнинг асосий шакллари, б) шарсимон бактериялар, в) бурамасимонлар, г) Риккетсияларнинг тузилиши, д) микоплазма ва хламидияларнинг тузилиши, е) вирусларнинг тузилиши.

6. Талабаларга вазифа

уртача саволларга тулик жавоб олинган, очилмаган жавоб колмади.

Яхши - худи юкоридагидек, лекин (3-4) эътиборсиз хатолар бор.

Урта - бир канча хатолар бор, жавоб системада берилмаган.

Узлаштирилмаган - коникарсиз - куп хатолар бор ва мазмун мохияти нотугри талкин килинган. Бундан ташкари топширилган вазифа ва Амалий куникмаларни назорат килиш учун огзаки савол-жавоб утказилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини бахолаш рейтингги 2- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Расм жадвал чизиш учун 2 балл

100% дан 3 балл

86-100	Аъло	2-машгулот. Микроорганизмларнинг морфологияси ва асосий шакллари. сперахеталар, риккетсиялар, замбуруглар, вируслар, микоплазмалар, хломидияларнинг морфологияси ва тузулиши. Уларни урганиш усуллари. Микроорганизмларнинг морфологияси буйича булинишини тулик айтиб бериши. Бир бирлардан фарклашни билиши. Уларни урганиш усуллари хакида тулик тасаввурга эга булиши. Узининг мустакил ишида урганиш усуллари куллай олиши. Таёкчасимон бактерия култураси, кандида замбуруги културасидан суртма тайёрлаш, оддий усулда буяш, микроскоп остида куриш, шаклини чизиш.
71-85	Яхши	Бактерияларнинг спирохета вируслардан асосий фаркларини айтиб бериши. Оддий ва мураккаб вируслар тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Уларни урганиш усуллари билиши ва амалий ишида куллай олиши. Шарсимон, бурамасимон ва бошка микроорганизмларни жойланишидаги фаркни билиши, суртма тайёрлаш оддий усулда буяш шаклини чизиш.
55-70	Кони-карли	Замбуругларнинг тузулиши, уларни бошка микроорганизмлардан асосий фарклари. Урганиш усуллари, хакида тасаввурга эга булиши.
0-54	икки	Жавоб йук уз тасаввурига эга эмас, билмайди.

2-амалий машгулот учун тест саволлари.

1. Бактериялар характерланади.

- А. Таёкчасимон (цилиндрик) шаклга эга.
- Б. Албатта хивчинлари булади.
- В. Албатта спораси булади.
- Г. Албатта капсула хосил килади.
- Д. Бир бирига бурчак хосил килиб жойлашади.

2. Микроб культурасидан тайёрланган суртмани фиксация килиш учун фойдаланилади.

- А. Хлораминдан.
- Б. Алангадан.
- В. Хавода куритилади.
- Г. Ишкордан.
- Д. Кислотадан.

3. Кокklarнинг клацификацияси асосланган.

- А. Кокklarнинг размерига.
- Б. Хивчинларнинг сонига.
- В. Хивчинларнинг жойлашишига.
- Г. Турли текисликда булинишига.
- Д. Капсула хосил килишига.

4. Замбуругларнинг морфологияси ва тузилиши.

- А. Мицелийлари бор.
- Б. Капсула хосил килади.
- В. Ядроси йук.
- Г. Хужайра девори йук.
- Д. Ядро моддаси таркок жойлашган.

5. Спирохеталар аникланади.

- А. Циль-нильсен усули билан буяб.
- Б. Коронгилаштирилган микроскопда.
- В. Нейссер усули билан буяб.
- Г. Леффлер усули билан .
- Д. Здродовский усули билан.

6. Риккетсиялар учун характерли.
А. Хужайра деворининг йуклиги.
Б. Липоид кобигининг булиши.
В. Факат РНК тутади.
Г. Эгилувчан хужайра девори бор.
Д. Харакатчанг.

7. Спирохеталар.
А. Ядроси бор.
Б. Капсула хосил килади.
В. Киприкчалари бор.
Г. Ташки мухитга чидамлилиги.
Д. Анилин буяклари билан буялиши.

8. Вирусларнинг асосий белгилари.
А. Размери ката.
Б. Капсуласи бор.
В. Хужайрадан ташкарида паразитлик килади.
Г. Хужайра ичи аро паразити.
Д. Киритмалари бор.

9. Бацилалар.
А. Думалк шаклда.
Б. Спора хосил килади.
В. Грам манфий буялади.
Г. Киприкчалари бор.
Д. Албатта капсула хосил килади.

10. Вирусларнинг кимёвий таркиби.
А. Оксил.
Б. Микроэлементлар.
В. Кислоталар.
Г. Ишкорлар.
Д. Витаминлар.

3-машгулот

1-мавзу: Бактерия хужайрасининг структураси. Уларни аниклаш умуллари, Бактерияларни мураккаб усулда буяш (Грамм, Нейссер, Циль-Нильсен ва х.к.)

3-соат

II Мақсад

: Талабаларни бактерия хужайрасининг структура компонентлари ва уларнинг вазифаси, функцияси билан таништириш, ҳамда мураккаб усулда буяш техникаси билан таништириш.

III. масала: машгулотдан сунг талабалар бактерия хужайрасининг нихоятда мураккаб тузилганлиги, бу компонентларнинг бактерия ҳаёти учун канчалик зарурлиги ва уларни аниклаш нима учун кераклиги хақида тулик маълумотга эга буладилар. Мураккаб усулда буяшдан асосан мақсад бактерияларни фарк қилиш, тугри диагноз қуйиш учун кераклигича тулик тушунча ҳосил қиладилар.

IV. Қуриб чиқиладиган саволлар:

1. Бактерия хужайрасининг зарур, доимий компонентлари: а) қобик (хужайра деворининг тузилиши, вазифаси, аниклаш усули, гамманфий ва граммусбат бактерияларининг хужайра деворидаги фарқи; б) Цитоплазматик мембрана, тузилиши, асосий вазифалари, аниклаш усуллари; в) цитоплазма - тузилиши, вазифаси, органоидлари ва уларни аниклаш усуллари; г) Бактерия нуклеоиди - тузилиши, вазифаси, аниклаш усуллари.

2. Бактерия хужайрасининг доимий ёки зарур бўлмаган структура компонентлари: а) Капсула - тузилиши, вазифаси, аниклаш усуллари; б) Спора - тузилиши, физик, кимёвий хоссалари, вазифаси, ҳосил бўлиш давлари, аниклаш усуллари; в) Хивчинлар ва киприкчалар - тузилиши, вазифаси, аниклаш усуллари.

3. Мураккаб усулда буяшнинг аҳамияти.

4. Грам, Кейссер, Циль-Нильсен, Ожешко (Ауеску), Гиж-Бурри, Романовский-Гимза усуллари билан буяш механизм ва техникаси.

V. Узлаштириш усуллари.

А) тарқатиладиган материал: Ачитки замбуруги культураси, стафилококк, ичак таёкчаси, культуралари. Айрим микроорганизмларнинг соф культураси ва тайёр суртмалари, бўёқлар, бўюм ойначаси, микроскоп, расмлар, жадваллар.

Б) Хар бир талаба тайёр суртмаларни микроскоп остида қуради ва шаклини қизади;

В) Хар бир талаба тарқатилган культуралардан суртма тайёрлаб Бирон-бир мураккаб усулни қуллаб буяб, микроскоп остида қуради ва шаклини қизади.

Жавоб: Талабалар мураккаб усулда буяшнинг афзаллигини англаб, хар бир усулни нима учун қулланилишини билиб оладилар. Барча микроскоп остида

курилган суртмаларни микроб хужайрасининг структура компонентларини шаклини чизадилар.

VI. Укитувчи мулохазалари.

Бактериялар (прокариотлар) тузилишига кура замбуруг, сода организмлар, сув утлари, саламатик хужайралар (эукариотлардан) кескин фарк килади. Прокариотлар гаплоид организмлар булиб, битта теномдан ташкил топган. Митохондрия ва Гольджи аппарати йук. Амебасимон харакатланмайди. Улар нуклеоид, таркибида турли хил киритмалар булган цитоплазма, кобик ва бошка элементлардан ташкил топган мураккаб тузилишга эга. Бактерия хужайрасининг тузилиши электрон микроскоп ва кимёвий текширишлар ёрдамида аникланади.

Нуклеоид прохариоталарда ядро вазифасини бажаради, тузилиши ва кимёвий таркибига кура эукариотлар ядросидан фарк килади. Нуклеоидда ядро мембранаси ва хромосома булмайди. Унинг таркибида асосий оксил-гистонлар ҳам йук. Нуклеоидда ДНКнинг икки ипли молекуласи, оз микдорда РНК ва оксиллар бор. Бактерияда ДНК молекуласи хромосома деб аталади. Бактерия хужайраси гаплоид булганлиги учун битта хромосома бор. Бактерия хужайрасининг купайишидан олдин нуклеоидлар икки марта купаяди, булиниш вақтида эса хромосоманинг сони 4 ва ундан ҳам купрок булиши мумкин. Цитоплазмада нуклеоид билан бирга автоном ҳолатда кичик халкага ухшаш ДНК молекуласи, яъни ирсий маълумотлар ёзилган плазмидалар ҳам буялади.

Купгина бактериялар цитоплазмаси коллоид ҳолатда булиб, сув, оксиллар, углеводлар, липоидлар, минерал тузлар аралашмасидан иборат. Тиник сувсимон, сал ёпишкок, цитоплазматик мембрана билан уралган булади. Цитоплазмада диаметри 100-2000 А га тенг рибонуклеопротеид доначалари бор, булар рибосомалар деб аталади. Бундан ташқари цитоплазмада турли киритмалар валютин доначалари, липопротеид таначалар, гликоген гранулёма, олтингугурт, кальций доначалари ва х.к. бор. Бир неча рибосомалар кушилиб, полисомаларни ташкил килади. Рибосома ва полисомалар кушилиб, мембрана ва фибрилляр тузилмаларга бирикади. Бактерия рибосомалари, бактерия хужайрасида ДНК дан ташқари, рибонуклеин кислота (РНК) ҳам сакланади. Унинг таркибига рибоза билан Тимин киради. РНКнинг асосий хажми оксил синтезининг марказлари ҳисобланган заррачалар ёки рибосомалар шаклидаги оксил билан бириккан. Рибосомалар РНК ва оксилдан иборат булиб, бактерия цитоплазмасида эркин ҳолда ётади, уларнинг сони хар бир хужайрада 100 тагача ва ундан купрок булиши мумкин. Бактериялар цитоплазмасида рибосомалар РНКдан ташқари и РНК (информацион) ҳам булади, транспорт тРНКси оксил синтези учун зарур аминокислоталарни ташиб беради.

Мезосомалар бактерия хужайрасининг таркибий кисми булиб, улар хужайранинг булиниши ҳамда оксидланиш-кайтарилиш жараёнларида иштирок этади ва митохондриялар вазифасини утайди.

Бактерия кобиги. Бу цитоплазматик мембрана хужайра девори ва капсула кавати, айрим бактерияларда хакикий капсуладан ташкил топган.

Хужайра девори. Калинлиги 10-35 нм, таркиби асосан пептидогликан, мурсин, мукопротеиддан иборат. Девор микроб хужайрасини атроф мухитдан ажратиб туради ва унга шакл беради, кимёвий таркиби, калинлиги Билан грамманфий ва граммусбат бактерияларда фарк килади. Граммусбатларда 95 % гача гликопептидлар, 2,5 % липидлар, полисахарид ва тейхол кислоталардан ташкил топган. Грамманфийларда 5-10 % гликопептидлар, 25 % гача липидлар, оксиллар ва полисахаридлардан иборат. Хужайра девори бактериялар, актиномицетлар, Кук-яшил сув утлари ва риккетсиялар булади. Спирохета, ликоплазма ва ликобактерияларда йук. **Хужайра деворининг** микроблар озикланишида, моддалар алмашинувида, купайишида ката ахамияти бор. Деворда диаметри 18А келадиган бир нечта тешикчалар бор.

Цитоплазматик мембрана - бактерия хужайраси деворининг тагида жойлашган, калинлиги 5-7,5 нм, липид, протеин ва полисахарид каватларидан иборат. Цитоплазматик мембрананинг кимёвий таркиби оксил, фосфолипид, липопротеид углевод ва бошка бирикмалардан ташкил топган. Бу мембрана хужайра деворини цитоплазмадан ажратиб туради, лекин мембранадан (пермаза) ёрдамида доимий равишда бактерия хаёти учун зарур булган турли моддалар ва ионлар утиб туради. Цитоплазматик мембранада ута сезгир рецепторлар жойлашган булиб, улар ёрдамида бактериялар атроф мухитдан келган сигналлар, озик овкатлар ва антибактериал бирикмаларни фарклайди.

Мембрананинг юзасида жойлашган фаол фермент тизими оксил, токсин, ферментлар, нуклеин кислота ва бошка моддалар синтезида катнашади. Хужайра мембранасининг цитоплазма ичига ботиши натижасида мезосомалар хосил булади. Улар хужайра деворининг пайдо булишида ва хужайранинг булинишида маълум даражада катнашади. Мезосомалар нуклеид Билан боглик булганлиги сабабли спора хосил килишда иштирок этади. Цитоплазматик мембрана бактерия хужайрасининг осмотик босимини таъминлайди. Хужайра Билан ташки мухит уртасида тусик вазифасини утайди. Турли омиллар таъсирида бактерия хужайра деворидан махрум булиши мумкин. Хужайра девори кисман эриб кетса - сферопластлар, тулик эриб кетса протопластлар деб аталади. Биринчи марта бундай протопластларни 1935 й. Листер институтида аникланганлиги учун L-шаклли микроорганизмлар деб аталади.

Айрим бактериялар турли омиллар таъсирида куплаб шилимшик мода ишлаб чиқариб хужайрани коплайди. Баъзи микроблар факат одам ёки хайвон организмига тушгандагина капсула хосил килади (пневмококклар, куйдирги кузгатувчиси в ах.к.) айримлари озик мухитда ва ташки мухитда ҳам хосил килади. Капсула микроб хужайрасини куриб колишдан, антителолар таъсиридан, фагоцитоздан химоя килади. Кимёвий таркиби полисахарид капсула моддаси Билан айриш микроорганизмларининг вирулентлиги боглик. Капсулани Гинс-Бурри усули Билан буялади. Спора хосил килиш таёкчасимон бактерия бацилла ва клостридийларга хос булиб, микроорганизмлар нокулай шароитга тушганида спора хосил килади. Спора хосил булиши жараёни 16-20 соат давом этади. Бу жараёнда цитоплазманинг

нуклеоид тутувчи бир кисмида куп каватли зич кобик хосил булиб, хужайранинг колган кисми нобуд булади. Споранинг чидамлилиги унинг таркибида липидлар, оксиллар, кальций тузларининг куп озлиги ва эркин сув микдорининг кескин камайиб қолишига боғлиқ, споралар атроф мухитда, анабиоз тарзда йиллаб яшаши мумкин шароит яхшиланса 4-5 соат давомида спора ва гетатив шаклга утиб, микроб Яна фаолиятини давом эттиради. Споралар бактерия хужайрасида жойлашишига қараб 3-гурӯҳга бўлинади: 1-марказий; 2-субтерминал-бир учига яқин жойлашган; 3-терминал учига жойлашган.

Спораларни **Ожешко (Ауеску)** усули билан бўялади. Бунда споралар кизил, вегетатив кисми қуқ ранга бўялади. Хивчинлар бактерия танаси билан иккита халқа орқали бириккан бўлиб, ташқи халқа хужайра деворида, ички халқа эса цитоплазматик мембранада жойлашган. Хивчинли бактерияларнинг ҳаракатланишини танимлайди. Уларни қоронғилаштирилган майдонда ҳамда электрон микроскопларда қуриб урганиш мумкин.

Хивчинлар бактерия хужайрасида жойлашишига қура 4 гурӯҳга бўлинади: 1- монотрихлар - битта хивчинли; 2-Амфитрихлар - хужайранинг икки қутбида; 3-Лофотрихлар - хужайранинг бир қутбида бир даста хивчинлар булади 4- Перитрихлар - хивчинлар бактериянинг бутун танаси бўйлаб жойлашади.

Айрим бактериялар учтида такчалар (фимбриалар) булади, хивчинга нисбатан қалта ва ингичка бўлиб, иккита типга бўлинади, биринчи типдаги фимбриалар адгезия ёпишиш) хусусиятига эга, иккинчи типдаги фимбриаларга лилилар қиради. Жинсий Г-пилилар *E. Coli* бактерияларида топилган, конъюгация процессида ирсий ахборот утади.

Суртмаларни мураккаб усулда бўяш. Препаратга кетма-кет бўёқлар қушилади. Улар кимёвий таркиби, ранги, ишлов берувчи ва дифференцияловчи моддалар Билан бир-биридан тузилишини аниқлаш ва микроорганизмларнинг бир турини иккинчи туридан дифференциялаш имконини беради. Грамм усули, Нейссер, Циль-нильсон, Ожеско-Бурри, Гинс-Бурри, Рамановский-Гимза в ах.к.

VII. Амалий машғулот утқизиш учун керакли анжомлар.

Жадваллар, расмлар микроб культуралари бўлган ойначалари, бўёқлар, тайёр суртмалар микроскоплар в ах.к.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтингини 3- машғулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Расм жадвал чизиш учун 3 балл

100% дан 4 балл.

86-100	Аъло	3-машгулот. Бактерия хужайрасининг структураси. уларни аниклаш усуллари. Бактерияларни мураккаб усулда буяш. (Грамм, Нейсир, Циль-Нелсен, Ожешко, Гинс). Микроорганизмларнинг структураси нечта гуруҳга булиб урганилиши ва бу компонентлари ахамияти, микроб ҳаётидаги асосий роли хақида тулик маълумотга эга булиши. Бу компонентларни аниклаш усуллари ва мақсади хақида аник тасаввурга эга булиши. Стафилакокк, ичак тайёкчасининг аралаш культурасидан суртма тайёкчасининг аралаш культурасидан суртма тайёрлаб, грам усулида буяб микроскоп остида куради шаклини чизади. Мураккаб усулда буяшнинг моҳиятини, механизмини тулик тушунтириб беради. Сил вакцинаси БЦЖ культурасидан суртма тайёрлаб, цил-нелсен усулида буяб микроскоп остида куриб, шаклини чизади буялиш механизмини тушунтириб беради
71-85	Яхши	Микроорганизмларнинг доимий булмаган элементлари хақида тулик тасаввурга эга булиши ва бу компонентларни аниклаш усуллари тулик узлаштириб олиши ва амалий ишида куллай олиши. Спорали микроб култураси <i>Bac. Anthracoides</i> дан суртма тайёрлаб, Ожешко усулида буяб, механизмини тушунтириб беради, микроскоп остида куриб шаклини чизади.
55-70	Кони-карли	Мураккаб усулда буяшнинг моҳиятини қисман тушунтириб беради. Грамм усулида микробларни буяшни узлаштириб олиши.
0-54	Икки	Жавоб йук уз тасаввурга эга эмас, билмайди.

VIII. Талабалар билимини назорат қилиш:

1. интраактив (бош мияга хужум) усулини куллаш 10-15-25 минут давомида утказилади.
2. Оғзаки савол-жавоб утказилади.

3- Амалий машгулот учун тест саволлари.

1. Бактериянинг РНК си таркибида
А. Фосфор кислотаси.
Б. Каталаза.
В. Протеиназа.
Г. Гиалуронидаза.
Д. Нейраминидаза.
2. Валютин догначаларини аниклаш усуллари.
А. Грамм.
Б. Циль Нельсен.
В. Нейссер.
Г. Ожечко.
Д. Бури Гинса.
3. Спора хосил килувчи касаллик кузгатувчилари.
А. Колиэнтерит.
Б. Ботулизм.
В. Коин тифи.
Г. Дизентерия
Д. Дифтерия.
4. Микроорганизмларнинг хивчинлари аникланадиган усул
А. Морозов.
Б. Грам.
В. Нейссер.
Г. Бури- Гинса.
Д. оддий усулда буяш.
5. Бактерияларнинг капсуласи характерланади.
А. Микроэлементларнинг куп тутиши билан
Б. Ёмон буялиши билан.
В. Грам усули билан осон буялади.
Г. Кислотага чидамли.
Д. Куритишга чидамли.
6. Микроб хужайрасини кобигини аниклаш
А. Грам усули билан
Б. электрон микроскоп ёрдамида.
В. Корогилаштирилган микроскоп ёрдамида.
Г. Тирик ҳолатда урганиш усули билан.
Д. Нейссер усулида буяш билан.

7. Бактерияларнинг капсула полисахариди билан боғлиқ.

А. Вирулентлиги.

Б. Инвазивлиги.

В. Юкори температурага чидамлилиги.

Г. Ташки мухитга чидамлилиги.

Д. анилин бўёклари билан бўялиши.

8. Грам усулида кулланиладиган бўяқни белгиланг.

А. Генцианвиолет.

Б. метилин кукки.

В. Цилнинг карболли фукцини.

Г. Везувин.

Д. хризоидин.

9. Грам усули билан бўяш боғлиқ.

А. Бактерияларнинг морфологиясига.

Б. кобикнинг тузилишига.

В. Капсуланинг борлигига.

Г. Хивчинларнинг борлигига.

Д. кобикнинг оптик зиччилигига.

10. Цитоплазматик мембрана.

А. Бактерияларга шакл беради.

Б. Хужайрани механик факторлардан асрайди.

В. Хужайранинг осматик барери хисобланади.

Г. Хужайранинг метоболизмида иштирок этмайди.

Д. Оксил синтезида иштирок этмайди.

11. Бациллалар учун споранинг ахамияти.

А. Купайиш учун.

Б. нокулай шароитда уз турини саклаш учун.

В. Запас озука моддаларини туплаш учун.

Г. Макроорганизмга тушганда химоя қилиш учун.

Д. Хужайраларнинг дегенерацияга учрашида иштирок этади.

.

4-машгулот

1-мавзу: Стерилизация усуллари, турлари. Асептика, антисептика, дезинфекция, дератизация, дезинсекция. Микроорганизмларнинг физиологияси, устирилиши. Озика мухитлари, классификацияси, турлари. Касалликларнинг микробиологик диагностикасида озика мухитларининг ахамияти.

3-соат

II. Мақсад. Талабаларни стерилизациянинг турлари, усуллари билан таништириш, стерилизациянинг медицина микробиологияси учун ахамияти ҳақида маълумот бериш. Бундан ташқари асептика, антисептика, дезинфекция, дератизация, дезинсекция учун қўлланиладиган препаратлар билан таништириш. Микроб культураларини устириш учун қўлланиладиган озика мухитлари ва уларни классификацияси, тайёрлаш методлари билан таништириш.

III. Масала. Машгулотдан сунг талабалар асептика, антисептика ҳақида маълумотга эга бўладилар, микробларни устириш принциплари ва озика мухитларини тайёрлаш ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида тушунчага эга бўладилар. Узларининг Амалий иш жараёнида олган билимларини қўллайдилар ва юқумли касалликларга диагноз қўйишда қўллайдилар.

VI. Қуриб чиқиладиган саволлар.

1. Стерилизация, стерилизация турлари, усуллари.
2. Стерилизация қилиш учун ишлатиладиган аппаратлар.
3. Асептика ҳақида тушунча. Асептиканинг ахамияти.
4. Антисептика ҳақида тушунча. Антисептик моддалар.
5. Дезинфекция ҳақида тушунча. Дезинфекцияловчи моддалар ва уларнинг ишлатилиши.
6. Дезинсекция ва дератизация ҳақида тушунча.
7. Антисептик ва дезинфекцияловчи моддаларнинг таъсирчанлигини аниқлаш усуллари.
8. Микроорганизмлар физиологияси, уларнинг озикланиши ва озикланиш турлари.
9. Озика мухитлари ва уларни тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотлар.
10. Озика мухитларнинг классификацияси ва уларга қўйиладиган талаблар.
11. Озика мухитларини тайёрлаш техникаси.

V. Узлаштириш усуллари.

А) таркатиладиган материал. Стериллаш учун ишлатиладиган аппаратлар, антисептик ва дезинфекцияловчи моддаларнинг эритмалари. Озика мухитларни тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотлар. Стериалланган ва стериалланмаган ипак в.а.к. Расмлар, жадваллар.

Б) Хаар бир талаба стериалланган ва стериалланмаган ипакни ГПБга эгади.

В) Қиялантирилган агар тайёрлаш. Қиздирилган ГПАни Петри косчасига қўйиш ва унга хавони экиш.

Жавоб: Экилган ипакни термостатга куйилади ва келдаси машгулотда курилади. ГПАли косачани хаво экилиб, термостатга куйилади ва келаси машгулотда усиб чиккан микроб колониялари урганилади.

VI. Укитувчи мулохазалари.

Стериллаш - вегетатив шауклдаги микроорганизмлар ва уларнинг турли материаллардаги спорасини тулик йук килишдир. Стериаллаш физикавий усуллар Билан амалга оширилади:

- 1) юкори харорат таъсири остида;
- 2) Ультрабинафша нури Билан;
- 3) Механик йуллар, яъни бактериал филтрлар оркали хамда кимёвий усуллар Билан филтрланади.

Стериаллашнинг физикавий усуллари:

1. Спиртовка ёки газ горелкасида киздириш. Бу усулдан асосан бактериологик ковузлок, препарат игна, пенцетларни стериллаш учун фойдаланилади.
 2. Кайнатиш йули Билан стериллаш. Бу усул Билан шприцлар, майда жаррохлик асбоблари, буюм ва ёпкич ойначалар ва айрим буюмлар стерилланади.
 3. Курук исиклик Билан стериллаш ёки куритиш шкафида (Пастер печи) курук хаво оркали стериллаш. Бу усул 165-180 С гача киздирилган хавонинг микроорганизмларни улдириш хусусиятига асосланган. Бу усул Билан шиша идишлар, Петри косачаси, пробирка, пипетка ва бошқалар стерилланади.
 4. Автоклавда Буг Билан босим остида стериллаш. Бу энг самарали усул булиб, факатгина микробиология амалиётида эмас, балки клиник медицинада хам кенг таркалган.
 5. Кок аппарати ёки автоклавда окувчи Буг Билан стериллаш. Бу усул Билан юкори температурада стериллаш мумкин булмаган материаллар, витаминли ва кандли, озикли мухитлар стерилланади. Микроорганизмларни тулик йукотиш учун булиб-булиб стериллаш усули кулланилади.
 6. Тиндализация. Материаллар 5-6 кун бир соат давомида 56-58 С да сурункасига булиб-булиб стерилланади. Бу усул юкори температурада тез бузиладиган моддаларни (кон зардоби, витамин ва б.) стериллашда кулланилади.
 7. Пастеризация. Бу усул температуранинг бактерия спорасига эмас, факат вегетатив хужайрасига таъсир килиш хусусиятига асосланган. Материал 50-65 С да 15-30 мин. Ёки 70-80 С да 5-10 минут киздирилади, сунгра тезликда совутилади. Купинча ичимликлар ва озик-овкат махсулотлари (вино, пиво, шарбат, сут ва б.) пастеризацияланади.
 8. Ультрабинафша нурлар Билан стериаллаш. Бу усул 260-300 мкм тулкин узунлигидаги ультрабинафша нурларининг микроорганизмларни улдириш хусусиятига асосланган.
- Механик (филтрлаб) стериллаш.
- Бу усулдан суюк, киздиришга чидамсиз материалларни (кон зардоби, антибиотиклар) стериллашда фойдаланилади. Бундан ташқари, бу усул

ёрдамида бактериянинг токсинлари, фаглари ва ҳаёт фаолиятида ажралиб чиқадиган турли маҳсулотлари олинади.

Кимёвий усуллар билан стериллаш. Бактерияларни улдириш хусусияти бўлган турли кимёвий моддалар фойдаланилади. Дезинфекция - бу микроорганизмларни йук килишга қаратилган чора тадбирлар. Дезинфекция - хашоратларни йук килиш. Дератизация - кемирувчи ҳайвонларни йук килиш. Антисептика ва дезинфекция қиладиган моддаларнинг бактерияга Қарши таъсирини аниқлаш:

1. Текширув - объектининг икки тури тайёрланади: а) *E.coli* культурасига шимдирилган ипақли иплар; б) спора ҳосил қилувчи культурага шимдирилган ипақли иплар. Иплар 5% - фенол, 5 % - лизол, 10 % - хлорли оҳак эритмасига солинади ва 5-60 минут ушлаб турилади. Сунгра иплар текшириляётган моддалардан ювилади, озикли муҳитга бўльонга экиб, бир сутка термостатга қуйилади.

2. Текшириляётган моддалар эритмасига филтр коғоз дисклари шимдирилади ва улар Петри косачасидаги озикли агар юзасига экилган тест-стафилококк ёки ичак таёкчаси культураси устига қуйилади. Косачалар бир сутка 37 % термостатга қуйилади. Дисклар атрофида бактериялар усмаса, текшириляётган моддаларнинг бактерияларга Қарши таъсири ҳақида ҳулоса чиқарилади.

Озикли муҳитлар.

Микробиологияда турли мураккаб ёки оддий бирикмалардан ташкил топган, бактерия ёки бошқа микроорганизмларни лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида қупайтириш учун қулланиладиган муҳитга озикли муҳит деб аталади. Ҳар бир озикли муҳит қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: маълум микроорганизмларнинг қупайиши учун барча керакли моддалар осон узлаштириладиган шаклда, қулай намликда, ёпишқоқликда, РНда ва изотоник ҳолатда ва тиник, стерил бўлиши керак.

Бир қатор озикли муҳитлар, тугридан-тугри микробиологик лабораторияларда ҳайвон усимлик маҳсулотлари (мол гушти, тухум, сүт, қон зардоб, ачитки, казеин, сабзавотлар) ёки улар сунъий равишда юқоридаги моддалардан олинган маҳсулотлардан (пептон, аминопептид, ачитки ва жухори экстрактлари) тайёрланади.

Юмшоқ-катиқлигига қура озикли муҳитлар суюқ муҳитга 1,5-2% агар, ярми суюқ 0,3-0,7 % агар қушиш натижасида тайёрланади.

Айрим ҳолларда қаттиқ озикли муҳитларни олиш учун (10-15%) желатин ишлатилади. Нима мақсадда ишлатилишига қура озикли муҳитлар асосий, электив ва дифференциал диагностик турларга бўлинади.

VII. Амалий машғулот утқизиш учун керакли анжомлар.

Жадваллар, микроб культураси, озикли муҳитлар в ах.к.

VIII. Талабалар билимини назорат қилиш.

1) Интрактив (бош мияга ҳужум) усулини қуллаш, 10-15-25 минут давомида утқизилади.

2) Оғзаки савол-жавоб утқизилади.

**Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш
рейтинги 4- машгулот**
Конспект ёзиш учун 1-балл
Реферат учун 10 балл
100% дан 11 балл.

86-100	Аъло	4-машгулот. Стерилизация усуллари. Асептика, антисептика, дезинфекция. Микроорганизмларнинг физиологияси ва озук мухитлари уларнинг класификацияси, тайёрлаш технологияси, озик мухитларига қўйиладиган талаблар. Стерилизация тугрисида тулик тасаввурга эга бўлиши, усуллари мақсади. Стерилизация учун қўлланиладиган аппаратураларни билиши. Стерилизацияни дезинфекциядан фарқи. Стериллашнинг моҳиятини тушунтириши ва амалий ишида нима учун қўллаши. Озика мухитларининг классификацияси ва тайёрланиши ва уларни амалиётда қўлланилиши тугрисида тулик тасаввурга эга бўлиши.
71-85	Яхши	Стерилизация, асептика, антисептика ҳақида тулик тасаввурга эга бўлиши ва уларни моҳиятини тушунтириб бериши. Озика мухитларига қўйиладиган асосий талабларни айтиб бериши ва уларни қўллашни билиши керак.
55-70	Кони-карли	Стерилизация, дезинфекция тугрисида қисман тасаввурга эга. Озика мухитлари қандай маҳсулотлардан тайёрланишини қисман тушунтириб бериши.
0-54	Икки	Тушунча йук. Жавоб йук уз тасаввурига эга эмас, билмайди.

4-амалий машгулот учун тест саволлари

1. Бактерияларни устирадиган омиллар.

А. Нуклеопротеин.

Б.Рибоза.

В. Сахароза.

Г.Микроэлементлар.

Д. Нуклеин кислотаси

.

2- Ультра бинафша нурлари

а. Ойна оркасидан таъсир этади.

Б. Антиген хусусиятларини кучайтиради.

В. Мода алмашинувини кучайтиради.

Г. Чакалокларнинг хоналаридаги хавони дезинфекция қилишда қулланилади.

Д. Токсинлар ҳосил қилишни оширади.

3. Ультра бинафша нурлар

А.маҳсул кургошинли тусикдан утади..

Б. замбуругларнинг усишига ёрдам беради.

В. Бактериоцид таъсир қилади.

Г.Антибиотиклар синтезига таъсир қилади.

Д. Ферментатив хусусиятини активлаштиради

.

4.ГПБ ни тайёрлаш учун керак .

А. аминокислоталарнинг энг кам миқдори.

Б.натрийнинг хлорли тузи.

В. Кон плазмаси.

Г. Сахароза.

Д.желатин.

5. Бактерияларнинг Эндо мухитидаги фарқи асосланган.

А. нордон маҳсулот ҳосил қилишига.

Б.Цистинни парчалашга.

В.Уреазани парчалашга.

Г.Сахарозани парчалашга.

Д.Индол ҳосил қилишига.

6. Дефференциал диагностик мухит булиб хисобланади.

- А. Гиса мухити.
- Б. Сабура мухити.
- В. Ру мухити.
- Г. Телирутли агар.
- Д. Леффлер мухити.

7. Нималарни стерилизация килиш учун ультратовуш ва ионли радиация ишлатилади

- А. Озик овкатларни
- Б. болалар учун тайёрланган овкатларни.
- В. Сув ховзаларни.
- Г. Жаррохлик асбобларини.
- Д. Бойлов материалларини.

8. Патоген микроорганизмлар киради.

- А. Аутотрофга
- Б. Метотрофга.
- В. Хемоаутотрофга.
- Г. Сапрофти аутотрофга.
- Д. Хемотрофга.

.

9. Электив мухит булиб хисобланади.

- А. Ишкорий агар.
- Б. ГПБ.
- В. Агар устини
- Г. Карбон сувли мухит.
- Д. ГПА.

10. Зардобли мухитларни стерилизация килиш учун ишлатилади.

- А. Кох аппарати..
- Б. Автоклав.
- В. Пастер печи.
- Г. Фильтрлаш усули.
- Д. Пастеризация усули.

5-машгулот

I. Мавзу: Микроорганизмларнинг усиши ва купайиши. Аэроб бактериялар соф культурасини ажратиб олиш усуллари.

3-соат

II. Мақсад: Талабаларни озика мухитлар, уларни турлари микроорганизмларнинг озик мухитларда усиши ва купайишини ургатиш. Суюк низмларнинг каттик ва суюк озик-мухитларда усиши ва купайиши. Суюк озик-мухитларда бактерияларнинг усиши хусусиятлари ва уларни урганиш усуллари ва аэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш турларини.

VI. Куриб чиқиладиган саволлар:

1. Микроорганизмларнинг каттик ва суюк озик-мухитларда усиши ва купайиши.
2. Суюк озик мухитларида бактерияларнинг усиши хусусиятлари ва уларни урганиш усуллари.
3. Суюк озик мухитларда микробларнинг эгри чизикли купайиши, культуранинг (эгри чизикли) микроб сонини аниклаш.
4. Аэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш турлари.

V. Узлаштириш усуллари.

А) таркатиладиган материал. Ичак таёкчаси ва стафилококкнинг ГПА куйилган косачада усиши, ГПА да Петри косачасида, суюк озик-мухитларда хар хил микробларнинг усиши. Эгри чизикнинг купайиш жадвали.

Б) Топширик № 1. ГПАли Петри косачасига йирингни ковузлок Билан экиш. Жавоб: ковузлокни спиртовка алангасида киздирилади, сунгра совутиб йирингни олиб ГПАли Петри косачасига бир текисликда экилади.

Топширик № 2. Суюк озик-мухитларда бактериялар кандай усади.

Жавоб: Суюк озик мухитларда бактериялар чукма парда, ёки лойка хосил килиб усади.

Топширик № 3. каттик озик-мухитларда бактерияларни усиши.

Жавоб: каттик озик мухитларда бактериялар колони хосил килиб усади.

Колониялар 2 хил шаклда булади S ва R шаклда.

VI. Укитувчи мулохазалари.

Саволларни танлаш.

Бактериялар финологиясини урганиш бактерияларнинг озик-овкатга, пластик ва энергетик метоболизмда катнашувчи ферментларга талаб, каттик ва суюк озикли -мухитларда усиши ва купайишини текширишдан иборат. Бир катор озикли мухитлар тугридан-тугри микробиологик лабораторияларда хайвон, усимлик махсулотлари (мол гушти, тухум, сут, кон зардоб) ёки улар сунъий равишда юкоридаги моддалардан олинган махсулотлардан (пептон, ачитки ва жухори экстрактлари) тайёрланади. Юмшок-каттиклигига кура озикли мухитлар каттик, суюк ва ярим суюк булади. Каттик мухитлар суюк мухитга 1,5-2 % агар, ярим суюк мухитга 0,3-0,7 % агар кушиш натижасида тайёрланади. Агар махсус денгиз усимлигини кайта ишлаш натижасида

хосил булган махсулот булиб, у котирилса, мухитни каттик холатга келтиради. Агар 80-86 Сда эрийди. 40 Сда котади. Айрим холларда каттик озикли мухитларни олиш учун (10-15%) желатин ишлатилади. Нима максадда ишлатишига кура озикли мухитлар асосий, электив ва дифференциал-диагностик турларга булинади. Асосий мухитларга купгина бактерияларни устириш учун кулланиладиган мухитлар киради. Булар балчик махсулотларининг трипток гидрозилатлари ёки кизсинлар булиб, улардан суюк озикли мухит бульон ва каттик озикли агар тайёрланади. Бундай мухитлар бошка мураккаб мухитларни тайёрлаш учу насос булади. Айрим холларда мухитнинг асоси сифатида маълум минерал тузлардан тайёрланган сунъий мухитлар ишлатилиб, уларга аминокислоталар, витаминлар глюкоза кушилади.

Электив озикли мухитлар турли хил бошка микрофлорали материалдан маълум турни ажратиб олиш ва уни туплашга мулжалланган. Маълум микробларга электив озикли мухитни яратишда, бу микробларнинг бошка купчилик микроблардан фарклантирадиган биологик хусусиятларига асосланади.

Масалан: Стафилококк натрий хлор тузининг концентрацияси юкори булган мухитда вобо-вибриони эса микдорий мухитда яхши усади.

Дифференциал диагностик озикли мухитлар айрим турдаги микроорганизмларни бир-биридан ажратиш учун ишлатилади.

Дифференциал-диагностик мухитлар тартибига куйидаги асосий компонентлар киради: а) бактерияларнинг купайишини таъминлайдиган асосий озикли мухит; б) маълум кимёвий сутстракт (масалан, лактоза) унга шу микробнинг турли муносабати диагностик белги хисобланади: в) рангли индикатор (масалан Андреде индикатори) рангининг узгариши содир булаётган биохимиявий реакциядан ва текшириляётган микроорганизмда Ушбу фермент системаси борлигидан далолат беради.

Купайиш бактериялар сонининг маълум хажмда ортиб кетиши, усиш эса хужайра материалларининг синтез килиниши натижасида бактерия массасининг катталашишидир. Турли синфдаги микроблар хар хил усул билан купаяди. Масалан: бактериялар оддий булиниш йули билан купаяди, буни вегетатив купайиш хам деб аталади. Бактерияларнинг купайиши муайян конуниятларга асосланади. (боскичма-боскич, тухтовсиз ва синхрон) улар суюк озик мухитда устирилганда популяциянинг усиши ва купайиши маълум конуниятлар асосида содир булади.

Боскичма-боскич купайишининг асосий 8 боскичи Рим раками билан белгиланади.

I. Бошлангич тургун боскич - бактерияни эккан вақтдан усишигача булган муддат (1-2 соат давом этади) бунда бактериялар сони деярли узгармайди, кисман камайиши мумкин.

II. Купайишнинг тухтаб турган боскичи, бу боскичда катталашиш тезлиги ошади, лекин купайиш тезлиги паст булади. I ва II боскичлар лог фаза деб аталади. Бу боскич 2 соат давом этади.

III. Экспоренциал (логарифмик боскич, бунда бактерия хужайрасининг сони логарифмик равишда ошиб боради. Хужайралар жуда юкори тезликда, яъни

геометрик прогресс тарзда булинади. Бу боскичда бактериялар биохимиявий ва биологик жихатдан оргон булади ва 5-6 соат давом этади.

IV. Бактериялар купайишнинг секинлашиш боскич, бунда бактериянинг купайиш тезлиги ҳамда булинувчи хужайралар сони камаяди. Бу ҳолат озик мухит таркибининг узгариши, метоболизм маҳсулотларининг купайиши ва кислороднинг камайиши натижасида содир булади. Боскич 2 соат давом этади.

V. Максимал тургун боскич, бунда энги ҳосил булган бактериялар сони улган бактериялар сонига тенг булади. Боскич 2 соат давом этади.

VI. Бактерияларнинг нобуд булиш боскичи, бунда бактерия хужайраларининг нобуд булиши тезлашади. Боскич 3 соатча давом этади.

VII. Логарифмик нобул булиш боскичи, бактерия хужайралари муайян тезликда нобуд булади. Боскич 5 соатча давом этиши мумкин.

VIII. Нобуд булиш тезлигининг секинлашиш боскичи, бунда хужайраларнинг нобул булиши камаяди, тирик қолган бактерия хужайралари тенг ҳолатга утади. Боскичларнинг вақти шартли булиб, у узгариб туради. Ҳар хил турдаги бактериялар генерацияси турлича булади.

Масалан: *E.coli* ҳар 20-30, потоген спертококклар 30 минут, сил минобактерияси ҳар 18 соатда булинади. Таёкчасимон, спорасиз бактерияларнинг ривожланиш цикли коккларга ухшаш Хломедия каби бактерияларда мураккаб ривожланиш даври кузатилади. Уларнинг хужайралари узун игналарга айланади. Айримлари махсус купайиш аъзоси гон идийни ҳосил қилади. Булар уз навбатида ушиб, Янги хужайра ва ипчалар ҳосил қилади.

Актиномицетлар бир биридан фарқ қиладиган икки хил ривожланган боскичига эга :

А) Вегетатив усиш боскичи, бунда мицелиялар ҳосил булади.

Б) Ҳосил бериш боскичи, бунда спиралсимон ёки тугри шохчаларда спора тутиб турувчилардан споралар ҳосил булади. Микобактерияларнинг ривожланиш цикли мураккаб, таёкчасимон бактериянинг вегетатив хужайраси овалсимон ёки шарсимон макроцисталар билан алмашади, натижада хужайралар озик ушлаб турувчи мослама билан тана ҳосил қилади.

В) Аэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш олиш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

1) Бактерия хужайраларини механик равишда бир-биридан ажратиш;

2) Текшириладиган материалга олдиндан ишлов бериб, бактерияга Карши танлаб таъсир қила оладиган физик ва кимёвий омиллар билан таъсир қўратиш.

3) Экмаларни инкубация қилиш даврида физикавий ёки кимёвий омиллар билан қушилиб қиладиган микрофлоранинг купайишини танлаб тухтатиш;

4) Айрим бактерияларнинг уларга бирикувчи лаборатория ҳайвонлари организмда тез купайиш қобиляти (биосиномалар) соф культурани ажратиш процессини бир неча боскичларга бўлиш мумкин:

I-боскич: Текшириладиган материалдан суртма тайёрланади. Грам ёки бошқа усул билан бўялади. Керак бўлса текшириладиган материал пробиркада NaCl нинг стерилланган изотоник эритмаси билан суюлтирилади. Петри

косачасидаги озикли агар юзасига томизилади ва юзасига шпатель Билан яхшилаб суркалади. У 37 С да термостатга 18-24 суткага куйилади.

II-боскич: Косачалар курилади, якка-якка жойлашган колониялар урганилади. Колониянинг бир кисмидан суртма тайёрланади. Грамм усули Билан буЯлади ва микроскоп остида курилади.

III-боскич: Ажратиб олинган соф культуранинг хусусиятлари кайд килинади. Шу культурадан тайёрланган, буялган суртма микроскоп остида курилганда, морфология, тинкторсп хусусияти жихатидан бир хил булган хужайралар куринади. Агар бактерияларнинг айрим турларига хос руйи-рост куринадиган полиморфизм булса, у холда соф культурадан тайёрланган суртмада, хакикий хужайралар Билан бир каторда бошка узгарган шаклдаги хужайралар хам учрайди.

VII. Амалий машгулот утказиш учун керакли анжомлар: Ичак таёкчаси ва стафилококкнинг ГПА куйилган косачада усиши. ГПАда Петри косачасида Вае: antracordis нинг ва корин тифининг усиши суюк озик-мухитларда хар хил микробларнинг усиши. Эгри чизикнинг купайиш жадвали.

VIII. Талабалар билимини назорат килиш:

1. Интрактив усул бош мияга хужум) усули 5-10-15 минут давомида утказилади.
2. талабалар орасидан битта котиба сайланади ва берилган жавоблар доскага ёзилади.
3. киска танаффусдан сунг бахолаш ва мулохаза килинади.
4. Мавзу танланади: Микроорганизмларнинг усиши ва купайиши. Аэроб бактериялар соф культурасини ажратиб олиш усуллари саволлар тузилади:
А) Озикли мухитлар ва уларнинг турлари.
Б) Суюк озик-мухитларда бактерияларнинг усиши хусусиятлари ва уларни урганиш усуллари.
В) Аэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш турлари.
5. Талабаларга вазифа тушунтирилади ва киска муддат (10-15 минут) ичида саволларга жавоб берилади ва барча жавоблар доскага ёзилади.
6. Доскага куйилган бахо ёзилади:

Масалан: а) саволга жавоб

- 1.....
- 2.....
- 3.....
- 4.....

Б) саволга жавоб в ах.к.

Узлаштирилди: "Аъло" хатосиз барча саволларга тулик жавоб олинган, очилмаган жавоб колмади.

"Яхши" худди юкоридагидек, лекин (3-4) эътиборсиз хатолар бор.

"Урта" бир канча хатолар бор Жавоб системада берилмаган.

Узлаштирилмаган: "Кониарсиз" куп хатолар бор, жавоб нотугри берилган, бирканча хатолар бор ва мазмун мохияти нотугри талкил килинган. Бундан ташкари топширилган вазифа ва Амалий куникмаларни назорат килиш учун огзаки савол-жавоб утказилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш рейтинги 5- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Расм жадвал чизиш учун 0,5 балл

Соф культурани ажратиб олиш учун -3-балл

Культурани дифференциация қилиш -2 балл

100% дан 6,5 балл.

86-100	Аъло	5-машгулот. Микроорганизмларнинг усиши, купайиши. Анаэроб микроорганизмларининг соф культурасини ажратиб олиш усуллари ва этаплари (культура, штамм, клон, тур, кенжа тур ва х.к). микроорганизмларнинг устириш учун яратиладиган шароитлар тугрисида тулик тушунчага эга булиши. уСиш ва купайиш процесларининг фарқи. Соф культура, аралаш культура тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Соф культура ажратиб олиш этаплари ва бу усулни амалиётда куллай олиши. Клот, тур, штамм тугрисида тасаввурга эга булиши шарт. Микроб культурасининг софлигини аниклаш учун суртма тайёрлаши, буяши микроскоп остида куриб культуранинг соф ёки ифлослигини аниклаши лозим.
71-85	Яхши	Микроорганизмларни суюқ мухитда усиши, усиш этаплари хақида тулик тасаввурга эга булиши ва айтиб бериши керек нима учун соф культура билан ишлаш кераклиги хақида тулик тасаввурга эга булиши ҳамда узи мустакил соф культура ажрата олиши керак. Зич мухитда ушиб чиккан микроб колонияларига тулик характеристика бериши ва соф култура олиш учун микроб колонияларидан олиб қийшайтирилган агарда мустакил экиши керак.
55-70	Кони-карли	Микроорганизмларнинг суюқ ва зич озуқа мухитларида усиш характеристикаси тугрисида тушунчага эга булиши ва соф культура билан ишлаш мохиятини билиши.
0-54	Икки	Жавоб йук уз тасаввурига эга эмас, билмайди.

5 – МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. БАКТЕРИАЛАРНИ СУЮК ОЗИК МУХИТДА УСИШ ФАЗАЛАРИ
 - А. МАКСИМАЛ СТАЦИОНАР
 - Б. БАКТЕРИОСТАТИК
 - В. ПРОГРЕССИВ УСИШ
 - Г. ТАШКИ МУХИТГА БОГЛИК ЭМАС.
 - Д. АРИФМЕТИК ПРОГРЕССИЯ БИЛАН КУПАЙИШ ФАЗАСИ
2. КОЛОНИЯЛАРНИ МИКРОСКОП ОСТИДА УРГАНИШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИ.
 - А. КУТАРИЛГАН КОНДЕСАТОР
 - Б. ИММЕРИСОН ОБЪЕКТИВ
 - В. ТУШИРИЛГАН КОНДЕНСОР
 - Г. РИ.Ф УСУЛИ
 - Д. ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОП
3. АЭРОБЛАРНИНГ СОФ КУЛЬТУРАСИНИНГ АЖРАТИБ ОЛИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛ.
 - А. ШУКЕВИЧ
 - Б. ВЕЙНБЕРГ
 - В. ФОРТНЕР
 - Г. ПАСТЕР
 - Д. ПЕРЕТЦ.
4. АЭРОБЛАРНИНГ СОФ КУЛЬТУРАСИНИНГ АЖРАТИБ ОЛИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛ.
 - А. ДРИГАЛЬСКИЙ УСУЛИ
 - Б. САБУРО МУХИТИГА
 - В. КИМЁВИЙ УСУЛ
 - Г. СОТОН МУХИТГА ЭКИШ
 - Д. ПЕРЕТЦ УСУЛИ.
5. СУЮК ОЗИК МУХИТЛАРДА БАКТЕРИЯЛАРНИНГ УСИШ ФАЗАЛАРИ
 - А. ПРОГРЕССИВ
 - Б. АРИФМЕТИК ПРОГРЕССИЯ
 - В. ТАШКИ МУХИТГА БОГЛИК ЭМАС
 - Г. ЛОГАРИФМИК УСИШ
 - Д. БАКТЕРИОСТАТИК.
6. СУЮКЛИКДАГИ БАКТЕРИЯЛАР СОНИНИ АНИКЛАШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ.
 - А. МАЪЛУМ ХАЖМДА ЭКИШ
 - Б. ФАЗОВА КОНТАРАСТ МИКРОСКОП
 - В. ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОП
 - Г. ИММУНОФЛЮОРЕСЦЕНТ УСУЛИ
 - Д. КОРОНГИЛАШГАН МИКРОСКОПИЯ МАЙДОНИ.
7. БАКТЕРИЯЛАРНИНГ УСТИРУВЧИ ОМИЛЛАРНИ КУРСАТИНГ
 - А. ВИТАМИНЛАР
 - Б. АНДЕРЕДЕ ИНДЕКАТОРИ
 - В. ЛИПИДЛАР
 - Г. УГЛЕВОДЛАР
 - Д. ФЕРМЕНТЛАР
8. АЭРОБ МИКРОБЛАРНИ СОФ КУЛЬТУРАСИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ УСУЛИНИ БЕЛГИЛАНГ
 - А. САБУРА
 - Б. ДРИГАЛЬСКИЙ
 - В. КИМЁВИЙ
 - Г. СОТОН
 - Д. ПЕРЕЦ
9. ПРОТЕЛИТИК ФЕРМЕНТНИ АНИКЛАШ УЧУН ЭКИЛАДИГАН ОЗУКА МУХИТИНИ БЕЛГИЛАНГ
 - А. ЖЕЛАТИНАЛИ
 - Б. УГЛЕВОДЛИ
 - В. ЭНДО
 - Г. СОТОН
 - Д. ЛЕВЕН
10. АЭРОБ БАКТЕРИЯЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. АРИСТОВСКИЙ АППАРАТИ
 - Б. ШАМБЕРЛЕЙН СВЕЧАСИ
 - В. ОМЕЛЯНСКИЙ СВЕЧАСИ
 - Г. ЭКСИКАТОР
 - Д. ТЕРМОСТАТ

6-машгулот

I. Мавзу: Микроорганизмларнинг нафас олиши. Анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш усуллари.

3-соат

II. Мақсад: Талабаларни микроорганизмларнинг нафас олиш ва уларни турларини урганиш Анаэробларни культураларни устириш ва устириш учун шароитларни билиш керак.

III. Машгулот масалалари: Утказилган машгулотдан сунг талабаларнинг нафас олиши. Анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш усуллари.

IV. Куриб чикиладиган саволлар:

1. Микробларнинг нафас олиш турлари.

2. Анаэробларни культураларни устириш.

3. Анаэробларни устириш учун шароитлар:

А) физикавий-кимёвий : Вейнборг буйича экиш Кита-Тароцин мухитини ишлатиш, Винзаль-Вейсн, Перенц усуллари

Б) Кимёвий усул: берк бушликдаги кислородни кимёвий сургишлар Билан ютилиши (Аристон пробиркасида тиргаласнинг ишкорий эритмаси, эксикотор, Омелян сногами).

В) Фортнернинг биологик усули: микроорганизмларнинг аэроб-анаэробларнинг симбиони.

Г) Анаэроб соф культурасини ажратиб олиш усуллари.

V. Узлаштириш усуллари:

А) Таркатиладиган материал: Анаэроб озик-мухитлар 2-пробирканинг 2/3 кисмига куйилган Тукаев мухити, Кита-Тароц, Вильсон-Блор мухитлари, Аристовский аппарати, Омелян шагами эксикатор вакуми ГПА Дайи-Ваньян пойгалари.

Б) Топширик № 1: ГПАдан Петри косачасига экилган йирингни куриш.

Жавоб: Усиб чиккан культурадан суритма тайёрлаб грамм усулида буяб, микроскоб остида курамиз.

В) Топширик № 2: Усиб чиккан колонияларга характеристика бериш.

Жавоб: Колониялар асосан S ва R шаклда булади. S- варулент, R-новарулент холатларда.

Г) топширик № 3: Анаэробларнинг соф культурасини ажратиб олиш учун кандай огиз мухитларда фойдаланилади.

Жавоб: Анаэробларнинг соф культурасини ажратиб олиш учун Витта-Тароцин озик мухитидан фойдаланилади.

VI. Укитувчи мулохазалари:

Бактериянинг хаёт фаолияти учун етарли микдорда озик моддалар ва энергия керак. Бактериянинг энергияга булган эhtiёжи биологик оксидланиш хисобига кондирилади ва натижада АТФ кислотанинг молекуласи синтез килинади. Купгина бактерияларнинг хаёт фаолиятида кислород мухим ахамиятга эга. Л.Пастер биринчи булиб кислородсиз шароитда яшовчи бактерияларни кашф этди. У айрим бактериялар узининг хаёт фаолияти учун

зарур булган энергияни хисобидан олиши исботлади. Бактериялар нафас олишига кура катъий аэроб, микроаэрофил, факультатив анаэроб ва катъий анаэробларга булинади. Катъий аэроблар атмосферада 20 % кислород булган шароитда суюк ва каттик мухитлар юзасида усади, уларга вабо вибриони, бруцелли микрококк ва бошқалар киради.

Микроаэрофиллар оз микдорда кислород булганида ҳам купаяверади. Куп микдордаги кислорода улар усишдан тухтайди. Факультатив анаэроб бактериялар кислородли ва кислородсиз шароитда ҳам усаверади. Бунга купгина патоген ва сапрорат бактериялар киради. Катъий анаэроб бактерияларга молекуляр кислород захарли таъсир этади. Усишини тухтатади. Масалан: Кокшол, анаэроб инфекция, ботулизм кузгатувчилари шу ёругга киради. Анаэроб бактерияларга молекуляр кислород захарли таъсир этади. Аэроб бактериялар H_2O_2 ни каталога ферменти ёрдамида парчалаб юборади. Анаэроб бактерияларда эса бундай фермент булмайди. факультатив аэроб бактерияларнинг асосий вакили *E. Coli* таркибида углевод булган мухитда дастлаб углеводларни бижгиш йули Билан парчалаб анаэроб булиб ривожланади, сунг кислородни узлаштириб бичишган махсулотларни сут кислоталар CO ва сувгача оксидлантириб, аэроб булиб усади.

Бактерияларнинг нафас олиши Билан оксидоза ва дегидратаза жараёнидаги нафас олишлар бир-бирига жуда якин ва бир-бирини тулдиради. Аммо биологик ахамияти турлича, улар Ушбу реакцияларни амалга оширувчи ферментлар Билан ҳам фаркланади. Оксиди тести куп микробларни оиласи ва уругига кура ажратиш имконини беради.

Масалан: Оксиди мусбат бактерияларга нейсерия псевдомонос ва бошқалар, оксиди манфий бактерияларга эса эктробактериялар киради. Аэроб нафас олиш жараёнининг тезлиги культуранинг ёши, харорат ва озик моддаларга боглик.

Тез усувчи культураларда 1 мг. Бактерияларнинг курук моддаси 1 соатда 2500-5000 мм³ кислород истеъмол килади ва аксинча оч ёки азот озикаси булмаган бактериялар факат 10-1500 мм³ кислородни узлаштиради холос. Анаэроб дегидрогенизацияда углерод, азот, олтингугурт, водороднинг охирги акцептори хисобланади ва улар CH_4 NH_3 H_2S гача кайтарилади.

Бир молекула глюкозани этил спиртигача бижгитилганда 32 килоколлориягина энергия хосил булади. Агар водороднинг охирги акцептори субстратнинг узи булса, метоболизмнинг бу шакли бижгитиш деб аталади.

Аэроб микрококк, бруцелла, сил микробактерияларида а, в, с цитохромлар бор факультатив анаэробларда жумладанг *E. Coli* корин тифининг бурут кузгатувчилари, стрептококк ва бошқаларда факат битта ёки иккита цитохром булади. Катъий анаэробларда эса цитохромлар бутунлай булмайди. Шундай килиб бактерияларда нафас олиш жараёни кетма-кет оксидланиш-кайтарилиш реакцияларидан ташкил топган узун занжирдир. Бунда экстрактларни энг куп манфий потенциалга эга булган системадан юкори мусбат потенциалга эга булган системаларга утказувчи купгина ферментлар иштирок этади. М.Кларк оксидланиш ва кайтарилиш потенциалини $2H_2$, яъни газсимон водороднинг порциал босимини манфий логарифм Билан

белгилашни таклиы этди. Бу бирлик мухитнинг кислород ёуки водород Билан туйинганлигини курсатади. 2H_2 нинг оралиги Ш дан 43 гача. Аэроблар 2H_2 15-20, факультатив анаэроблар 0-20, анаэроблар 0-20 гача булган ораликда усади. Агар оксидланиш ва кайтарилиш потенциали юкори булса - бактерия хужайрасидаги хаёт учун зарур булган ферментларнинг фаоллиги тухтайди. Бу холатда анаэроблар муайян озикланиш хусусиятини йукотади. Ва очликдан нобуд булади. Анаэроб культураларни экилганда, улар купайишидан олдин 2H_2 ни 20-22 дан 1-3 гача камайтиради. Аэроблар хам шундай хусусиятга эга, улар узларининг тикланиш тусиги Билан ортикча кислороддан химоя килади. Шунинг учун озик мухит тайёрлашда факат озиклантирувчи энергия берувчи материал мухитнинг РНга ахамият берилмай, балки оксидланиш ва кайтарилиш потенциали (2H_2) хам хисобга олинади.

Анаэроб бактериялар лаборатория шароитида тургун ёки кутариб юрадиган анаэроустатларда хавосини суриб олиб купайтиради ва уларни вакуум-эксикаторларда хам устириш мумкин. Анаэробларни устириш учун кислород атмосфера азоти ёки бошка смерт газ Билан алмаштиради. Анаэроблар асосан Китта-Тароцин ва Вильсон-Блор мухитларида устирилади. Анаэроб шароитида экмалар инкубация килинганидан сунг хосил булган бактерия колониялардан суртма тайёрланади, буялади, микроскоп остида курилади. Сунгра соф культура ажратиб олиш учун кайтадан Китта-Тароци ва агарли мухитга экилади. Спора хосил килувчи анаэроб бактерияларни ажратиб олиш учун дастлабки экилган материаллар сув хаммомида 80°C да 20 мин. Давомида киздирилади. Бактерияларнинг соф культурасини ажратиш ва уни идентификация килиш:

I-боскич. Текшириладиган материал

II-боскич. Ажратилган колониялар характеристикаси.

III-боскич. Культура усишнинг характеристикаси.

Бактериологик амалиётда баъзи текширилаётган бактерияларнинг сихорометик ва протеолитик белгиларини урганиш Билан чекланилади.

Зарур холларда бошка белгилар хам урганилади.

Масалан: нитратни кайтадан тиклаши, аминокислоталарнинг декарбоксилланиши, оксидаза, плазмокоагулоза, фибриколизин ва бошка ферментларни хосил килиши хамда антиген тузилиши, фагларга сезувчанлиги вирулентлиги текширилади.

VII. Амалий машгулот утказиш учун керакли анжомлар: Анаэроб озик-мухитлар, 2 пробирканинг 2/3 кисмига куйилган Китта-Тароци, Вильсон-Блер мухитлари, Цейелнер агари, Аристовский аппарати Омельян шагами, Петри косачаси, Вейн-Виньям найчалари. Усиш жадвали.

VIII. Талабалар билимини назорат килиш.

- 1) интерактив бош мияга хужум усули 5-10-15 минут давомида утказилади.
- 2) Талабалар орасидан битта котиба сайланади ва берилган жавоблар доскага ёзилади
- 3) Киска танаффусдан сунг бахолаш ва мулохаза килинади.

2. Мавзу танланади: Микроорганизмларнинг нафас олиши. Анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиб олиш усуллари.

Саволлар тузилади

А) Микробларнинг нафас олиш турлари.

Б) Анаэробларни культураларини устириш.

В) Анаэробларни устириш учун шароитлар.

3) Талабаларга вазифа тушунтирилади ва киска муддат (10-15 минут) давомида саволларга жавоб берилади ва барча жавоблар доскага ёзилади.

4) Доскага куйилган баҳо ёзилади:

Масалан: А-саволга жавоб:

1.....

2.....

3.....

4.....

Б-саволга жавоб ва х.к.

Узлаштирилди: Аъло - хатосиз барча саволларга тулик жавоб олинган, очилмаган жавоб колмади. Яхши - худи юкоридагидек, лекин (3-4) эътиборсиз хатолар бор. "Урта" бир канча хатолар бор Жавоб системада берилмаган.

Узлаштирилмаган: "Кониқарсиз" куп хатолар бор, жавоб нотугри берилган, бирканча хатолар бор ва мазмун мохияти нотугри талкил килинган. Бундан ташқари топширилган вазифа ва Амалий куникмаларни назорат килиш учун оғзаки савол-жавоб утказилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш рейтинг 6- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Кон олиш учун 1 балл

Соф культура олиш учун 1балл

Културани дифференциация килиш учун 3 балл

100% дан 8 балл.

86-100	Аъло	6-машгулот. «Микроорганизмларнинг нафас олиши, нафас олиш турига кура класификацияси. Анаэроб микроорганизмларини устириш усуллари ва соф культурасини ажратиб олиш этаплари». Микроорганизмларда неча хил нафас олиш турлари мавжудлигини тулик билиши. Анаэроб шароит яратишнинг физик, биологик, химик, механик усулларини тулик билиши. Бу усулларни амалда ишида куллаш хакида тулик тасаввурга эга булиши.
71-85	Яхши	Анаэроб микроорганизмлар кандай касалликларни келтириб чикаради ва уларни соф культурасини ажратиб олиш усуллари ва этаплари тугрисида тулик тасаввурга эга булиши ва бу усулларни амалий ишида куллай олиши.
55-70	Кони-карли	Анаэроб микроорганизмларни устириш учун кулланиладиган озука мухитлари тугрисида тасаввурга эга булиши ва кайси касал кузгатувчилари анаэроб турга киради.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тайёр эмас.

6-МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. АНАЭРОБЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН ОЗИК МУХИТЛАР
 - А) КАНДЛИ БУЛЬОН
 - Б) ГПБ
 - В) КИТТА – ТАРОЦЦИ МУХИТИ
 - Г) ЛЕВИН МУХИТИ
 - Д) МУЮЛЛЕР МУХИТИ
2. АНАЭРОБ БАКТЕРИЯЛАРНИНГ УСИШ ШАРОИТИ
 - А) CO_2 БУЛМАГАНДА
 - Б) КИСЛОРОД ИШТРОКИДА
 - В) ПАСТ БОСИМДА
 - Г) ЭНДО МУХИТИДА
 - Д) ХАВОНИ ФИЗИК УСУЛ БИЛАН ЧИКАРИЛГАНДА /АНАЭРОСТАТДА/
3. МИКРООРГАНИЗМЛАР НАФАС ОЛИШИГА КАРАБ БУЛИНАДИ
 - А) ОБЛИГАТ АНАЭРОБ
 - Б) ПРОВИНОГРАД КИСЛОТА ХОСИЛ КИЛУВЧИ
 - В) СПИТРИК БИЖГИШ ХОСИЛ КИЛУВЧИ
 - Г) НОРДОН СУТЛИ БИЖГИШ ХОСИЛ КИЛУВЧИ
 - Д) НОРДОН ЕГЛИ БИЖГИШ ХОСИЛ КИЛУВЧИ
4. КАНДАЙ БУЮМЛАРНИ СТЕРИЛЛАШ УЧУН УЛЬТРА ТОВУШ ИОНЛИ РЕДИАЦИЯ КУЛЛАНИЛАДИ
 - А) ТУРЛИ ИДИШЛАРНИ
 - Б) ХОНАЛАРНИ
 - В) ЧАКОЛОКЛАР ХОНАСИНИ
 - Г) БОЛАЛАР УЙИНЧОКЛАРИНИ
 - Д) ЧАКАЛОКЛАР СУРГИЧИНИ
5. ОБЛИГАТ КАТЪИЙ АНАЭРОБ МИКРОБНИНГ ХОССАЛАРИ
 - А) ЦИХОТРОМ
 - Б) КИСЛОРОД ИШТИРОКИДА ВЕГЕТАТИВ ШАКИЛЛАРИ ХАЛОК БУЛАДИ
 - В) КАТАЛАЗА ФЕРМЕНТИ БОР
 - Г) СПОРА КИСМИ УЧУН КИСЛОРОД ЗАХАРИ ТАЪСИР ЭТАДИ
 - Д) ГЛЮКОЗАНИ СУВ ВА КИСЛОРОДГАЧА ПАРЧАЛАЙДИ
6. АНАЭРОБ МИКРОБЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИГАН ОЗУКА МУХИТИНИ БЕЛГИЛАНГ
 - А. КАНДЛИ БУЛЬОН
 - Б. ГПБ
 - В. КИТТА ТАРОЦИ МУХИТИ
 - Г. ГИССА МУХИТЛАРИ
 - Д. ПЛОСКИРИЕВ МУХИТИ
7. НАФАС ОЛИШИГА КУРА МИКРООРГАНИЗМЛАР БУЛИНАДИ
 - А) ОБЛИГАТ АНАЭРОБ
 - Б) ПИРОВИНОГРАБКИСЛОТА ХОСИЛ КИЛАДИ
 - В) СПИРТЛИ МАХСУЛОТ ХОСИЛ КИЛАДИ
 - Г) СУТ КИСЛОТАЛИ АЧИШ, БИЖГИШ
 - Д) СУТ КИСЛОТАЛИ АЧИШ
8. МИКРООРГАНИЗМЛАР ВИРУЛЕНТЛИГИ
 - А. ФАКАТ ШТАММГА БОГЛИК
 - Б. ЛАБОРОТОРИЯ ХАЙВОНЛАРИ ОРГАНИЗМИ ОРКАЛИ ПАССАЖ КИЛИНГАНДА ПАСАЯДИ
 - В. ИММУН ХАЙВОНЛАР ОРГАНИЗМИДА КУЧАЯДИ
 - Г. ТУРГА ХОС ХУСУСИЯТИ
 - Д. ГЕНОТИПИК УЗГАРУВЧАНЛАК НАТИЖАСИДА
9. МИКРООРГАНИЗМЛАР ПАТОГЕНЛИГИ
 - А. ТУРГА ХОС ХУСУСИЯТ
 - Б. МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ РЕАКТИВЛИГИГА БОГЛИК
 - В. ДОИМО ПАРАЗИТИЗМ БИЛАН БОГЛИК
 - Г. УЗГАРУВЧАНЛИК
 - Д. РЕЗИСТЕНТ ОРГАНИЗМДА КУЧАЯДИ
10. АНАЭРОБ БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ТОКСИНЛАРИ
 - А) ЭНДОТОКСИН
 - Б) АУТОТОКСИН
 - В) ГЕТЕРОТОКСИН
 - А) ЭГЗОТОКСИН
 - Б) АРАЛАШ ТОКСИН

7-машгулот

I. Мавзу: Умумий вирусология. Риккетсия, хламидия ва вирусларни устириш усуллари. Бактериялар вируси – бактериофаглар

3-соат

II. Мақсад: Талабаларни умумий вирусология, риккетсия, хламидия ва вирусларни улдириш усуллари ургатиш. Бактериялар вируси (фаглар) фагларни ташки мухитдан ажратиб олиш усуллари. Грация усули буйича фаглар титрини аниклаш ва тиббиётда фагларнинг кулланишини билиши керак.

III. Машгулот масалалари: Утказилган машгулотдан сунг талабаларнинг билиши шарт.

Умумий вирусология риккетсия, хламидия ва вирусларни улдириш усуллари ургатиш. Бактериялар вируси (фаглар) фагларни ташки мухитдан ажратиб олиш усуллари. Тиббиётда фагларнинг кулланишилиш усуллари.

IV. Куриб чикиладиган саволлар.

1. Риккетсия, хламидия ва вирусларни товук эмбриони, тукима культурасининг хужайраларида ва лаборатория хайвонларнинг организмларида купайтириш.
2. Товук эмбрион ива тукима культурасининг хужайраларида вирусларнинг аниклаш.
3. Фагларнинг тузилиши ва хусусиятлари
4. фагларни ташки мухитдан ажратиб олиш усуллари.
5. Грация усули буйича фаглар титрини аниклаш.
6. тиббиётда фагларнинг кулланилиши.
7. лизоген бактерияларни аниклаш.

V. Узлаштириш усуллари.

А) Таркатиладиган материал:

Бир катламли хужайра культурасини тайёрлаш, боскичлари. Вирусларни юктириш ва товук эмбрионини очиш усуллари, фаглар: дизентерия, тиф вабо фаглари. Аппельман усули буйича титри аникланган фаглар. Расмлар, Диафильмларнинг кургазмаси.

Б) Топширик № 1. Товук эмбрион ва тукима культурасининг хужайраларида вирусларни аниклаш усуллари.

Жавоб: Товук эмбрион ива тукима культурасининг хужайраларида вирусларни (ХПТ ва товук эмбрионида ГАР ёрдамида аникланади.

Топширик № 2 ГПАли Петри косачага экилган E.Coli фагининг таъсирини аниклаш.

Жавоб: Озикли агарли Петри косачасига ичак таёкчасининг суткалик бульонли культураси газон Билан экилади ва 37Cда 10-15 минут давомида курилади. Сунг газон юзасига бир томчи фаг томизилади. Термостатда бир сутка давомида инкубация килингандан сунг, косача куздан кечирилади. Бунда фаг томчиси теккан ерда лизис зонасининг борлиги белгиланади.

VI. Укитувчи мулохазалари

Риккетсия ва хламидиялар катъий хужайра ичида усадиган бактериялар булиб, сунъий озикли мухитларда усмайди. Вируслар ҳам катъий хужайра ичида усадиган микроорганизмлар булиб, улар барча хужайра ташкарисид ва ичкарисид усадиган бактериялардан хужайравий тузилиши, курилиши ва энергетик метаболизми учун ферментларнинг йуклиги, бир типдаги нуклеин кислота (ДНК ёки РНК) борлиги, бирор булинишга кобилиятсизлиги билан кескин фарк килади.

Риккетсия, хламидия ва вирусларни устириш учун хужайра култураси, товук эмбрион ва сезгир лаборатория хайвонларидан фойдаланилади.

Хужайра култураси. Одам ёки хайвонлар тукумасидан тайёрланади.

Културалар бирламчи ундирилмайдиган, ярим ундириладиган ва ундириладиган тукумаларга булинади. Бирламчи хужайра кулбтурасини тайёрлаш куйидаги бир неча кетма-кет боскичдан иборат. Тукумани майдалаш, трипсин таъсир эттириб, хужайраларни бир биридан ажратиш, хосил булган бир жинсли хужайралар суспензиясини ювиб, трипсиндан таъминлаб берадиган озикли мухитга. Масалан: бузок кон зардоб кушилган 199 мухитига олиб утказишдан иборат.

Ундириладиган бир катламли хужайра културалари хавфли усма хужайралари ёки нормал хужайра линиялардан тайёрланади.

Маълум шароитда *in vitro* да узок вақт купайиш хусусиятига эга. Буларга хавфли усма хужайралари Нело (биринчи марта бачадон буйидаги карциномасидан) Нер-3 (лимфоид корциномасидан) ҳамда одам амнионининг нормал хужайралари, маймун буйраги ва бошқалардан тайёрланган хужайралар киради.

Ярим ундириладиган култураларга одамнинг дипломи хужайралари киради. Улар хужайра системасидан иборат булиб, 50 марта (1 йилгача) пассаж килинганда ҳам фойдаланиладиган соматик хужайраларга хос диплоид хромосома туламини саклайди. Усиб ривожланаётган хаётга кобилиятли бир каватли хужайра култураси олингандан сунг уларга риккетсия, хламидия ва вирусли материал юктирилади. Эслатиб утилган микроорганизмлар хужайра ичига кириб купая бошлайди. Риккетсиялар билан юктирилган хужайраларда 3-8 кундан сунг цитоплазма ёки хужайралар ядросини бутунлай тулдирувчи куп микдордаги коккобацилляр шакллари кайд этилиб, бу хужайралар кейинчалик улади. Хламидияларни ҳам Романовский Гимза усули билан буялган хужайра препаратида турли купаяётган микроорганизмлар шаклида куриш мумкин.

Вирусларнинг хужайра културасида купаяётганлигини уларнинг хужайрага потоген таъсирини (ХТП) микроскоп остида куриш билан аникланади ва морфологик узгаришларнинг содир булганлигига караб бахоланади. Бунда уларнинг бир кисми халок булиб, пробирка деворидан кучади. Айрим хужайраларнинг емирилиши окибатида ажралиб чиккан вируслар бошка хужайраларга юкади. Маълум вақтдан сунг бу хужайралар ҳам улади. Турли вируслар хосил килган (ХТП)нинг характери бир хил эмас. Бир хил вируслар (нерв-миксовируслар, герпесвируслар купайишида хужайралар кушилиб кетиб, синцитиялар хосил килади, бошқалари (энтеровирус, реовируслар) эса

хужайраларни буриштиради, тузилишини кескин узгартиради, учинчи хиллари (адековируслар) эса хужайралар агрегациясини хосил килади. Айрим вируслар (ХТП)нинг 1-2 кун давомида бошкалари эса бирмунча узокрок вақтда (4-6 кунда) келтириб чикаради. Вирусларни ХТП характериға караб топиш ҳамда тахминий идентификация килиш ва бу хусусиятдан улар қайси турға мансублигини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Вирусларни индикация килиш усулларида бири, улар кириб купаяётган хужайранинг юзаси эритроцитларни адсорбция килиш қобилятиға асосланган, бу эса гемадсорбция реакцияси дейилади. Бу реакцияни қуйиш учун вируслар билан зарарланган хужайра культурасиға эритроцитлар суспензияси қушилади. Маълум вақтдан сунг хужайралар натрий хлориднинг изотоник эритмаси билан ювилади. Таркибида вируслар булган хужайралар юзасида эритроцитлар ёпишганча қолади.

Гемагглютикация реакцияси унинг бошқача усулидир. Бу реакция суюкликдаги хужайра культурасидаги ёки товук эмбрионининг хорконналлактоис ёки амнионтик суюкликдаги вирусларни аниқлаш учун қулланилади. Гемагглютинацияни, яъни товук ва денгиз чучкачалари эритроцитларининг эуги булиб тупланишини қобикдаги гемагглютиканлар булган вируслар хосил килади. Вирус заррачалари сонини эса, хужайра культурасида ХПТ ёрдамида титрлаш усули билан аниқланади. Бунинг учун хужайра культурасиға ун марта суюлтирилган вирус юктирилади, 6-7 кун термостатда ушлангандан сунг, уларда ХПТнинг борлиги текширилади. Вируснинг титри учун 50 % юктирилган культураларда ХПТ қузгатадиган энг юкори концентрация қабул қилинади. Вируснинг титри хужайраға потоген дозанинг (ХПТ) микдори билан белгиланади.

Пилакчалар усули вирус заррачаларининг сонини ҳисобға олишнинг энг аниқ микдорий усули ҳисобланади. Хужайра культурасиға вирус юктирилади, сунгра юпка агар қатлами билан қопланади. Термостатда бир неча кун саклаб турилгандан сунг, агар қопламасида маълум шаклдаги ок-ок участкалар пайдо бўлади. Хар бир пилькға биргина вирус заррачасининг қупайиши натижасида хосил булиб, нейтрон қизил билан бўялган хужайралар орасида юмалок ок участкалар шаклида қурилади. Шу усул билан аниқланган вируснинг титри 1 млда пилькға хосил қилувчи бирлик (ПХБ) билан белгиланади. Вирусларнинг бу хусусияти штампларни селекция қилишда ва уларнинг соф линиясини ажратиб олишда қулланади.

Товук эмбриони хужайра культураси ва ва тажриба қилинаётган ҳайвонларға нисбатан вирус ва микоплазмаларни қамдан-қам қоллардағина юктирган бўлади.

Риккетсия, хломидия ва бир қатор вирусларнинг диагностик мақсадларда соф культурасини олиш ва турли препаратларни тайёрлаш учун 8-12 кунлик товук эмбрионларидан фойдаланилади. Грипп, чечак қаби айрим вирусларнинг қупайиши ҳақида товук ёки бошқа эритроцитларнинг гемагглютинация реакцияси (ТАР) караб баҳо бериш мумкин.

Лаборатория ҳайвонлари. Бу усулнинг бошқалардан афзаллиги шуни, бунда культура ёки товук эмбрионида яхши репродукция қилинмайдиган вирусларни ажратиб олиш мумкин бўлади. Бу усулнинг қамчилиги эса

тажриба килинаётган хайвон организмидаги микроорганизмларнинг бегона вирус ва мокоплазмалар билан аралашиб кетишидadir. Шунингдек, вируснинг соф линиясини олиш учун кейинчалик хужайра культурасига хайвондан олинган материал юктирилади, бу эса текшириш муддатини чузиб юборади.

Лаборатория хайвонларининг тери остига, тери ичига, мускул ичига, корин поруссига субдурак ва бошка юктириш усуллари ҳам кулланилади.

Бактерия вируслари (фаглар) - атроф мухитда сув хавзаларида, тупрокда кенг таркалган. Ичак бактериясининг фаглари - ичак таёкчаси, шигелла сильмонелла фагларини кулмак сувлардан, нажасдан ажратиб олиш мумкин. Жарохат инфекцияси анаэроб клостридияларининг фагларини ярадаги суюкликдан, тупрокдан топиш мумкин, фагнинг мухитда топилиши, шу ерда унга сезувчан микробнинг борлигини курсатади. Купчилик фаглар бактерия турига хос булади. Бирок шундай фаглар борки, улар факатгина бир турдаги бактериянинг айрим вариантларини лизис кила олади. Улардан шу турдаги фагоцитларни аниклаш учун фойдаланилади. Шу билан бир каторда айрим фаглар бир неча бир-бирига якин турдаги бактерияларни ҳам лизис килади. Фагнинг лизис килиш доирасини аниклаш. Озика агарли кочага текшириляётган бактериялар культураси сонига кура квадратларга булинади. Хар бир квадратга ковузлок билан бир томчи маълум бульонли культурадан томизилади. Сунгра хар бир культура экилган квадратга ковузлок ёки пипеткаси билан бир томчи текшириляётган фаг томизилади. Бир сутка термостатда ушлангандан сунг косачадаги квадратлар куздан кечирилади. Хар хил бактериялар культураси, синалаётган фаг билан лизис булганлиги ва фагнинг таъсири аникланади.

Грацик усули билан фагнинг титрини аниклаш. Тажриба утказиш учун олдиндан куйидагиларни тайёрлаш лозим: а) озикли агар Петри косачасига куйилади, термостатда куригилади; б) 3-4 мл.дан пробиркага куйилган 0,7 %ли ярим суюк озикли агар сув хаммомида эритилади. Текшириляётган фаг (10-2-10-7) суюлтирилади, сунгра 10-7 0,5 мл олиб, шу хажмдаги фага сезувчан бактериянинг суткали бульонли культураси билан аралаштирилади ва 45°с совутилган ярим суюк агарли пробиркага куйилади. Бу аралашма тезликда агарли Петри косачасига куйилади, фаг билан зарарланган хар бир бактерия лизисга учрайди ва натижада бир неча юз Янги фаг заррачалари ажралиб чиқади. Шунга кура 1 мл. фаг суспензиясидаги дог хосил килувчи фагларнинг концентрациясини курсатади, бу эса унинг титри деб аталади. Фаглардан куйидаги максадларда фойдаланилади:

- 1) Бактериянинг фаготипини аниклашда, яъни фаготипни, бир турдаги бактерия штампини шу типга хос фаглар билан линис кили шоркали аникланади.
- 2) Фагодифференцировка - фаг ёрдамида бактерия культурасини кайси турга мансублигини аниклаш.
- 3) Фагопрофилактика - эпидемик учокда булган кишилар орасида айрим касалликларининг олдини олиш (М: дизентерия)

4) Фаготеропия - айрим юкумли касалликларни келтириб чикарадиган шигелла, протей, стафилококк, Кук йиринг таёкчаси каби бактерияларга Карши даволашда ишлатилади.

VII. Амалий машгулот утказиш учун керакли анжомлар.

Жадваллар, расмлар, _____ кургазмаси: фаглар, дизентерия, тиф, вабо фаглари. Вирусларнинг купайиши, хужайрада цитоплазматик узгаришлари.

VIII. Талабалар билимини назорат килиш:

1. Интрактив бош мияга хужум усули 5-10-15 минут давомида утказилади.
 2. Талабалар орасидан битта котиба сайланади ва берилган жавоблар доскага ёзилади.
 3. Киска танаффусдан сунг бахолаш ва мулохаза килинади.
 2. Мавзу танланади: У мумий вирусология, риккетсия, хломидия ва вирусларни улдириш усуллари. Бактерия вирус (фаглар)
- Саволлар тузилади
- А) Риккетсия, хломидия ва вирусларни товук эмбриони тукима културасининг хужайралари, лаборатория хайвонларининг организмларига купайиши..
- Б) Фагларнинг тузилиши ва хусусиятлари.
- В) Грация усули буйича фаглар титрини аниклаш.
- 3) Талабаларга вазифа тушунтирилади ва киска муддат (10-15 минут) давомида саволларга жавоб берилади ва барча жавоблар доскага ёзилади.
- 4) Доскага куйилган бахо ёзилади:

Масалан: А-саволга жавоб:

- 1.....
- 2.....
- 3.....
- 4.....

Б-саволга жавоб ва х.к.

Узлаштирилди: Аъло - хатосиз барча саволларга тулик жавоб олинган, очилмаган жавоб колмади. Яхши - худи юкоридагидек, лекин (3-4) эътиборсиз хатолар бор. "Урта" бир канча хатолар бор Жавоб системада берилмаган.

Узлаштирилмаган: "Коникарсиз" куп хатолар бор, жавоб нотугри берилган, бирканча хатолар бор ва мазмун мохияти нотугри талкил килинган. Бундан ташкари топширилган вазифа ва Амалий куникмаларни назорат килиш учун огзаки савол-жавоб утказилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустикал ишини бахолаш рейтинги 7- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Расм жадвал чизиш учун 0,5 балл

100% дан 1,5 балл.

86-100	Аъло	7-машгулот. Умумий вирусология. Вируслар, риккетсиялар, хломидияларни устириш усуллари. Бактерия вируслари бактериофаглар. Уларни структураси, олиниши ва тиббиётда кулланилиши. Вируслар хақида тушунча, уларнинг классификацияси, кимёвий таркиби. Оддий ва мураккаб вирусларнинг тузилиши, фарқи. Вируслар, риккетсиялар, хломидияларни устириш усуллари тугрисида тулик тасаввурга эга булиши ва фикрлай олиши. Бактериофаглар тугрисида мустакил мушохада юритиши.
85-71	Яхши	Бактериофагларнинг тузилиши, кимёвий таркиби, олиниши, тиббиётда кулланилиши тугрисида мустакил фикрлай олиши. Вирус, риккетсия, хломидияларни устириш, урганиш усуллари айтиб бериши, тулик тасаввурга эга булиши.
55-70	Кони-карли	Бактериофагларни бактерия хужайраси билан узаро таъсир этиш боскичлари тугрисида тасаввурга эга булиши. Бактериофагларни олинишини тушунтириб бериши.
0-54	Икки	Аник тасаввурга эга эмас, билмайди.

7-МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. БАКТЕРИОФАГЛАРНИ МЕДИЦИНАДА КУЛЛАНИЛИШИ

- А) ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ УЧУН
- Б) БАКТЕРИЯЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН
- В) ХУЖАЙРАЛАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШINI АНИКЛАШДА
- Г) ЭМЛАШ УЧУН
- Д) СТЕРИЛЛАШ УЧУН
- Е) 2-ПРОФАГ

- А) БАКТЕРИЯЛАРНИ ТУЛИК ЛИЗИСГА УЧРАТАДИ
- Б) ЛИЗОГЕН ХУЖАЙРАГА ТАЪСИР ЭТМАСДАН КУПАЯДИ
- В) КУЛТУРАЛАРНИ ФАГОТИПИНИ АНИКЛАШДА КУЛЛАНИЛАДИ
- Г) ВИРУЛЕНТЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА
- Д) БАКТЕРИЯ ХУЖАЙРАСИНING ХРОМОСОМАСИГА КИРИБ ОЛАДИ

3. БАКТЕРИОФАГЛАРНИ СУВДАН АЖРАТИБ ОЛИШ

- А) ЧУКТИРИШ УСУЛИ БИЛАН
- Б) МАХСУС ФИЛЬТРДАН УТКАЗИШ БИЛАН
- В) ЦЕНТРИФУГАЛАШ УСУЛИ БИЛАН
- Г) ГЕМОГЕНИЗАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН
- Д) ФЛОТАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН

4. БАКТЕРИОФАГЛАРДА МОДИФИКАЦИЯ КУПИНЧА КУЙИДАГИ КУРИНИШДА НАМОЁН БУЛАДИ

- А) ФЕРМЕНТАТИВ АКТИВЛИГИНИ УЗГАРИШИДА
- Б) ПИГМЕНТ ХОСИЛ КИЛИШИНING УЗГАРИШИДА
- В) ТОКСИН ХОСИЛ КИЛИШИНING УЗГАРИШИДА
- Г) ЭРИТУВЧИЛИК СПЕКТРИНИ УЗГАРИШИДА
- Д) АНТИБИОТИКЛАРСЕЗУВЧАНЛИГИНИ УЗГАРИШИДА

5. ХЛАМИДИЯЛАР КАНДАЙ МУХИТДА УСТИРИЛАДИ

- А) ГПАДА
- Б) ЭНДО МУХИТИДА
- В) ТОВУК ЭМБРИОНИДА
- Г) ЛЕВИН МУХИТИДА
- Д) МАЙМУН БУЙРАГИДА

6. БАКТЕРИОФАГЛАР ХАРАКТЕРЛАНАДИ

- А) БАКТЕРИАЛ ТАБИАТИ БИЛАН
 - Б) КОРПУСКУЛЯР ТУЗИЛИШИ БИЛАН
 - В) ХУЖАЙРАВИЙ ТУЗИЛИШИ БИЛАН
 - Г) ХРОМОСОМА БИЛАН БИРИКИШИГА КУРА
 - Д) ЮКОРИ ТЕМПРАТУРАГА ЧИДАМЛИЛИГИ БИЛАН
- 7..БАКТЕРИЯ ФАГ ОЛИНАДИ

- А) ХАВОДАН
 - Б) ОЗИК – ОВКАТЛАРДАН
 - В) ЮКУМЛИ КАСАЛЛИК БИЛАН ОГРИГАН БЕМОР НАЖАСИДАН
 - Г) БАКТЕРИЯЛАРДАН
 - Д) УСИМЛИКЛАРДАН
7. БАКТЕРИЯОФАГИЯ ХОДИСАСИДА КУЗАТИЛАДТИ.
БАКТЕРИЯЛАРНИНГ КУПАЙИШИ
- А) БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ЛИЗИСИ
 - Б) БАКТЕРИЯЛАРНИНГ УСИШДАН ТУХТАШИ
 - В) БАКТЕРИЯЛАРНИНГ УСИШИНИ ТЕЗЛАШИШИ
 - Г) БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ФЕРМЕНТАТИВ АКТИВЛИГИ СУСАЙИШИ
9. ВИРУСЛАРНИНГ ЮКУМЛИЛИГИ
- А НУКЛЕИН КИСЛОТА ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН БОГЛИК
 - А) КАПСОМЕРЛАР СОНИГА БОГЛИК
 - Б) БУТУН ВИРУС БУЛАГИ БИЛАН БОГЛИК
 - В) ВИРУС ОКСИЛ КОБИГИНИНГ ХУСУСИЯТИГА БОГЛИК
 - Г) ВИРУСНИНГ ГЕНОТИПИГА БОГЛИК ЭМАС
10. ФАГНИНИНГ ТИТРИНИ АНИКЛАШ УСУЛИ
- А) АППЕЛЬМАН
 - Б) ГАМАЛЕЯ
 - В) ТВОРТ
 - Г) Д.ЭРРЕЛ
 - Д) ФИЛЬРТЛАШ

8-машгулот

I. Мавзу: Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти даврида ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари – ферментлар, пигментлар, токсинлар, ароматик моддалар ва антибиотиклар. Уларни урганиш усуллари.

3-соат

II. Мақсад: Талабаларни микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти даврида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини ургатиш. Бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш учун қўлланувчи методларни шргатиш.

71-85	Яхши	Сальмонеллэз ва ботулизм касалликларини даволаш, олдини олиш чора-тадбирларини айтиб бериши. Булардан ташкари яна кайси микроорганизмлар овкатдан захарланишни келтириб чикаради. Текшириш учун олинган махсулотлар ва уларни аниклаш усуллари мустакилкуллай олиши. Тулик тасаввурга эга булиши. Овкатдан захарланган бемордан келтирилган курук моддасидан суртма тайёрлаш, грам усулида буяб, микроскоп остида куриш ва ботулизм кузгатувчисини аниклаб, тулик тасвирлаб бериш ва шаклини чизиш.
55-70	Кони-карли	Овкатдан захарланиш тугрисида кisman тасаввурга эга. Бу касалликларни келиб чикиш сабабларини билиши ва айтиб бериши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тасаввурга эга эмас.

17-МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- ОВКАТДАН ЗАХАРЛАНИШ ХАРАКТЕРЛАНАДИ
А КАСАЛЛИК УЗОК ДАВОМ ЭТМАЙДИ

- Б УЗОК ДАВОМ ЭТАДИГАН ЯШИРИН ДАВР
- В КАСАЛЛИКДАН СУНГ ТУРГУН ИММУНИТЕТНИНГ КОЛИШИ
- Г СУСТ СУРУНКАЛИ КЕЧИШИ
- Д СПОРАДИК УЧРАШИ

2. САЛЬМОНЕЛЛАЛАРНИНГ БИОХИМИК ХУСУСИЯТИ

- А ПЕПТОННИ ПАРЧАЛАБВОДОРОД СУЛЬФИД ХОСИЛ КИЛАДИ
- Б ОКСИЛНИ ПАРЧАЛАБ ИНДОЛ ХОСИЛ КИЛАДИ
- В ЛАКТОЗАНИ ПАРЧАЛАЙДИ
- Г САХАРОЗАНИ ПАРЧАЛАЙДИ
- Д ЖЕЛАТИНИННИ СУЮЛТИРАДИ

3. САЛЬМОНЕЛЛЕЗ ТОКСИНОИНФЕКЦИЯСИДА БАКТЕРИОЛОГИК ТЕКШИРИШ УЧУН ОЛИНАДИГАН МАТЕРИАЛ

- А ОЗУКА МАХСУЛОТЛАРИ
- Б ХАЛКУМДАН СУРТМА
- В БАЛГАМ
- Г ЖАРОХАТДАН СИЗИБ ЧИКАДИГАН СУЮКЛИК
- Д ШИЛЛИК ПАРДАДАН СУРТМА

4 БОЛАЛАРДАГИ САЛЬМОНЕЛЛЕЗ

- А ДИАГНОСТИКА УЧУН ГЕМОКУЛЬТУРА АЖРАТИЛАДИ
- Б КУПИНЧА КАСАЛЛИКНИНГ УТКИР КЕЧИШИ КУЗАТИЛАДИ
- В 1:400 ТИТРДА ВИДАЛ РЕАКЦИЯСИННИНГ ДИАГНОСТИК ТИТРИ ХИСОБЛАНАДИ
- Г ИНТОКСИНАЦИЯ ХОЛАТИ КАТТАЛАРГА НИСБАТАН КАМРОК НАМОЕН БУЛАДИ
- Д БАКТЕРИЕМИЯ КУЗАТИЛМАЙДИ

5. САЛМОНЕЛЛЕЗ ТОКСИКОИНФЕКЦИЯСИННИНГ МАНБАСИ

- А КАСАЛ ХАЙВОН
- Б ХАВО
- В СУВ
- Г ТУПРОК
- Д КЕМИРУВЧИЛАР

6 . БОЛАЛАРДАГИ САЛЬМОНЕЛЛЕЗ КАСАЛЛИГИДА

- А СЕПТИЦЕМИЯ КУЗАТИЛАДИ
- Б ИНТОКСИКАЦИЯ ХОЛАТИ КАТТАЛАРДАГИГА НИСБАТАН КАМРОК
- В ДИАГНОСТИКА УЧУН БАЛГАМДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ
- Г БАКТЕРИЕМИЯ КУЗАТИЛМАЙДИ
- Д НАЖАС МИКРОСКОП ОСТИДА ТЕКШИРИЛАДИ

7. САЛЬМОНЕЛЛЕЗ ИНФЕКЦИЯСИДА ИНФЕКЦИЯ МАНБАСИ

- А ОЗИК-ОВКАТЛАР
- Б СУВ
- В ХАВО
- Г ХАШОРАТЛАР
- Д ТУПРОК

8. САЛЬМОНЕЛЛЕЗ ИНФЕКЦИЯСИДА ИНФЕКЦИЯ МАНБАСИ

- Е ОЗИК-ОВКАТЛАР
- Ж СУВ
- З ХАВО
- И ХАШОРАТЛАР
- К ТУПРОК

9. САЛЬМОНЕЛЛАЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

- А ОДАМ ВА ХАЙВОНЛАРДА КАСАЛЛИК ЧАКИРАДИ
- Б ТАШКИ МУХИТГА ЧИДАМСИЗ
- В ХАРАКАТСИЗ
- Г БИР ХИЛ АНТИГЕН ТУЗИЛИШИГА ЭГА
- Д ЭКЗОТОКСИН ХОСИЛ КИЛАДИ

10. САЛЬМОНЕЛЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

- Е ОДАМ ВА ХАЙВОНЛАРДА КАСАЛЛИК ЧАКИРАДИ
- Ж ТАШКИ МУХИТГА ЧИДАМСИЗ
- З ХАРАКАТСИЗ
- И БИР ХИЛ АНТИГЕН ТУЗИЛИШИГА ЭГА
- К ЭКЗОТОКСИН ХОСИЛ КИЛАДИ

18-машгулот

I. Мавзу: Иерсинозлар. Ичак иерсиниози ва сохтас сил касаликларининг микробиологик диагностикаси. Легионеллэз кузгатувчисининг умумий характеристикаси, микробиологик диагностикаси.

3-соат.

II. Мақсад. Талабаларни сохта сил ва ичак нерсинозларини кузгатувчиларини биологик хоссалари билан таништириш. Сохта сил, ичак нерсинозлари ва Легионелла касалликларининг юкиш йуллари, потогенези, диагностикаси, иммунитети давоси ва профилактикасини урганиши.

III. Куриб чиқиладиган саволлар:

1. Иерсинозларнинг умумий характеристикаси.
2. Сохта сил кузгатувчилари. Уларнинг биологик хусусиятлари.
3. *V. enterocolitica* нинг биологик хусусиятлари
4. Иерсинознинг микробиологик диагнози.
5. *V. enterocolitica* юкиши, потогенези, даъвоси ва профилактикаси.
6. Кузгатувчиларнинг бизнинг республикамизда учраши ва уларнинг тарқалиш даври.
7. Легионелла кузгатувчисига умумий характеристика.
8. Легионеллаларнинг микробиологик диагностикаси.
9. Легионеллани юкиш, потогенези, даъвоси ва профилактикаси.

III. Машгулот масалалари. Машгулот утилгандан сунг талабалар билиши керак.

1. Иерсиноз ва легионелла касалликларининг юкиш йуллар, инфекция манбаи.

2. Иерсиноз касалликларининг потогенези диагностикаси иммунитетидеъвоси ва профилактикаси.

3. Легионеллаларнинг умумий характеристикаси.

4. Легионелла касаллигининг потогенези, иммунитетидеъвоси, диагностикаси, профилактикаси.

5. Сохта сил ва ичак иерсинозларини фарклаш.

IV. Машгулот утказиш учун керакли жихозлар:

А. Таркатадиган материал. Иерсинозларнинг эндо мухитида устирилган культураси, таблицалар, микробиологик диагностика схемалари даволаш ва олдини олиш учун кулланиладиган препаратлар.

Б. Вазифа

1-вазифа. Иерсинозларнинг агарда усган культурасидан суртма тайёрлаш, грамм усулида буяш, микроскоп остида кури шва расмини чизиш.

Жавоб: *V. enterocolitica* бактериялари таёкча шаклида, икки томони бир оз букилган булиб, грамм усули билан манфий буялади.

2-вазифа. Сохта сил кузгатувчисини агардан усган культурасидан суртма тайёрлаш. Грамм усулида буяш микроскоп остида кури шва расмини чизиш.

Жавоб. Сохта сил кузгатувчи таёкчасимон коклар булиб, граммманфий буялади. Спора хосил килмайди, айрим холатда капсула хосил килади.

3-вазифа. Иерсиноз ва Легионелла касалликларининг микробиологик диагностикаси схемасини чизиш.

Жавоб: Талабалар дафтарида кузгатувчиларнинг морфологияси ва касалликларининг микробиологик диагностикаси схемасини чизадилар.

Укитувчи мулохазалари:

Ичак иерсинозининг кузгатувчиси юкумли ичак касаллик булиб, меъда ичак тизимининг зарарланиши, интоксикация

Легионелла. Юкори нафас йулларида учрайдиган уткир юкумли касалликларнинг кузгатувчисини аниклаш жуда мураккаб, чунки уларнинг клиник белгилари купгина касалликларда, жумладан, вирус, реккетсия, микоплазма бактерия ва бошка микроорганизмлар кузганган касалликларга ухшаб кетади. Хозир замонавий усуллар ёрдамида юкори нафас йулларидаги уткир юкумли касалликларнинг 50-60% этологиясини аниклаш мумкин, колганлари эса аникланмай колмокда.

1976 йили Филодельфияда (АКШ), асосан Америка легионлар ташкилоти ташкил килинган конгресс катнашчилари орасида уткир исператор касалликлар купайди. Конгрессда катнашган 4000 кишидан 182 нафари касалланди ва улардан 29 нафари вафот этди. Буни кандайдир микроорганизмлар кузгатган деб тахмин килинди, лекин бу тасдикланмади.

1977 йили Жозиф Макдейд улган одам упкасидан граммманфий таёкчани ажратиб олди ва *Legionella pneumophila* деб атади. Ажратиб олинган микроорганизмнинг этологик роли беморлар конидан специфик антителилар титирини аниклаб исботлади. Кейинчалик 1965, 1968, 1973 йилларда

Испанияда кузгатувчиси аникланмаган пневмонияларнинг кам ҳам кузгатувчисини *Legionella pneumophila* эканлиги манзи булди.

1978 йили атлантада (АКИШ) утказилган халқаро симпозицияда бу касалликни "Легионаллар касаллиги" кузгатувчисига эга *Legionella pneumophila* деб ном берилди.

1978 йили кондиционернинг сув системасидан ҳам шу микроб ажратиб олинди, касалликнинг тарқалишида кондиционерлар ҳам сабабчи эканини курсатиб берилди.

1976-1978 йилларда касалликка Карши курашувчи атлантадаги марказда легионеллалар касаллигининг 13 таси аникланди. Уларнинг биокимёвий нентурал хусусиятларига ДНКнинг ёғ таркибига кура О.Brenner мустакил *Legionellaceae* уругига киритиш, номини эса *pneumophila* деб аташ таклиф этилган.

Морфологияси легионеллалар грамманфий таткча булиб, узунлиги 2-3 мкм, эни 0,5-0,7 мкм, ҳаракатчан, спора, капсула ҳосил қилмайди.

Легионелла бактериялари намморф. Кузгатувчининг орасида, агар у сунъий озик муҳитда устирилган бўлса, шарсимон, ипсимон шакллари ва коннобациллалар куп учрайди.

Товук эмбрионида устирилган препаратларда легионеллалар коннобацилла таначаларига ухшайди. Грам Билан мусбат бўялади, айрим ҳолларда манфий ҳам бўялиши мумкин. Легионелла хужайра ташқарисида ҳам, хужайра ичида ҳам жойлашиши мумкин. Хужайра ичида жойлашганда улар кокксимон, бацилла, думалок, тухумсимон, яъни сферопласт шаклларига бўялиши мумкин.

Усиши. Легионеллалар - аэроб, факультатив хужайра ичи назорати, усиши учун озук муҳитга куп микдорда устирувчи аминлар қушиш лозим. Улар рН 6,9-7,2 бўлган муҳитда 35 С ҳароратда яхши қупаяди.

Легионеллаларни устириш учун конли ва моноладли агардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Аммо турли хил легионеллалар охик муҳитга нисбатан турлича талабчан. 1. *pneumophila* патогенлигини аниклаш учун хужайра культураси, товук эмбрионининг бирламчи культураси одам эмбриони упкасининг фибриобласти ва бошқа культуралар қулланилади, кузгатувчининг физиологиясини урганиш учун уни ачитки экстракти, уистеин, темир қушилган бульон муҳитда устирилади.

Биокимёвий хусусияти. Легионеллаларни индификация қилиш уларнинг глюкоза, сахароза, мальтоза фруктоза, манитларнинг кислота ҳосил қилиши ҳамда крахмалнинг парчаланишига асосланган. Протсолитик хусусиятлари яхши ривожланмас улар мочевина ва нитратларни парчаламайди, аммо желатинни суюлтиради, Легионеллалар узига хос ёғ кислоталарини парчаловчи эстероза ферментини ҳосил қилади. Улар каталоза ва л-лактоха ферментлари ишлаб чиқаради.

Антиген тузилиши. Легионеллалар соматик О ва хивчинли Н антигенларига эса. 1. *pneumophila* тури О антигенга кура 7 та серогуруҳга бўлинади. Уларни крецинитация реакциялари ёрдамида аниклаш мумкин.

Чидамлилиги. Легионеллалар ташки мухит физик-кимёвий омилларга чидамли стерил сувда 3 ой, водопровод сувида 1 йилгача яшаши мумкин, паст температурада бир неча йил яшайди, аммо 37 С ва ундан юкори хароратда аутолизга учрайди.

Легионеллалар дезенфекцион моддаларга сезгир, жумладан 1 % лди формалин, 70С ли этил спирти, фенол таъсирида улар 1 дакикада нобул булади.

Хайвонларга нисбатан потогенлиги. Денгиз чучкаси, каламуш, ок сичкон куён ва бошка тажриба хайвонлари легионеллага мойил. Текширилиши лозим булган материални хайвоннинг корин бушлигига юборилганида, унда токсиноз ривожланади, жигар, талок, лимфа тугунларида некробиотик жараёнлар кузатилади. Тери орасига юктирилганда филтрат пайдо булади. Хайвонларга парентерал йул Билан юктирилганда купинча интоксикация ривожланади. Бу холат хужайраларнинг парчаланиши натижасида ажралган эндотоксинлар таъсирида пайдо булади.

Касалликнинг одамларга патогенлиги. Касаллик манбаи бемор хисобланади. Ин-я хаво томчилари, чанг, сув томчилари оркали юкади. Одамлар легионеллага 100 % мойил. Касаллик 3 та анил оркали юкади, чанг оркали (хозирча тупрокдан легионелла олинган эмас), кондиционердаги сув томчиларидан, душлар оркали, яъни ичида йигилиб колган сувлардан. Ин-я юкори нафас йуллари оркали кириб асосан, упкани шикастлантиради. Легионелла купинча турли сабабларга кура иммунитети пасайган кишилпарда, карияларда учрайди.

Дегионелла эпидемия шаклида таркалиши мумкин, аммо спорадик холатда хам учрайди. Бу касаллик купинча Уткин несператор касаллик (УРК) - грипп, пневмония ташхис Билан утиб кетади. Юкори нафас йуллари оркали кирган легионелла, хужайраларда некробиотик узгаришлар келтириб чикаради. Улар купаяди, бир кисми эса улади. Улардан куп микдорда эндотоксин хосил килади. Бу организмни захарлаб, шок холатига олиб келади. Бактерия кон оркали бутун организмга таркалади ва барча аъзоларга урнашиб олади, айникса кон томи рва марказий нерв системасига жойлашиб кучли таъсир курсатади. Легионеллалар упка ва нервларда некробиотик ва узига хос яллигланиш жараёнини келтириб чикаради. Хозирги вақтда легионеллалар бир неча клиник шакли бор. Легионелла касаллиги огир пневмония. Легионеллаларнинг касалхона ичи касаллиги уткир респератор ин-я ва бошкалар.

Иммунитети. Касалликдан тузалганларда типга хос гуморал иммунитет хосил булади. Иммуноденригант кабул килувчи кишиларда легионелла куп учрайди. Хужайравий иммунитет кузгатувчилардан химоя килишда мухим роль уйнайди. Бемор конида КБ антителолар пайдо булади. Кузгатувчини денгиз чучкасига юборилганда, улар терисида турли реакциялар, яъни аралаш ута сезгирлик пайдо булади.

Лаборатория ташхиси. Легионелла микробиологик ташхис куйиш бирмунча кийин. Махсус лабораторияларда культурани ажратиш ва ташхисни бактериологик тасдиклаш 65 % ни ташкил этади. Дастлаб текширилувчи бемордан олинган материаллар микроскоп остида буяб курилади.

Бактериологик усулда текширилувчи материал кумир ачитки антибиотики агарга ва бир вақтда агарга экилади. Упка булагидан легионеллани ажратиб олиш учун денгиз чучкаларига юборилади. Хайвон улгандан сунг талогидан суспензия титрланади ва каттик мухитга экилади. Бир вақтнинг узида товук эмбрионига ҳам юктирилади.

Легионеллалар антигенларини аниклашда бевосита иммунофий усул кулланилади. Бу усул ута сезгир, тезкор булиб, кузгатувчини беморнинг упкасидан ва унинг музлатилган булакчасидан гистологик кемалар, плевра эксудатлари, бронхларнинг чайиндитсидан ҳам топиш мумкин. Ташхис қуйиш учун 1 pneumophila га Карши олинган кутн зардобини глобулин фракцитдан фойдаланилади.

Давоси ва профилактикаси. Легионелезни даволашда эритромицин, тетрациклин, ридганницин кулланилади.

Профилактикада ин-я манбаини топиш ва уни дезинфекция қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Интерактив усулда машгулотни утказиш сценарийси "Мозговой штурм"

5. Танланган мавзу: Иерсинозларнинг микробиологик диагнози Сохта сил ва ичак иерсинозлари. Негионелл кузгатувчиларга умумий характеристика касалликни юкиши, потогенези, диагностикаси ва давоси.

6. Танланган саволлар:

А. Иерсинозлар ва Легионелл кузгатувчиларининг умумий характеристикаси, биологик хоссалари.

Б. Касалликнинг манбалари ва юкиш йуллари, Иерсеноз ва Легионелланинг патогенези диагностикаси, даъвоси ва профилактикаси.

3. Катнашувчиларга масалани тушунтириб бериш.

Катнашувчилар киска вақт ичида (масалан 10 минут) бир канча фикр ва мулохазалар билдиришлари керак.

4. Талабалар орасидан Котиба сайлаш керак ва сайланган талаба доскага айтилган фикр ва мулохазаларни ёзади.

5. Доскага барча жавоб ва мулохазалар ёзилади, агар талабалар жавоб беришга қийналса, уқитувчи уйлашга вақт беради. Талабалар жавоб Бера олмаса, уқитувчи уларга айтиб беради

6. Бунда мияга ҳужум утказиш муддати 5-10-15 минут.

7. Киска танаффусдан сунг - баҳолаш ва мулохаза қилиш.

Узлаштирилди: Аъло - хатосиз барча саволларга тулик жавоб олинган, очилмаган жавоб қолмади. Яхши - ҳудди юқоридагидек, лекин (3-4) эътиборсиз хатолар бор. "Урта" бир канча хатолар бор Жавоб системада берилмаган.

Узлаштирилмаган: "Кониқарсиз" қуп хатолар бор, жавоб нотугри берилган, бирканча хатолар бор ва мазмун моҳияти нотугри талқил қилинган. Бундан ташқари топширилган вазифа ва Амалий қуникмаларни назорат қилиш учун оғзаки савол-жавоб утказилади.

5. Амалий машгулотга керакли анжомлар. Таблицалар, расмлар, озиқа мухитлар, киска рангли қатор, микроскоплар, даволаш диагностика ва профилактика учун кулланиладиган препаратлар, Сохта сил ва Легионелла узган озиқа мухитдаги культураси.

6. Топширилган Амалий куникма ва вазифаларни узлаштирилганини назорат килиш усули:

1. Огзаки жавоб.

IV. Лаборатория иши. Хар бир талаба, Ичак нерсинози ва сохта силни агарли культурасидан суртма тайёрлаб грамм усулида буяб микроскоп остида куриб, шаклини чизади. Ичак иерсинози, сохта сил, Легионелла касаллигининг микробиологик диагностикаси схемасини чизади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш рейтинг 18- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,5

100% дан 1,5 балл.

86-100	Аъло	18-машгулот. «Иерсиниозлар. Ичак иерсиниози ва сохтасил касалликларининг микробиологик диагностикаси. Легионелиёз касаллигининг микробиологик диагностикаси». Иерсиниозларнинг тулик характеристикасини билиши, чакирадиган касалликлари тугрисида тулик фикрлай олиши. Касалликларни ташхиси, давоси, профилактикасини билиши, хулоса килиши. Легионеллез тугрисида мушохада юритиши, амалий ишида бу касалликларнинг ташхис куя олиши, тасаввурга эга булиши. Иерсиниозларнинг энтеро колитика микроби агарда усган культурасидан суртма тайёрлаш, грам усулида буяш микроскоп остида куриш ва шаклини чизиш. Морфологияси, буялиши, жойлашишини тулик тасвирлаб бериш.
71-85	Яхши	Иерсиниоз ва легионеллёз касалликларининг кузгатувчиларини тулик тасвирлаб бериши. Бу касалликларни юкиш йуллари, патогенези, давоси ва олдини олиш чора-тадбирларини билиши ва амалий иш жараёнида куллай олиши. Сохта сил кузгатувчисининг агарда усган культурасидан суртма тайёрлаш Грам усулида буяш, микроскоп остида куриш ва курилган микроб культурасини тулик шархлаб бериш.

55-70	Кони-карли	Иерсиниоз ва легионеллэз касалликлари тугрисида тасаввурга эга. Бу касалликларда инфекция манбалари ва юкиш йуллари тугрисида билиши. Ташхис куйиш учун олинадиган махсулотлар ва текшириш усуллари хакида кисман билиши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тасаввурга эга эмас.

18-МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- СОХТА СИЛ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРКАЛИШ ЙУЛЛАРИ
 - АЛИМЕНТАР ЙУЛ БИЛАН
 - ХАВО – ТОМЧИ ЙУЛИ БИЛАН
 - КОНТАКТ ЙУЛИ БИЛАН
 - ТРАНСИССИФ ЙУЛ БИЛАН
 - ЖИНСИЙ АЛОКА ЙУЛИ БИЛАН
- СОХТА СИЛНИНГ ДИОГНОЗИДА КУЙИЛАДИ
 - АЛЕРГИК СИНАМА
 - БАКТЕРИОЛОГИК УСУЛ
 - ФЛЮТАЦИЯ УСУЛИ
 - «ОСМА ТОМЧИ» УСУЛИ
 - БИОЛОГИК СИНАМА
- ИЧАК ИНСИННОЦИГА ДИАГНОЗ КУЙИШ УСУЛЛАРИ
 - НЕЙТРАЛЛАШ РЕАКЦИЯСИНИ КУЙИШ
 - АЛЕРГИК СИНАМА
 - БАКТЕРИОСКОПИК УСУЛДА ТЕКШИРИШ
 - ГАМОГЕЗАЦИЯ УСУЛИ
 - БАКТЕРИОЛОГИК УСУЛ
- ИЧАК ИРСИННОЗИ
 - ИНГИЧКА ИЧАКНИНГ ПАСТКИ КИСМИНИ ЗАРАРЛАЙДИ
 - ЙУГОН ИЧАКНИ ЗАРАРЛАЙДИ
 - КАСАЛЛИК СЕКИН БОШЛАНАДИ
 - МАЙДА БУГИМЛАРНИ ЗАРАРЛАЙДИ
 - КАСАЛЛИК СУРУНКАЛИ ФОРМАГА УТАДИ
- ИРСИННОЗ ЭНТЕРКОЛИТИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ
 - ОВОИД ШАКЛДА
 - БАРАБАН ТАЁКЧАСИ
 - ИККИ УЧИД КУМОКЛАШГАН ТАЁКЧА
 - ЭТИЛГАН ТАЁКЧА
 - ИНГИЧКА СПИРАЛСИМОН
- ЛЕГИОНЕЛЛАНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ:
 - ЛОВИЯСИМОН
 - ГРОММАНФИЙ БАКТЕРИЯ
 - ГРАММУСБАТ БАКТЕРИЯ
 - КАПСУЛАСИ МАВЖУД
 - Ю
- ЛЕГИОНЕЛЛАМЕРНИНГ КУЛЬТУРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ
 - КУМИР АЧИТКИЛИ АГАР

- Б. ЭНДО МУХИТДА УСАДИ
- В. ПЛОСКИРЕВ МУХИТИДА УСАДИ
- Г. ГПА ДА УСАДИ
- Д. ГПБ ДА УСАДИ

8. ЛЕГИОНЕЛЛАР КУЗГАТУВЧИ КАСАЛЛИКНИНГ ТАРКАЛИШИ ЙУЛИ

- А. ХАВО ТОМЧИ
- Б. АЛИМЕНТЕР
- В. ТРАСМИССИВ
- Г. ЖАРОХАТЛАН ТЕРИ ОРКАЛИ
- Д. ЖИНСИЙ

9. ЛЕГИОНОЛЕЗ КАСАЛЛИГИДА ИНФЕКЦИЯ МАНБАИ

- А. КАЛАМУШ
- Б. МАЙДА ШОХЛИ КОРА МОЛЛАР
- В. ОДАМ
- Г. КУШЛАР
- Д. ЙИРИК ШОХЛИ КОРА МОЛЛАР

10. ЛЕГИОНЕЛИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ КОЧИШИ

- А. ЯШИРИН ФОРМАДА КАЧАДИ
- Б. КАСАЛЛИК СУРУНКАЛИ ФОРМАДА УТАДИ
- В. ОРГАНИЗМЛАРНИНГ УМУМИЙ ЗАХАРЛАНИШИ КУЗАТИЛАДИ
- Г. КАСАЛЛИК СУРУНКАЛИ ФОРМАДА УТМАЙДИ

ОРГАНИЗМДА ХЕЧ НИМА КУЗАТИЛМАЙДИ

19 амалий машгулот – 2- оралик боҳолаш.

86-100	Аъло	19-машгулот. «Атроф мухит, одам микрофлораси. Инфекция, иммунитет ва ичак инфекциялари буйича 2-якуний машгулот». Барча булимлардан берилган 3 та саволга ва кушимча берилган 2 та саволга тулик жавоб бор, аник тасаввурга эга. Олган билимларини амалда куллай олиши, мохиятини тушуниши.
71-85	Яхши	Барча булимлар буйича берилган 3 та саволга тулик жавоб бор.

		Мустакил мушохада юритади. Амалда куллай олади. Тулик тасаввурга эга.
55-70	Кони-карли	Айрим булимлар буйича берилган саволларга кisman жавоб бор. Умумий тасаввурга эга. Мустакил фикрлай олади.
0-54	Икки	Бирорта саволга жавоб йук. Тасаввурга эга эмас. Тайёргарлик кур

20-машгулот

1-Мавзу: Йирингли яллигланишларни чакирувчи кузгатувчилар: Стафиллококклар, стрептококклар, пневмококклар, Кук йиринг таёкчаси. Уларнинг микробиологик диагностикаси

3-соат

2-максад: Талабаларни йирингли яллигланувчи процессларни келтирувчи инфекциялар билан таништириш. Уларнинг биологик хусусиятлари, юкиш йулларини урганиш, микробиологик диагностикаси, кузгатувчиларни бири-биридан фаркланувчи хусусиятлари ва ухшашлигини урганиш усуллари.

3. Машгулот масалалари. Утказилган машгулотлардан сунг талабаларни билиши шарт:

- 1). Йирингли яллигланувчи холатларни келтирувчи кузгатувчиларнинг умумий характеристикаси.
- 2). Йирингли яллиглаувчи холатларни келтирувчи кузгатувчиларнинг диагностикаси, олдини олиш чора-тадбирлари.
- 3). Йирингли касалликларни потогенези касалликдан сунг хосил буладиган химоя омиллари.
- 4). Кук йиринг таёкчасини касалхоналарда таркалиши.

4. Куриб чикиладиган саволлар:

- 1). Йирингли яллигланувчи касалликларни келтирувчи кокклар, стафилококк, стрептококк, Кук йиринг таёкчаси. Умумий характеристикаси.
- 2). Кузгатувчиларнинг морфологияси ва биологик хусусиятлари.
- 3). Йирингли яллигланувчи холатларни келтирувчи кузгатувчиларни келтириб чиқарган касалликлари ва уни болаларда кечиши.
- 4). Касалликларнинг микробиологик диагностикаси.
- 5). Йирингли яллигланувчи кузгатувчиларни аниклаш усуллари.
- 6). Йирингли яллигланувчи касалликларни олдини олиш ва даволаш.

5. Узлаштириш усуллари.

А) таркатиладиган материаллар: Таблицалар, расмлар, касалликларнинг микробиологик диагностикаси схемалари, даволаш ва профилактикаси учун кулланиладиган препаратлар.

Б) 1-топширик. Йирингли яллигланувчи касалликларни чакирувчи кузгатувчиларнинг микробиологик текшириш схемасини чизиш.

Жавоб: Талабалар уз дафтарига кузгатувчиларнинг морфологиясини ва микробиологик текшириш диагностикаси усулларини кетма-кетликда чизадилар.

6. Дарс олиб боришнинг интерактив усули "бош мянга хужум"

1. Танланган мавзу% Стафилококк, стрептококк, Кук йиринг таёкчаси кузгатувчиларини текширишда олинadиган материаллар ва микробиологик диагностикаси.
2. Саволларни танлаш.
- А. Йирингли яллигланувчи касалликларни чакирувчи кузгатиувчиларнинг характеристикаси.
- Б. Устириш усулари. Кузгатувчиларни ташки мухитларга чидамлилиги.
- В. Кузгатувчиларни юкиш йуллари. Чакалокларда сепсис касаллигини келиб чиқиши, юкиш йуллари.
- Г. Кузгатувчиларни келтириб чикарадиган касалликлари, патогенези, диагностикаси, даъвоси, профилактикаси.

7. Укитувчи мулохазалари.

Патоген коккларга стафилококк, стрептококк, пневмококк, гонококк ва менингококклар киради. Улар маълум бир хусусиятлари билан бир бирига ухшаш, яъни йирингли яллигланиш ҳолатларини юзага келтиршанлиги учун бу кузгатувчиларни йирингли пиоген кузгатувчилар деб юритилади. Коккабактерияларнинг одам организмида симбиоз ҳолатлари курилади. Терида, шиллик каватларда, юкори нафас йулларида сапрофит ва шартли-патоген стафилококк, стрептококклар, бурун-шиллик каватларида узок вақт менингококклар, ичакларда - ахлат стрептококклари (энтерококклар) булади. Органларда коккабактериялар бир хилда таксимланмаган. Коккабактериялар Eubacterialis системасида, Mikroococcaceae, Peptococcaceae, Streptococcaceae оиласига бириктирилган.

Стафилококклар.

Staphylococcus авлодига мансуб коккларни биринчи булиб Р.Кох (1878) ва Л.Пастер (1880) йирингли яллигланувчи касалликлардан аниклаб топганлар. Ф.Розенбах (1884) эса коккларни беморларнинг йирингли яллигланувчи учокларидан топиб, унинг асосий биокимёвий хусусиятларини урганган.

Морфологияси. Стафилококклар юмалок булиб, диаметри 0,8-1 мкм, тудатудат йигилган холда ва буялганда узум шингилини эслатадиган шаклда булади. Баъзан калта занжир, якка-якка, еки диплококк (жуфт-жуфт) куринишида булади. Физикавий, химиявий ва биологик тасирларда (антибиотиклар) стафилококклар катта юмалок шар шаклида ёки жуда майда филтрдан утадиган шаклга узгариши мумкин. Стафилококк хивчинсиз, ҳаракатсиз, капсула ва спора ҳосил килмайдиган граммулбат.

Усиши. Стафилококк - аэроб ва факультатив анаэроб. Оддий озик мухитларида яхши уса олади. рН 7,2-7,4 ва 37 С ҳарорат уларнинг усиши учун кулай шароит, лекин 10 С дан 45 С гача булган ҳароратда ҳам усиши мумкин. Уй шароитида етарли ёруғлик ва ҳаво булган ҳонада стафилококклар ок, баъзан тилла ранг ёки лимонга ухшаш сарик липохромлардан иборат булган пигментлар ҳосил килади. Пигментлар сувда эримайди, аммо спирт ва эфирда, бензинда, ацетонда ва органик эритувчиларда эрийди. Стафилококк гуштли-пептонли агарда S-типтаги гумбазсимон, четлари текис, уртача 1-4 мм булган колониялар ҳосил килади.

Гуштли пептонли бульонда чукма ва бир хилда хиралашиш билан усганини кузатиш мумкин.

Ферментатив хусусияти. Стафилококклар сахаролитик ва протеолитик ферментларни ишлаб чикаради. Индол хосил килмайди. Желатинни суюлтиради, сутни ивитади, нитратларни нитритларгача кайтаради. Уреаза, каталаза, фосфатаза, аммиак ва сероводород ишлаб чикаради. Глюкоза, левулёза, мальтоза, лактоза, сахароза, маннит, глицеринларни кислотагача парчалаш хусусиятига эга, газ хосил килмайди.

Токсин хосил килиши. Патоген стафилококклар экзотоксин хосил килади, таркибида гемолизин ва леталь (улдирувчи) токсинлар ва некротик (чиритувчи) хусусиятга эга хисобланади. Айрим стафилококкларни ГПБда устириб, филтрдан утказилган суюклигида энтеротоксин борлиги аникланган. Бу токсин озик овкат билан мьеда ичак системасига тушса, кишиларда овкатдан захарланишга сабаб булади. Патоген стафилококклар узидан лейкоцидин ажратади ва у одам лейкоцитини парчалайди. Бундан ташкари стафилококклар зардобни суюлтириш хусусиятига эга булиб, бу хусусиятлари билан кузгатувчилар патоген ва нопатоген эканлигини аниклаш мумкин. Стафилококк узидан фибринолизин ферментини ишлаб чикаради, куйилган конга кузгатувчи экилганда 1-2 кундан сунг конни суюлтириш хусусиятига эга булади. Коагулаза, фибринолизин, лецитиназа, гиалуронидаза, дезоксирибонуклеаза, протеиназа, фосфатаза ферментлари патоген стафилококкларни агрессивлик хусусиятларига таалуклидир. Вирулентлик стафилококклар лейкоцитларни фагоцитар активлигини пасайтиради.

Антиген тузилиши: Стафилококкларнинг хужайра девори ва капсуласига кирадиган куйидаги моддалар: пептидогликан, тейхой кислотаси, оксил, полисахарид ва бошкалар антигенлик хусусиятига эга. Хозир бу бактерияларнинг бир канча серовар ва типларининг махсус антигенлари борлиги аникланган.

Классификацияси. Патогенлиги пигмент хосил килиши билан стафилококк бир неча хил булади. 1) Патоген формаси, 2) шартли патоген, 3) сапрофитлари. Стафилококкларни 40 дан ортик фаготиплари ажратилган.

Чидамлилиги. Стафилококклар бошка патоген коккларга нисбатан физик ва кимёвий омиллардан куритиш, музлатишга ва куёш нури таъсирига чидамлидир. Стафилококклар куритилган йирингда 200 кун, чангда 50-1000 кун, тупрокда 10 ойгача тирик сакланиши мумкин, улар 70 С гача киздирилганда бир соатда, 80 С да эса 10-60 дакикадан сунг, кайнатилганда бир неча сонияларда улади. Дезинфекцияловчи омиллардан 5 % фенол эртмаси таъсирида 15-30 дакикада, 1 % фармолин таъсирида 2-5 дакикада улади.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Патоген стафилококклар куй эчки ва корамоллар, от ва чучкалар хамда тажриба хайвонлари - куён, ок сичкон, денгиз чучкасида касаллик келтириб чикаради.

Одамларда касалликнинг патогенези. Стафилококклар одам организмига тери, хаво томчи, чанг, алиментар йуллар оркали юкади. Касаллик манбаи бактерия ташиб юрувчи соглом кишилар, бемор ва касал

хайвонлар хисобланади. Хозр стафилококклар кузгатадиган 120 дан ортик касаллик аникланган. Бундай холат уларни одам организмидаги купгина тукима ва аъзоларни шикастлай олишидан далолат беради. Буларга тери, тери ости ёг кавати, лимфа тугунларидаги яралар(фрункул, карбункул, лимфаденит, флегмона, пиодермиялар) киради.

Бутун дунеда стафилококкларнинг касалхона ичи инфекцияси сифатида тугрукхоналарда, жаррохлик булимлари ва болалар касалхоналарида юкиши, тиббиёт ходимлари ва ахолии орасида бактерия ташиб юрувчилар сонининг ортиши кузатилмокда.

Иммунитет. Стафилококк учун характерли касалликни сурункали, секинлик билан ва рецидив холатга утиши текширилган. Касалликлардан сунг кучсиз иммунитет хосил булади. Иммунитетнинг кучсиз булиши одам аъзо ва тукималарида стафилококк антигенларига ухшаш антигенлар мавжудлиги билан хам боглик.

Лаборатория ташхиси. Микробиологик ташхисда йиринг, шиллик кават ажралмаси, балгам, сийдик, кон, кусук, меъданинг чайинди суви ва нажас, шунингдек овкат махсулотлари (пишлок, сут, торт ва бошкалар) текширилади. Микробиологик ташхис учун, бактериоскопик, бактериологик, биологик усуллар кулланилади. Бу усуллар оркали стафилококклар морфологик, культурал, биокимёвий ва вирулентлик каби асосий хусусиятлари урганилади ва турлари аникланади.

Даволаш ва олдини олиш кенг таъсир килувчи антибиотик дори воситаларидан фойдаланилади. Сурункали ва огир йирингли касалликларда куп валентли стафилококк вакцинаси, аутовакцина, стафилококк токсинига карши антитоксик зардоб, стафилококкга карши иммуноглобулин, стафилококк бактериофаги кулланилади. Олдини олиш анатоксиндан фойдаланиш, дезинфекция моддаларидан, ташиб юрувчиларни аниклашдан иборат.

Стрептококклар биринчи булиб, Т.Бильрот (1874)., кейинчалик Л.Пастер (1879й) септик касаллиларда, йиринглардан Розенбах (1884 й.) ажратиб олишган ва урганишган.

Морфологияси. Стрептококклар юмалок ёки бир оз чузинчок, диаметри 0,6 - 1 мкм, харакатсиз, спора хосил килмайди, граммусбат. Суртмада жуфт-жуфт ёки занжирга ухшаш жойлашади, бульондан тайерланган суртмаларда туда булиб ёки узун занжир хосил килиб жойлашган булади.

Усиши. Стрептококклар факультатив анаэроб, уларнинг усиши учун кулай харорат 37 С булиб, 40 С усиш чегараси хисоблданади. Оддий озик мухитларда жуда секин усади. Кандли, конли, зардобли агар ва бульонларда рН 7,2-7,6 булган озик мухитларда яхши усади. Улар каттик озик мухитларда жуда майда, хира, юмалок, донатор колониялар хосил килади. Конли агарда стрептококклар турига кура(гемолитик ва ногемолитик) гемолиз руй беради. Стрептококк кандли бульонда узига хос куринишда, яъни бульон тиник холда булиб, микроблар пробирканинг деворига епишган холда ва тубида майда донатор чукма хосил килиб усади.

Ферментатив хусусияти. Патоген стрептококклар желатинани суюлтирмайди, нитратни нитритга кайтара олмайди. Сутни ивитади.

Фибринни суюлтиради, глюкоза мальтоза, лактоза, сахароза, маннитни кислотагача парчалайди, газ хосил килмайди.

Токсин хосил килиши. Стрептококклар турлича таъсир эувчи экзотоксинлар хосил килади. 1) Гемолизинлар, 2) Лейкоцидин, 3) некротоксин, 4) улдирувчи токсин, 5) эритроген токсин. Бундан ташкари потоген стрептококклар патогенлик ферментларини гиалуронидаза, фибринолизин, дезоксирибонуклеаза, рибонуклеаза, липаза, протеиназаларни ишлаб чикаради.

Антиген тузилиши. Стрептококклардан 4 та антиген фракциялари ажратиб олинган. М-антигени оксил табиатли булиб, бактерияларнинг вирулентлиги ва иммуногенлигини таъминлайди. Т-антиген ҳам оксил табиатли, С антиген полисахаридли булиб, Р оксил эса нуклеопротеин моддасининг булагини булиб, стрептококкларнинг купчилиги А серологик гуруҳга мансуб.

Хозирги классификацияга кура Стрептококклар оиласи *Str.faecalis* ва *Str.pneumoniae* турларига ажралади.

Str.faecalis (энтерококк) полиморф, овоид курунишда булиб, жуфт ёки калта занжир шаклида жойлашади, баъзи турлари тухумсимон, ланцетсимон шаклига эга булади, катталиги 0,5-1 мкм. Баъзи штаммларида К антигени бор. Каттик озик мухитларда четлари текис колония хосил килиб усади. Кандли бульонда чукма, хиралашиш Билан усгани кузатилади. *Str.faecalis* одам ва хайвонлар ичакларида яшагани учун, патоген кузгатувчиларга нисбатан антогонистик хусусиятига эга.

Streptococcus pneumoniae (*Diplococcus pneumoniae*) стрептококклар оиласига киради. Кузгатувчи ланцетсимон, учи уткирлашган ёки бир оз чузик овалсимон булади. Диаметри 0,5-1,25 мкм булиб, жуфт, айрим холларда биттадан ёки калта занжир хосил килиб, одам ва хайвон организмида капсула хосил килади. Грамманфий, ёш ёки эски культураларда Граммусбат буялиши мумкин. Харакатсиз спора хосил килмайди. Факультатив анаэроб купайиш учун кулай шароит 37 С, 28 дан 42 С гача усиши мумкин. Конли, зардобли озик мухитларида рН 7,2 - 7,6 булганда майда, юмалок, тиник колониялар хосил килиб усади. Конли агарда А-гемолиз (яшил халка)ли колония хосил килиб усади. Кандли бульонда куйка ва чукма хосил килиб купаяди.

Касалликни одамлардаги патогенези. Касаллик патогенезида стрептококклар ажратадиган экзотоксинлар, агрессив ферментлар ва микробнинг узи ҳам мухим ахамиятга эга. Стрептококклар кузгатадиган касалликлар жуда хилма хил булиб, буларга ангина, сурункали тонзиллит, сармас, шикастланиш инфекциялари, тери ва тери ости ёғ кавати йирингли касалликлари, флегмона, сепсис, нефрит, цистит, холецистит, ревматизм, йирингли отит, мастоидит, эндометрит ва бошкалар киради.

Иммунитет. Касалликдан сунг кучли иммунитет хосил булмайди, хосил булгани ҳам суст ва узок давом этмайди. Стрептококк касаллигида бактерия ва токсинга Карши иммунитет хосил булади.

Кук йиринг таёкчаси *Pseudomonas aeruginosa* А.Люк томонидан 862 йилда топилган. Улар *Pseudomonadaceae* оиласига, псевдомонос авлодига киради.

Морфологияси. Кук йиринг таёкчаси полиморф грамманфий таёкча булиб, узунлиги 1,5-3 мкм, катъий аэроб, ҳаракатчан, икки четида 2 та хивчини бор, суртмада алоҳида-алоҳида ёки занжир шаклида жойлашади.

Кук йиринг таёкчаси катъий аэроб рН 7,2-7,4 булган оддий озик муҳитларда 37 С ҳароратда яхши усади. Аммо 4-41 С ҳароратда ҳам купаяди. ГПАда кузгатувчи силлик, бурган, нам, S- колониялар ҳосил қилиб усади. Суюқ муҳитда бир хил қуйка, сунгра чуқма ҳосил қилади. Кузгатувчилар пигмент ҳосил қилади, нордон муҳитларда қизил ранг берувчи пиоцианин пигментини ажратади. Кук йиринг таёкчаси глюкоза, галактоза, арабиноза, ксилозани кислотагача парчалайди. Индол ҳосил қилмайди, желатинни суюлтиради, сутни ивитади, 60 С да улади, 1 соатда дезинфекция моддаларига чидамсиз, дорилардан полимиксин, неомицинга чидамсиз, табиий шароитда Кук йиринг таёкчаси тупрокда, сувда, усимликларда, йирингли, касалликларда куп учрайди. Одамларда маҳаллий ва умумий йирингли касалликларни чақиради. Буларга отит, пиелит, цистит, менингоэнцефалит, септицемия ҳолатларини келтириб чиқаради.

Лаборатория диагностикаси. Кузгатувчининг соф культурасини ажратиб олинадиган ва уни идентификацияланади. Кузгатувчини йирингдан ва ахлатдан, озик-овқатлардан, сувдан, тупрокдан, ҳар хил предметлардан юқиши ва юктириши мумкин булган жойлардан суртма олиб текширилади.

Даволаш. Беморларни антибиотик дори дармонлар билан даволанади. Олдини олиш учун касалхона режими ва санитар гигиена қоидаларига риоя қилиш керак.

6. Амалий машғулот учун керакли анжомлар, таблицалар, расмлар, микроб диагностикаси.

7. утилган мавзунинг ушлаштирилганлигини аниқлаш, назорат қилиш усуллари.

8. Оғзаки савол-жавоб.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтингини 20- машғулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал қизиш-0,5

Бурун халқумдан суртма олиш.-1 балл

100% дан 2,5 балл.

86-100	Аъло	20-машгулот. «Йирингли яллигланиш касалликларининг кузгатувчилари; стафилакокклар, стрептакокклар, пневмакокклар, кук йиринг таёкчаси ва бошқалар кузгатган касалликларнинг микробиологик диагностикаси». Нима учун йиринг хосил килувчи микроорганизмлар дейилади? Буларнинг тузилиши умумий хоссалари. Касалликларнинг юкиш йуллари, патогенези, диагностикаси тугрисида тулик тасаввурга эга, мустакил фикрлай олади. Узининг амалий ишида куллай олиши. Касалликларни олдини олиш йуллари тугрисида тулик тасаввурга эга. Стафилококк културасидан суртма тайёрлаш. Грам усулида буяш, микроскоп остида куриши, шаклини чизиши. Микробнинг жойлашиши, буялиши, хоссаларини тулик шархлаб бериши керак.
71-85	Яхши	стафилакокклар, стрептакокклар, пневмакоккларни устириш усуллари микробиологик диагноз куйиш учун олинадиган махсулотлар ва уларни аниклаш усуллари тулик билиши ва амалиётда куллаш тугрисида тулик тасаввурга эга ва амалда бу усуллари куллай олиши. Стафилококк инфекцияни билан огриган бемордан келтирилган йирингдан суртма тайёрлаш. Грам усулида буяш ва микроскоп остида куриб стафилакоккларни аниклаб бериши керак.
55-70	Кони-карли	Йирингли-яллигланиш касалликларини олдини олиш, даволаш тугрисида тасаввурга эга булиши. Мохиятини тушунтириши, билиши, айтиб бериши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тайёргарлик курмаган. Тасаввурга эга эмас.

20 – МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- СТАФИЛОКОКЛАР:
 - ПИГМЕНТЛАР ИШЛАБ ЧИКАРАДИ
 - ГЕМОЛИТИК ВА ЯШИЛ ГЕМОЛИТИК ТУРЛАРГА БУЛИНАДИ
 - КАПСУЛА ХОСИЛ КИЛАДИ
 - ХАРАКАТЧАНГ
 - ОЗУКА МУХИТЛАРИГА ТАЛАБАЧАНГ
- СТАФИЛОКОКЛАР КОЛОНИЯСИ
 - ЧЕТЛАРИ ТЕКИС, КАБАРИК
 - ЯССИ,НОТЕКИС КИРРАЛИ
 - ГУМБАЗСИМОН
 - НОТУГРИ ШАКЛДА
 - ШУДРИНГ СИФАТ МАЙДА
- СТАФИЛОКОКЛАРНИНГ ПАТОГЕНЛИК ФАКТОРЛАРИ
 - ГИАЛУРОНИДАЗА МАХСУЛОТИ
 - КАПСУЛА
 - ВОДОРОД СУЛЬФИД ХОСИЛ КИЛИШИ
 - ЛИПАЗА МАХСУЛОТИ
 - СПОРА
- СТАФИЛОКОКЛАР ЧАКИРГАН СЕПСИСНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДА КУЛЛАНИЛАДИ
 - КОННИ КАНДЛИ БУЛЬОНГА ЭКИШ
 - КОННИ БЕВОСИТА МИКРОСКОПИЯСИ
 - КОННИ КОНЛИ МУХИТГА ЭКИШ

Г. ЙИРИНГНИ КОНЛИ МУХИТГА ЭКИШ
Д. ИММУНОФЛЮОРЕСЦЕНЦИЯ УСУЛИ
5. СТАФИЛОКОККЛАР ЧАКИРУВЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ.

- А. АНАТОКСИН
- Б. АНТИТОКСИК ЗАРДОБ
- В. АНТИМИКРОБ ЗАРДОБ
- Г. БАКТЕРИОФАГ
- Д. АУТОВАКЦИНА

6. СТРЕПТОКОККЛАР

- А. СПОРА ХОСИЛ КИЛМАЙДИ
- Б. ХАРАКАТЧАНГ
- В. ОБЛИГАТ АЭРОБ
- Г. ГРАММАНФИЙ
- Д. АНИЛИН БУЕКЛАРИ БИЛАН КИЙИН БУЯЛАДИ

7. СТРЕПТОКОККЛАРНИНГ КУЛЬТУРАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

- А. МАЙДА ДОНАДОР КОЛОНИЯЛАР ХОСИЛ КИЛАДИ
- Б. ОДДИЙ МУХИТЛАРДА УСАДИ
- В. БУЛЬОННИ БИР ТЕКИС ЛОЙКАЛАТИБ УСАДИ
- Г. ТИЛЛАРАНГ, ОҚЛИМОН-САРИК ТУСЛИ ПИГМЕНТЛАР ХОСИЛ КИЛАДИ
- Д. ОПТИМАЛ УСИШ ХАРОРАТИ-42%

8. СТРЕПТОКОККОАР ЧАКИРАДИ

- А. РЕВМАТИЗМ
- Б. ГЕПАТИТ
- В. КИЗАМИК
- Г. БУГМА
- Д. ИЧБУРУГ/ДИЗЕНТЕРИЯ/

9. ПНЕВМАКОККЛАРНИНГ ПАТОГЕНЛИК ФАКТОРЛАРИ

- А. КАПСУЛАСИ
- Б. ЛЕЦИТИНАЗА
- В. СПОРАСИ
- Г. ЭНТЕРОТОКСИНИ
- Д. ГИАЛУРОНИДАЗА ФЕРМЕНТИ

**10. ПНЕВМОКОКК КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОБИОЛИГИК ДИАГНОСТИКАСИДА
КУЙИДАГИ МАТЕРИАЛ ТЕКШИРИЛАДА**

- А. КОН
- Б. НАЖАС
- В. ЖАРОХАПТДАН АЖРАЛИБ ЧИККАН СУЮКЛИК

ТАШКИ МУХИТДАН ОЛИНГАН ЧАЙИНДИ
Д) СИЙДИК

21-машгулот

1-Мавзу: Нейссериялар: менингококк ва гонококклар кузгатадиган касаликларнинг микробиологик диагностикаси

3-соат

2-максад: Талабаларни гонококк ва менингококк кузгатувчилари билан таништириш. Уларнинг биологик хусусиятлари, юкиш йуллари, микробиологик диагностикаси, патогенези, иммунитети, касаллик манбаи хақида маълумот бериш ва урганиш.

3-Машгулот масалалари. Утказилган машгулотдан сунг талабаларни билиши шарт.

1. Гонококк, менингококклар кузгатувчиларининг биологик хусусиятлари.
2. Гонококк, менингококк кузгатувчиларини келтирадиган касалликлари, болалардаги касалликлар.
3. Касалликнинг патогенези, иммунитети, лаборатория диагностикаси.
4. Махсус профилактикаси, олдини олиш чора тадбирлари.

4. Куриб чикиладиган саволлар.

1. Гонококк, менингококк кузгатувчисини морфологияси, устирилиши, ферментатив хусусиятлари.
2. Кузгатувчиланинг юкиш йуллари, чидамлилиги.
3. Касалликнинг патогенези, асоратлари, лаборатория учун олинадиган материаллар. Текшириш методлари.
4. Касалликни махсус олдини олиш чора тадбирлари, бленорея болаларда олдини олиш, умумий чора-тадбирлар, даволаш.

5. Узлаштириш усуллари.

А) Таркатадиган материаллар: таблица, расмлар. Кузгатувчиларнинг микробиологик диагностикаси схемалари.

Б) 1-топширик. Гонококк, менингококк, касалликлари кузгатувчиларининг микробиологик диагностикаси схемасини чизиш.

Жавоб. Талабалар уз дафтарига кузгатувчиларнинг морфологиясини ва микробиологик текшириш диагностикаси усулларини кетма-кетликда чизадилар.

6. Дарс олиб боришнинг интерактив усули "бош мияга хужум"

1. Менингит кузгатувчисига ташхис куйишда орка мия суюклигини ахамияти ва куриниши.
2. Болаларда гонококк кузгатувчисини юкиш йуллари, чакалоклардаги асоратлари, куриладиган чора тадбирлар. Махсус олдини олишда ишлатиладиган препаратлар.

Талабаларни узлари тайёрланишлари учун бериладиган саволлар.

Кузгатувчиларнинг морфологияси. Устирилишида ишлатиладиган озик мухитлар.

Ферментатив активлиги. Антиген структураси.

Юкиш йуллари, патогенези, иммунитети касалликдан кейин.

Текшириш усуллари.

Олдини олиш, даволаш.

Кургазмали куроллар:

1. Таблица, микробиологик диагностикаси, гонококклар ва менингококклар.

2. Гонококкларни метилен кукида буялган суртмаси.

Укитувчи мулохазалари:

Нейссериялар. Гонококклар, менингококкларнинг микробиологик диагностикаси

Менингококклар (*neisseria meningitidis*) соф культурасини А.Вексельбаум 1887 йили менингит Билан огриган беморнинг орка мия суюклигидан ажратиб олган. Менингококклар *neisseria* зоти, *neisseriaceae* оиласига киради. Морфологияси. Менингококклар жуфт-жуфт жойлашган кокклар булиб, 0,6-1 мкм диаметрда, ботик томони бир бирига караган, ташки томони эса каварик булади. Грамманфий, спора ва капсула хосил килмайди. Хивчинлари йук. Устирилиши. Менингококклар - аэроб, оддий озик мухитларда усмайди. pH 7,2-7,4 булган, зардоб кушилган озик мухитларида, асцист суюклиги кушилган ва 37 С оптимал температурада 22 С температурада усмайди. Каттик озик мухитларида нозик колония хосил килади, зардобли бульонда хиралашиш ва чукма тубида хосил килади. 3-4 кундан сунг бульон устида нозик парда хосил булади.

Ферментатив активлиги. Менингококклар желатин суюлтирмайди, сутни ивितмайди, глюкоза, мальтозани факат кислотагача парчалайди.

Токсин хосил килиши. Менингококклар эндо ва экзотоксин хосил килади.

Бактерия кобиги парчаланиши Билан кучли Захар хосил булади.

Антиген структураси. Менингококкларда 3 хил фракциядаги антигенлари бор. Булар полисахарид, оксил, полипептид, полисахарид бирикмалар.

Классификацияси буйича кузгатувчилар 4 гурухга А, В, С, Д га булинади.

Кейинги йилларда улар 13 тага етди.

Чидамлилиги. Менингококклар - ташки мухитга чидамсиз, куритилганда тез улади. 60 С температурада киздирилганда 10 минутда, 80 С да 2 минутда улади. Менингококклар совук хароратга жуда чидамсиз.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Табiiй шароитда хайвонлар менингококкларга чидамли. Лаборатория хайвонларига ката доада берганда септицемия холати кузатилади.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Инфекция манбаи бемор ва бактерияч ташиб юрувчи одамлар хисоблаади. Кузгатувчи хаво томчи йули Билан юкади. Кузгатувчининг бирламчи жойи бурун ва халкум шиллик кавати хисобланади. У ердан лимфа томирларга, сунг конга тушиб организмга ва миянинг юмшок пардаларига тушади, йирингли яллигланишни келтириб чикаради. Беморнинг орка мия суюклиги лойкаланади, таркибида

лейкоцитлар купаяди, орка мия босими кутарилади, пукция килинганда орка мия суюклиги лойка холда отилиб чиқади. Бази холларда кузгатувчи конда купайиш, менингококкцемия холати кузатилади, кузгатувчи конда, бугимларда, упкада топиш мумкин. Менингококк инфекцияси Билан, асосан болалар касалланади. Касалликни куп учрайдиган фасли куз (киш) даврига тугри келади.

Иммунитет. Табиий иммунитет одамларда нисбатан яхши ривожланган. Менингит Билан касалланган одамларда согайгандан сунг кучли, узок давом этадиган иммунитет хосил бўлади. Бемор конида агглютинин, прециптин, опсонин, бактериоцин ва комплементни боғловчи антителолар юзага келади. Кайта касалланиш камдан кам учрайди.

Лаборатория диагностикаси, микробиологик ташхисда, асосан орка мия суюклиги, бурун халқумдан олинган шиллик мода, кон олинади.

Текширишда 1 бактериоскопик, орка мия суюклигидан Сурма тайёрланади. 2) бактериологик озик-мухитга экиб, соф культурасини ажратиб олинади. 3) серологик реакция, преципитация реакция оркали текширилади.

Даволаш. Сульфаниламидлар. Антибиотиклар препаратлари ишлатилади.

Олдини олиш. Умумий санитарик ишлари олиб борилади. Бактерия ташувчиларни аниклаш, эпидемия даврида одамлар йигилишини олдини олиш, W-135 кимёвий вакцина Билан эмлаш ишларини йулга қуйиш керак. Гонококкларни (neisserie gonorrhea) 1873 йилда А.Нейссер биринчи бўлиб аниклаган. 1885 йилда Э.Бумм томонидан тулик урганилган ва этиологикси курсатиб берилган.

Морфологияси. Диплококк бўлиб, узунлиги 1,25 мкм, кенглиги 0,7=0,8 мкм. Кузгатувчи жуфт-жуфт холда жойлашган бўлиб, кофе доначаларига ухшаш, гонококклар микроорганизм хужайралари ичида ёки ташқарисида жойлашади. Гонококклар полиморф бўлиб, диаметр ва шаклини узгартириш хусусиятига эгадир.

Усиши. Гонококклар - аэроб ёки факультатив анаэроб бўлиб, озик мухитларда жуда талабчан, оддий озик мухитларда усмайди. pH 7,2-7,6, таркибида кон, оксил, асцит суюклиги булса, 35-36 с да усади. 25-42 С да усмайди. Гонококкларни устиришда зардобли агар, Бейли мухитларидан кенг фойдаланилади. Усганда майда, катталиги 1-3 мк булган, думалок, ранги окимтир, T1-T2 майда ва T3-T4 йирик колонияларни хосил қилади. Майда колония узининг варулентли эканлиги Билан фаркланади.

Ферментатив активлиги. Гонококклар биокимёвий хусусияти бўйича фаол эмас. Глюкозани кислотагача газсиз парчалайди. Каталаза ва цитохромоксидазага эга.

Токсин хосил қилиши. Бактерия хужайрасининг парчаланиши натижасида эндотоксин ажратади, бу токсин экспериментал хайвонлар учун кучли захарли.

Антиген структураси. Гонококклар 2 та антиген комплексидан иборат. Булар оксил табиатли протеинли менингококк антигенига ухшаш ва *Str.pneumoniae* антигени полисахаридли, уларни сероворларга ажратадиган антиген.

Чидамлилиги. Гонококклар совукка жуда сезгир, куритишга чидамсиз, 56 с да 5 минутда улади. 1.10000 гача суюлтирилган кумуш нитрат, калий перманганат (1:50), 1 % фенолда бир неча дакикада улади.

Хайвонларга нисбатан потогенлиги: гонококклар факат одамларда касаллик келтириб чикаради, табиий шароитда ҳацвонлар сузак Билан касалланмайди. Касалликнинг одамлардаги патогенези. Сузак (гонорея) юкишининг купрок учрайдиган йули бу аксарият жинсий йулдир, яъни касаллик сузак булган бемор Билан жинсий алока килганда, шунингдек, касаллиги сурункали ту солган эркак ва аёллардан юкади. Кам холларда бемор фойдаланган буюмлардан (чойшаб, соч-сочик, урин-курпа, ички кийим, бемор фойдаланган ванна ва бошка буюмлардан умумий фойдаланганида ҳам касаллик юкиши мумкин. Чакалокларга бемор онасининг тугиш йуллари оркали утади. Уларда асосан куз конъюнктиваси зарарланади (бленнория) Баъзан гонококклар сийдик-таносил тизими оркали бутун организмга таркалиши мумкин.

Иммунитет. Касалликдан сунг организмда иммунитет колмайди. Кайта касалланиш мумкин. Сузакда тугалланмаган фагоцитоз кайд килинади. Лаборатория ташхиси. Текшириш учун уретра, кин, вульва, бачадон буйни, эркаклик беzi, тугри ичак, конъюнктивлардан ажралган йиринг ҳамда сийдикда хосил булган чукма олинади.

1) Бактериоскопик - грамм, леффлер усулида метилен Куки Билан буяб, микроскоп остида курилади. Иммунофлюоросепция усули жуда кулай хисобланади.

2) Бактериологик - ажралма гуштли - агарли мухитга экилади, соф культура ажратиб олинади.

3) Сурункали формада зардобли комплементни боглов реакцияси, билвосита гемагглютинация реакцияси куйилади.

4) Аллергик синамадан ҳам фойдаланилади.

Даволаш. Беморлар антибиотик дорилар, сульфаниламид препаратлари Билан асоратли холларда поливакцина ва аутовакцина Билан даволанади. Касалликнинг олдини олиш. Бунинг учун ахолининг турмуш даражасини, иш, оила шароитини яхшилаш, уларни санитария маданиятини юксалтиришга каратилган чораларни амалга ошириш лозим. Бленореиянинг олдини олиш учун барча тугрукхоналарда хар бир Янги тугилган чакалокнинг кузига 1-2 томчи альбуцид томизилади. Чала тугилган чакалокларга пенцилиннинг 3 % ёгли эритмаси куз конъюнктивасига томизилади. Ханузгача сузакка Карши махсус профилактика чоратадбирлари ишлаб чикилмаган.

Талабаларни бахолаш.

**Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини бахолаш
рейтинги 21- машгулот**

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,5

Сийдик таносил аъзоларидан суртма олиш.-1 балл

100% дан 2,5 балл

86-100	Аъло	21-машгулот. «Нейссериялар. Менингококк ва гонококк кузгатган касалликларнинг микробиологик диагностикаси». Менингококк ва гонококклар морфологияси классификациясини тулик билиши. Улар чакирадиган касалликларни юкиш йуллари, патогенези тугрисида ижобий фикрлай олиши. Олган билимларини амалда куллай олиши, тасаввурга эга ва амалда бу усулларни куллай олиши. Гонорея билан огриган бемордан олинган йирингдан тайёрланган, грам усули билан буялган тайёр суртмани микроскоп остида куриши, шаклини чизиши тугалланмаган фагоцитозини тасвирлаб бериши керак.
71-85	Яхши	Менингит ва сузак касалликларига ташхис куйиш учун олинадиган махсулотлар ва уларни текшириш усулларини мукаммал билиши. Олган билимларини амалда куллай олиши, мохиятини тушунтириб бериши. Бленнорея касаллигини олдини олиши билиши, бу касаллик тугрисида тасаввурга эга булиши.
55-70	Кони-карли	Сузак касали тугрисида маълумотга эга булиши. Бу касаллик одамлар орасида таркалиш йулларини билиши. Кисман давоси ва профилактикаси тугрисида тасаввурга эга булиши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тасаввурга эга эмас.

21 - МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. МЕНИНГОКОКК КАСАЛЛИКЛАРИ ХАРАКТЕРЛАНАДИ

- А. ХАВО- ТОМЧИ ЙУЛИ БИЛАН ТАРКАЛАДИ
- Б. АЛИМЕНТАР ЙУЛ БИЛАН ТАРКАЛАДИ
- В. БАКТЕРИЕМИЯ РУЙ БЕРАДИ
- Г. ПАРЭНТЕРАЛ ЙУЛ БИЛАН ЮКАДИ
- Д. ТРАНСМИССИВ ЙУЛ БИЛАН ЮКАДИ.

2. МЕНИНГОКОК КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДА КУЙИДАГИ МАТЕРИАЛ ТЕКШИРИЛАДИ:

- А. ОРКА МИЯ СУЮКЛИГИ
- Б. БАЛГАМ
- В. СИЙДИК
- Г. НАЖАС
- Д. ЖАРОХАТДАН ОЛИНГАН СУЮКЛИ

3. МЕНИНГИТНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДАГИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

- А. ПРЕЦИПИТАЦИЯ РЕАКЦИЯСINI КУЙИШ
- Б. БИОСИНАМА
- В. ГУШТЛИ-ПЕПТОНЛИ АГАРГА ЭКИШ
- Г. ЭНДО МУХИТИГА ЭКИШ
- Д. ГЕМОЛИЗ РЕАКЦИЯСINI КУЙИШ

4. ГОНОКОККЛАР

- А. СПОРА ХОСИЛ КИЛАДИ
- Б. ОЗУКА МУХИТЛАРГА ТАЛАБЧАНГ ЭМАС

- В. ЭКЗОТОКСИН ХОСИЛ КИЛАДИ
 - Г. ХУЖАЙРА ИЧИДА ПАРАЗИТЛИК КИЛАДИ
 - Д. АНАЭРОБ
5. МЕНИНГОКОКК КАСАЛЛИКЛАРИ УЧУН ХАРАКТЕРЛИ БЕЛГИ
- А. ТРАНСМИССИВ ЙУЛ БИЛАН ТАРКАЛАДИ
 - Б. КУЗГАТУВЧИНИНГ ИЧАК ШИЛЛИК КАВАТИГА КИРИШИ
 - В. АЛИМЕНТАР ЙУЛ БИЛАН ТАРКАЛАДИ
 - Г. БАКТЕРИЕМИЯ КУЗАТИЛАДИ
 - Д. КУЗГАТУВЧИНИНГ МИЯ ПУСТЛОГИДА КУПАЙИШИ
6. МЕНИНГОКОККЛАР
- А. ГРАММАНФИЙ КОККЛАР
 - Б. ЛАНЦЕТОСМИОН ФОРМАДАГИ КОККЛАР
 - В. СПОРА ХОСИЛ КИЛАДИ
 - Г. ХАРАКАТЧАНГ
 - Д. ВАЛЮТИН ДОНАЧАЛАРИ БОР
7. МЕНИНГИТ КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДАГИ ТЕКШИРИШ УССУЛЛАРИ
- А. ОРКА МИЯ СУЮКЛИГИНИНГ ЧУКМАСИНИ МИКРОСКОПИЯСИ
 - Б. ГУШТЛИ-ПЕПТОНЛИ АГАРГА ЭКИШ
 - В. ИШКОРИЙ МУХИТГА ЭКИШ
 - Г. АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИНИ КУЙИШ
 - Д. ГЕМОЛИЗ РЕАКЦИЯСИНИ КУЙИШ
8. ГОНОРЕЯНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН ОЛИНАДИ
- А. БАЛГАМ
 - Б. КИНДАН ВА СИЙДИК ТАНОСИЛ ЙУЛИДАН СУЮ-ЛИК
 - В. БЕМОРНИНГ НАЖАСИ
 - Г. ОРКА-МИЯ СУЮКЛИГИ
 - Д. ИДИШ ТОВОКЛАРДАН ЧАЙИНДИ
9. МЕНИНГОКОК КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДА КУЙИДАГИ МАТЕРИАЛ ТЕКШИРИЛАДИ:
- А. ОРКА МИЯ СУЮКЛИГИ
 - Б. БАЛГАМ
 - В. СИЙДИК
 - Г. НАЖАС
 - Д. ЖАРОХАТДАН ОЛИНГАН СУЮКЛИК
10. МЕНИНГОКОКК КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН КУЙИДАГИЛАР ИШЛАТИЛАДИ
- А. ТИРИК ВАКЦИНА
 - Б. АНТИМИКРОБ ЗАРДОБ
 - В. ЭПИД ХОЛАТГА КАРАБ ХИМИК ВАКЦИНА.
 - Г. АУТОВАКЦИНА
 - Д. АНТИТОКСИК ЗАРД

22 -машгулот

Мавзу; Патоген анаэроблар. Газли гангрена ва кокшол кузгатувчиларининг микробиологик диагностикаси. Кокшолнинг чакалок болаларга юйиши ва кечиши.

3-соат

11-Машгулотдан мақсад, Талабаларга одамларда касаллик келтирувчи Газли гангрена ва куп учрайдиган кокшол кузгатувчиси билан таништириш
111- Вазифаси..

Машгулот давомида талабалар бу кузгатувчилар тугрисида маълумот олиш. Юкиш йулларини, патогенез биологик хусусиятларини билиши керакли

Куриб чикиладиган саволлар.

1. Анаэроб кузгатувчилари, кокшол ва Газли гангренининг морфологияси.

2. Чакалокларда кокшол кузгатувчиси.

3. Жаррохат инфекцияси кузгатувчисининг микробиологик диагностикаси.

4. Махсус профилактика ва давоси

Укитувчи мулохазалари..

Патоген анаэроблар Eubacteriales туркумига, Bacillaceae оиласи, Clastriadium уругига киради. Буларга кокшол, Газли гангрена, ботулизм, кузгатувчилари киради. Кластридийлар анаэроб йирик, граммусбат буяладиган таёкчалардир. Кластридиллар спораси энидан ката, шу сабабли у бактерия хужайцрасининг уртасида жойлашса дукка ухшайди, уругнинг номи шундан олинган.

Кластридийлар бир неча умумий хусусиятларга эга. Булар анаэроб, йирик плиморф, эндотоксин ҳосил килади. Одам ва хайвон нажаси оркали тупрокларга тушади. Ташки мухитларда куплаб учрайди.

Кокшол кузгатувчиси. Кокшол кузгатувчиси Cl.tetani 1884 йилда

А.Николайер томонидан кашф этилган. 1889 йили С.Китазато унинг соф культурасини ажратиб олган.

Морфологияси. Кокшол кузгатувчиси, граммусбат, тугри, ҳаракатчан, таёкча булиб, узунлиги 2,5 - 5 мкм, эни 0,5-1,1 мкм. Хужайраси уртасида ва четларида киритмалар жойлашади, спораси четда жойлашиб. Хужайра думбра шаклини беради. Кокшол кузгатувчисини перетрих хивчинлари булиб, капсула ҳосил қилмайди.

Усиши. Cl.tetani катъий анаэроб, рН 7,0-7,9, оптимал 37 С да яхши усади.

Температура чегараси 14 С дан 45 С гача. Хайвон мияси қушилган мухитли агарларда, висмут сульфит агарда усганида қорамтир колония усади. Китта-Тароци мухитида бир хил куйка ва узига ҳос хидли газ ҳосил қилиб усади.

Ферментатив активлиги: кокшол секинлик билан желатинни суюлтиради, индол ҳосил қилмайди. Тезда нитратни нитритларга қайтаради. Сутни секин ивитади. Фибритолитик фаолликка эга.

Токсин ҳосил қилиши. Кокшол кузгатувчиси жуда кучли экзотоксин ажратади. Бу икки фракциядан, тетаноспазмин мускуллар тортишиб қилишини идора этувчи нерв хужайраларига таъсир этиб, уни шикастлайди, тетанолизин эса қондаги эритроцитларни эритиб юборади. Культурани

бульонда устириб, сунг филтрдан утказиб олинган 0,0000005 мл токсин 20 вазндаги ок сичконни улдиради.

Антиген тузилиши. Кокшол кузгатувчиси гурухига хос соматик О ва хивчинли Н антигенларга эга Н антигенга кура кузгатувчи 10 та серологик вариантга, О антиген буйича серогурухларга булинади.

Чидамлилиги. Кокшол кузгатувчининг вегетатив формаси 60-70 С хароратда 30 дакика киздирилганда улади. Клостридий споралари ташки мухитга жуда чидамли.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги: Табиий шароитда кокшол билацот ва корамоллар касалланади. Уларнинг купчилиги кокшол кузгатувчисини ташиб юради. Ок сичкон, денгиз чучкачаси, каламуш, куёнлар тажриба хайвонлари хисобланади.

Касалликнинг одамлардаги патогенези: касалликнинг манбаи - хайвон ва одамлар. Касаллик бактерияси улар нажаси оркали тупрокка тушиб спора холида 20-80 %, бази тупрокларда 100 % гача учрайди. 2/3 касалликлар кишлок хужалигида ишловчилар, тупрок Билан ишловчилар куп касалланади. Кузгатувчи чакалокларга киндик яраси оркали, тукаан аёлларга яллигланган бачадон шиллик кавати оркали киради. Натижада кокшол ривожланади. Спора организмда вегетатив шаклга утиб купаяди ва экзотоксин ажрата бошлайди. Экзотоксин конга тушади ва кон оркали орка миянинг харакатлантирувчи нерв марказига таъсир этади. Нерв системасининг кокшол бактериялари токсинидан зарарланиши натижасида организмдаги турли мускул гурухларнинг тортишиши руй беради. Кузгатувчи кирган жойдаги мускуллар, юз, чайнов ва мимика мускуллари тортишиб кискаради. Бемор ёй шаклида бошининг оркасига хамда белга, боши ва товонлари Билан тиралиб колади. Нафас маркази ва бошка хаёт узун мухим аъзолар фаолиятининг издан чикиши окибатида бемор улади. Бу касалликда улим 35-70 %ни ташкил этади.

Иммунитет. Касалликдан сунг антитоксик кучсиз иммунитет хосил булади, шунинг учун кайта касалланиш мумкин.

Лаборатория ташхиси: Текшириш учун кон, йиринг, тукима булагли олинади.

Бактериоскопик суртма грамм усулида, ожечко усулида буялади.

Бактериологик усул. Текширилувчи материал Китта тароции озик мухитига экилади. Кейин анаэроостатда каттик озик мухитга экилади.

Биологик усул. Текширилаётган материалда кокшол кузгатувчиси булса, юктирилган ок сичкон 1-3 кун ичида улади.

Даволаш. Кокшолга Карши махсус иммуноглобулин юборилса, у яхши натижа беради. Махсус профилактикасида кокшол анатоксини кулланилади.

АКДС ва АДС-М вакциналар килинади.

Ярали анаэроб инфекцияларнинг клостридийлари.

Анаэроб инфекция (Газли гангрена) полиэпидемиологик касаллик. Ярали анаэроб инфекцияларга *Cl.perfringens*, *Cl.novyi*, *Cl.septicum*, *Cl.histolyticum*, *Cl.sordellii* Лар киради.

Газли гангренаинг кузгатувчилари.

(*Clostridium pefringens*) 1892 йилда М.Уэлч ва Г.Неталл томонидан кашф этилган. У одам ва хайвонлар ичакларида одатдаги микрофлора булиб яшайди. Ташки мухитда, тупрокда спора шаклида йиллаб яшайди.

Морфологияси. Йирик граммусбат таёкча, узунлиги 3-9 мкм, эни 0,9-1,3 мкм, ташки мухитда спора хосил илади, у хужайрада субтерминал жойлашади, диаметри бактерия энидан ката, ҳаракат қилмайди.

Усиши *Cl.perfringens* катъий анаэроб, рН 6,0-8,0 булган барча анаэроб бактериялар усадиган озик мухитларда 37 С яхши усади, купаяди. Кита-тароцци мухитида бир хилд куйка, агар устунчасинг тагида ястикка ухшаш, конли агарда силлик диска ухшаш ясси, кулранг, четлари текис S-колония, RM колония ҳам хосил қилиши мумкин.

Ферментатив хусусияти *Cl.perfringens* желатинни секин суюлтиради, куп кандларни кислота ва газ хосил қилиб парчалайди. Сутни тез ивитади, нитратни нитритга қайтаради. Индол хосил қилади. Токсин хосил қилиши. Кузгатувчи кимёвий тузилиши буйичап мураккаб экзотоксин ажратади, бу бир неча фракциллардан, альфа-гемолизин, бета некротоксин, нейротоксин, энтеротоксинлардан иборат.

Антиген тузилиши. *Cl.perfringens* антиген тузилишига кура А, В, С, Д, Е, F серологик вариантларга булинади, бу сероварлар серологик хусусиятлари ва токсинларнинг спецификлиги билан фарқ қилади.

Чидамлилиги. Кузгатувчининг спораси қайнатишга чидамли, вегетатив формасига перист водород, фенол ва бошка дезинфекция моддалари улдирувчи булиб таъсир қилади.

Clostridium nobyi. С. Nobyi йирик полиморф икки чети бир оз буқилган таёкча булиб, узунлиги 4,7-22,5 мкм, эни 1,4-2,5 мкм. Купинча калта занжирга ухшаб жойлашади. Ҳаракатчанг 20 га яқин хивчинлари бор.

Перитрих, граммусбат, ташки мухитда спора хосил қилади.

Усиши. *Clostridium nobyi* катъий анаэроб, улар учун 37-45 С рН-7,8 кулай шароит ҳисобланади. Кита-Тароцци мухитида аввал куйка, сунг чуқма хосил қилиб, мухит тиник холга айланади. Агар устунчасида момикка ухшаш, атрофига ингичка ипчалар тарқалган колониялар хосил қилади.

Ферментатив активлиги. Желатинни секинлик билан суюлтиради ва қорайтиради, сутни ивитади, глюкоза, мальтоза, глицеринни кислота ва газ хосил қилиб парчалайди.

Токсин хосил қилиши: *Clostridium nobyi* - альфа, гамма, Бета, Е.токсинларни ажратади. Бу токсинлар С-лецитиназа хусусиятига эга булган гемолизинни ажратади.

Антиген тузилиши. *Clostridium nobyi* антиген тузилишига кура А, В, С, Д серологик вариантларга булинган. Шулардан факат А серовар одамларда касаллик кузгатади.

Чидамлилиги. Спораси ташки мухитда 20-25 йил яшаши, сақланиши мумкин. Қайнатганда вегетатив шакли 10-15 да 3 % формалинда 10С да, тик тушган қуёш тури бир суткада улдира олади.

Clostridium septicum. С. Septicum полиморф, узунлиги 3,1 дан 14,1 гача, эни 1,1-1,6 мкм, ипсимон шакли учраши мумкин, ҳаракатчан, перитрих, граммусбат,

ташки муҳитда спора ҳосил килади. Спора бактерия ҳужайрасида субтерминал жойлашади, капсула ҳосил қилмайди.

Усиши. *Clostridium septicum*. Катъий анаэроб, рН-7,6 булган озик муҳитларда 37-45 С ҳароратда яхши усади. ГМБ-га 0,5 % глюкоза қушилганда чуқма ва қуйқа ҳосил қилиб усади.

Ферментатив хусусияти: Желатини секинлик билан суюлтиради, индол ҳосил қилмайди. Нитратни нитритга қайтара олади, окислини сераводород ва аммиак ҳосил қилиб парчалайди, микроб таъсирида қиймаланган гуштни қизартириб юборади, узидан специфик қуланса хид чиқаради. Глюкоза, левилоза, мальтоза, лактоза, салицинларни кислота ва газ ҳосил қилиб парчалайди. Сутни секин ивитади.

Таксигенлиги. Кузгатувчи қучли экзотоксин, гналурунидаза, нейроминидаза, коллогеназа, дезоксирибонуклеиназа, фибринолизинларни ажратади. Одам, қуй, от, қуён, денгиз чучкаларининг эритроцитларини гемолиз қилади.

Антиген структураси *Clostridium septicum*да бир неча сераворларнинг борлиги аниқланган. Антигеннинг тузилишига қура культураларни фарқлаш мумкин. Лаборатория текшириш методлари; Бактериоскопик, бактериологик, биологик усуллар яхши натижа беради.

Қасалликларда олдини олиш чораларидан бири ҳар бир жароҳатни антисептик ва асептик чора ларини қуриш. Махсус профилактикаси антитоксик зардоб ва анатоксин. Махсус вакцина АКДС болаларда 2,3,4,1 ёш 6 ойлигида, 7, 16 ёшларида қилинади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтинг 22- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал қизиш-0,5

100% дан 1,5 балл.

86-100	Аъло	22-машгулот. «Кокшол ва газли гангрена қасалликларининг микробиологик диагностикаси. Кокшолнинг чакалок болаларга юқиши ва кечиши». Кокшол ва газли гангрена қасалликлари тугрисида тасаввурга эга бўлиши. Кузгатувчиларининг умумий характеристикаси, қасалликларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб бериши. Бу қасалликлар диагностикаси тугрисида мустақил мушоҳада юритиши. Қасалликларни олдини олишни билиши ва уз амалий фаолиятида қулай олиши. Тупрок эқилган Китта-Тароцци муҳитидан суртма тайёрлаш ва грам усулида бўяб, микроскоп остида анаэроб қасал қузгатувчиларини аниқлаши, шаклини қизиши, характерлаб бериши керак.
71-85	Яхши	Кокшол ва газли гангрена қасалликларининг патогенези тугрисида мустақил мушоҳада юритиши. Микробиологик диагноз қуйиш усулларини билиши чакалоқларга кокшолнинг юқиши уни олдини

		олиш йуллари тугрисида маълумотларга эга булиши ва амалиётда олган билимларини куллай олиши.
55-70	Кони-карли	Кокшол ва газли гангрена касалликлари тугрисида тушунчага эга булиши, касалликларга ташхис куйиш усуллари айтиб бериши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Хеч кандай тасаввурга эга эмас.

22 - МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- КОКШОЛ КЛОСТРИДИЯСИ
 - НОЗИК ГРАММУСБАТ ТАЕКЧАЛАР
 - ОРГАНИЗИМДА КАПСУЛА ХОСИЛ КИЛАДИ
 - УГЛЕВОДНИ АКТИВ ПАРЧАЛАЙДИ
 - ХАРАКАТЧАН ЭМАС
 - ЭНДОТОКСИН ХОСИЛ КИЛАДИ
- КОКШОЛ КУЗГАТУВЧИСИННИНГ ХОСИЛ КИЛАДИГАН ТОКСИНИ
 - ТЕТАНОСПАЗМИН
 - ЭНТЕРОТОКСИН
 - НЕКРОТОКСИН
 - ЭНДОТОКСИН
 - ЭРИТРОГЕН ТОКСИН
- КОКШОЛНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ КУЙИДАГИЛАРГА БОГЛИК
 - ТОКСИНИНГ ПЕРИФЕРИК НЕРВ ОРКАЛИ ТАРКАЛИШИГА
 - КАСАЛЛИК ЕВВОЙИ ХАЙВОНЛАР ТИШЛАГАНДА ТАРКАЛАДИ
 - КУЗГАТУВЧИ ЗАРАРЛАНМАГАН ТЕРИ ОРКАЛИ КИРАДИ
 - КУЗГАТУВЧИ ТРАНСИМОССИВ ЦУЛ БИЛАН КИРАДИ
 - КУЗГАТУВЧИ АМИМЕНТЛАР ЙУЛ БИЛАН КИРАДИ
- КОКШОЛ КУЗГАТУВЧИСИ УСТИЛИЛАДИ
 - 42%ОПТИМАЛ ТЕМПЕРАТУРАДА
 - КАТЪИЙ АНАЭРОБ ШАРОИТДА
 - ЭНДО МУХИТДА
 - ЛЕВИН МУХИТДА
 - ИШКОРЛИ БУЛЬОНДА
- КОКШОЛ КУЗГАТУВЧИСИННИНГ ХОСИЛ КИЛАДИГАН ТОКСИНИ
 - ЭНТЕРОТОКСИН
 - НЕКРОТОКСИН
 - ЭНДОТОКСИН
 - ТЕТОНОЛИЗИН
 - ЭРИТРОГЕН ЗАХАР
- КОКШОЛ КУЗГАТУВЧИСИННИНГ ХУСУСИЯТИ
 - НАФАС ОЛИШИ КАТТИЙ АНАЭРОБ
 - ОЗУКА МУХИТИГА ТАЛАБЧАН ЭМАС
 - БИОХИМИЯВИЙ ЖИХАТДАН ФАОЛ
 - СЕКИН УСАДИ
 - ХИВЧИНЛАРИ БОР
- КОКШОЛНИ ДАВОЛАШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - МАХСУС ГАММА ГЛОБУЛИН
 - БАКТЕРИОФАГ
 - АНТИМИКРОБ ЗАРДОБ
 - ВАКЦИНА
 - АУТОВАКЦИНА
- КОКШОЛНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ БОГЛИК БУЛГАН ФАКТОРЛАР
 - КУЗГАТУВЧИНИНГ ТОКСИНИНИ ХАРАКАТ МАРКАЗИГА ТАЪСИР КИЛИШИ
 - КАСАЛЛИКНИНГ ЕВВОЙИ ХАЙВОНЛАР ТИШЛАГАН ЮКИШИГА
 - КУЗГАТУВЧИНИНГ ЗАРАРЛАНМАГАН ТЕРИ ОРКАЛИ ЮКИШИГА
 - КУЗГАТУВЧИНИНГ БУРУН ОРКАЛИ КИРИШИГА
 - КУЗГАТУВЧИНИНГ ОГИЗ ОРКАЛИ КИРИШИГА
- ГАЗЛИГАНГРЕНАНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛ
 - БАКТЕРИОЛИЗ РЕАКЦИЯСИ
 - СОФ КУЛЬТУРА АЖРАТИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯ КИЛИШ

В. ОК СИЧКОНЛАРНИ ЗАРАРЛАНТИРИШ

Г. ТУПРОКНИ МИКРОСКОПДА КУРИШ

Д. НАЖАСНИ МИКРОСКОПДА КУРИШ

.10.КОКШОЛНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ

А СТИ ВАКЦИНАСИ

Б БТЖ ВАКЦИНАСИ

СЕБЕН ВАКЦИНАСИ

Г. АҚДС ВАКЦИНАСИ

Д. Е ВАКЦИНАСИ

23- Машгулот

Бактериал респиратор инфекциялар. Бугма ва кукйуталнинг микробиологик диагностикаси.

Зсоат.

I.Максад;Юкори нафас йуллари каслликлари бугма, кукйутал кузгатувчилари билан , уларнинг биологик хусусиятлари ,махсус ва умумий профилактикаси билан таништириш.

II.Вазифаси.Талабаларни юкори нафас йуллари инфекциялари билан таништириш.

III.Куриб чикиладиган саволлар.

- 1.Бугма, кукйутал, кузгатувчилари.
- 2.Антиген ва биологик хусусиятлари.
- 3.Бугма кузгатувчиси таёкчаси ва нопатоген турларидаги фарки.
- 4.Кукйутал ва поракукйуталнинг бир-биридан фарки.
- 5.Уларнинг микробиологик диагностикаси.
- 6.Махсус профилактикаси ва давоси.

Укитувчи мулохазалари.

Дифтерия коринобактериялари.

Морфологияси. *Corynebacterium diphteriae* - тугри ёки бир оз букилган граммусбат таёкча булиб, узуниги 1-8 мкм, эни 03-08 мкм. Полиморф, спора, капсула хосил килмайди. Харакатсиз хивчинлари йук. Граммусбат.

Усиши. Дифтерия бактерияси аэроб ёки факультатив анаэроб, улар 37 С (чегараси 15-40 С) хароратда, рН 7,2-7,6 булганда оксилли агарли мухитларда ва кандли бульонларда яхши усади. Дифтерия коринобактериялари 16-18 соатда усиб чикади. Колонияларнинг куриниши буришган терини эслатади. Дифтерия бактерияси усиши ва биокимёвий хусусиятларига кура уч хил биологик вариантлар: *gravis*, *mitis*, *intermedius* га булинади.

Ферментатив активлиги. Дифтерия коринобактериялари глюкоза, мальтоа ва левулёзани кислота хосил килиб парчалайди. Галактоза, декстрин, глицеринларни баъзан парчаламаслиги хам мумкин. Сутни ивитмайди, индол хосил килмайди, водород сульфидни камрон ажратади. Нитритларни нитритларга кайтаради.

Токсин хосил килиши. Дифтерия коринобактерияси суюк озик мухитларида кучли экзотоксин хосил килади. Экзотоксин уз навбатида гистотоксин, дермонекротоксин ва гемолизин фракцияларидан ташкил топган. Дифтерия экзотоксини физик ва кимёвий омиллар таъсирига чидамсиз, шунинг учун температура, ёруглик, кислород таъсирида парчаланади.

Антиген тузилиши. Коринобактерияларда температурагача чидамсиз, юзаки, махсус оксил К-антигенлари ва гурухларга хос температурага чидамли соматик полисахарид О-антигенлари аникланган. Коринобактерияларда 19 хил фаготиплар булиб, улар ёрдамида инфекциянинг манбаи аникланади, культураларни идентификация килишда фойдаланилади.

Чидамлилиги. Дифтерия коринобактериялари ташки мухит таъсирига чидамли. Улар турли буюмларда 15 кунгача, сут ва сувда 6-20 кунгача, куз ва бахорда эса буюмларда 5,5 ойгача, бемордан олинган материалда ҳам узок сақланади. Коринобактериялар кайнатилганда, бир дақиқада 60 С ҳароратда киздирилганда 10 дақиқада улади. Дезинфекцияловчи моддалар эритмалари уларни бир неча дақиқада улдиради.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Дифтерия коринобактериялари от, сигир ва итлардан ажратиб олинган, уларга бемор ва бактерия ташиб юрувчи одамлардан юккан булиши мумкин, чунки табиий шароитда хайвонлар дифтерия билан касалланмайди.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Инфекция манбаи бемор ёки бактерия ташиб юрувчи одам ҳисобланади. Касаллик ҳаво-томчи, чанг оркали юкади, аммо турли уйинчок, идиш-товок, китоб ва бошка буюмлар, шунингдек дифтерияга кузгатувчиси тушган озик-овкатлар оркали ҳам юкиши мумкин. Дифтерия коринобактериясининг кирган жойи (Томок, куз, трахея, кулок, бурун, тери, жинсий аъзолар ва бошкалар) маҳаллий яллигланиш ривожланиб парда ҳосил булади.

Иммунитет. Дифтериядан сунг антитоксик иммунитет пайдо буладиЮ, аммо у кучли эмас, шунинг учун 6-7 % болалар кайтадан касалланишлари мумкин. Лаборатория ташхиси. Касаллик ташхиси асосан, бактериоскопик ва бактериологик усуллар ёрдамида аникланади. Текшириш учун дифтерик парда, Томок, бурун, вульва, куз конъюнктиваси, теридан, бактерич ташиб юрувчилардан эса томон ва бурун шиллик каватидан стерил тампон Билан материал олинади. Текширилувчи материал - маҳсус селектив мухитларнинг бирига, масалан, ивитилган зардоб ёки теллуритли агарга экилади, бунда 12-48 соат давомида микробларнинг колониялари пайдо булади, улардан соф культура олиниб идентификация қилинади.

Давоси. Беморга клиник белгиларига кура ташхис қуйилгандан сунг, уртача огирликдаги дифтерияда 5000-15000 ХБ ёки унинг огир шаклларида 30000-50000 ХБ антитоксин зардоби юборилади.

Профилактикаси. Маҳсус профилактикаси бир неча хил вакциналар билан утказилади. Шу мақсадда АДЧС-СМ адсорбция қилинган, АКДС - адсорбция қилинган қукйутал, дифтерия, кокшол вакцинаси ишлатилади.

Қукйутал кузгатувчиси.

Қукйутал кузгатувчисини Бельгиялик Ж.Борде ва О.Жангулар 1906 йили кашф этишган.

Морфологияси. Қукйутал кузгатувчисининг коккобактериялар майда, калта, таёкча шаклида булиб, икки учи бировз букилган, узунлиги 0,5-1,2 мкм, эни 0,2-0,4 мкм. Спора ҳосил қилмайди, хивчинлари йук, ҳаракатсиз.

Грамманфий.

Усиши. Қукйутал микроби катъий аэроб, оддий озик мухитларида усмайди. Кузгатувчини қупайиши учун 35-37 С (усиш чегараси 20-38 С) ҳарорат ва 6,8-7,4 рН жуда қулай ҳисобланади. Озик мухитда 24-72 соатдан сунг майда, буртган, симоб томчиларига ухшаш ялтирок қора рангли колониялар ҳосил қилади.

Янги ажратиб олинган кукйутал микроблари майда, диаметри 1-2 мкм, алтирок четлари текис буртган S-шаклидаги колониялар (1-2 фаза) ва эски култураси эса аксинча, йирик, диаметри 3-4 мкм булган, четлари нотекис, ясси R-1 шаклидаги колониялар (3-4 фаза) хосил килади.

Ферментатив хусусияти буйича фаол эмас. Канд, оксил ва мочевиначарни парчаламайди. Каталаза хосил килади.

Токсин хосил килиши. Кукйутал кузгатувчиси температурага чидамсиз токсин ишлаб чикаради. Гисталинга сезгир ва лимфоцитозни тезлатувчи моддалар ажратади. Бу токсин оксилдан иборат булиб, некроз, геморрогия ва дегенератив узгаришлар вужудга келади.

Антиген тузилиши. Bordetella уругига мансуб бактериялар О антиген ва турли махсус агглютининларга эса. Pertussis турига агглютиноген-1, paraptussus га-14, B/bronchisepticis-12 агглютининлар хос.

Чидамлилиги. Кукйутал ва паракукйутал кузгатувчилари физик ва кимёвий омиллар, шунингдек ташки мухитга чидамсиз, куёш нури ва дезинфекция моддалар таъсирида тезда улади.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Кукйутал билан табиий шароитда хайвонлар касалланмайди. Аммо касалликни тажриба мақсадида маймун, мушукларда хосил килиш мумкин.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Касаллик манбаи факат бемор ёки микроб ташувчи одам хисобланади. Кукйутал билан асосан болалар касалланади. Касал бола йуталганда аксирганда хавога таркалган майда балгам ва шиллик томчиларидаги кукйутал таёкчаси соғлом боланинг нафас йуллари оркали организмга киради.

Касалликнинг 4 даври ажратилади. 1) яширин даври, 2) катарал даври) 3) бугилиб йуталиш, 4) соғайиш даври.

Иммунитет. Кукйутал бир умрга иммунитет колдиради. Буюморнинг конида агглютинин, преципитин, комплементни бириктирувчи антителолар пайдо булади.

Лаборатория ташхиси. Текшириш учун, асосан, бактериологик усул кулланилади. Шу мақсадда бемордан балгам ёки халкумдан, бурундан шиллик мода олиниб Борде-Асангу, сутли конли ёки гидролизат-казеинли, казеин кумирли мухитларга экилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан муваққат ишини баҳолаш рейтингини 23- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,3

100% дан 1,3 балл.

86-100	Аъло	23-машгулот. «Бактериал респиратор инфекциялар. Бугма ва кукйутал касалликларининг микробиологик диагностикаси». Респиратор инфекциялар тугрисида тушунча булиши. Бугма ва кукйутал касалликлари кузгатувчиларининг умумий характеристикасини билиши, бу касалликларни болалар орасида узига хослигини тушунтириб бериши. Касалликларнинг юкиш йуллари, патогенези иммунитетни тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Уз амалий фаолиятида бу касалликларга барвакт ташхис куйишни билиши ва куллай олиши. Кукйутал микроблари усган Казеин кумирли мухитни куриши, микроб колонияларининг ранги, шакли, таркибини тасвирлаб бериши керак. Бу касалликнинг профилактикаси учун кулланиладиган АКДС вакцинасининг таркиби, режа асосида юбориладиган вақтини айтиб бериши лозим.
71-85	Яхши	Бугма ва кукйутал касалликларининг патогенези, диагноз куйиш учун олинадиган махсулотларни билиши ва уз амалий ишида бу усулларни куллай олиши. Касалликларни олдини олиш чоратадбирларини билиши ва тасаввурга эга булиши.
55-70	Кони-карли	Бугма ва кукйутал касалликлари билан кайси ёшдаги болалар касалланиши тугрисида тасаввурга эга булиши. Касалликни профилактикасини билиши ва айтиб бериши.
0-54	Икки	Тасаввурга эга эмас. Жавоб йук.

23 - МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. БУГМА КУЗГАТУВЧИСИГА ХОС БЕЛГИЛАР
 - А. ВАЛЮТИН ДОНАЧАЛАРИ БОР
 - Б. ГРАММАНФИЙ БУЯЛАДИ
 - В. СПОРАСИ БОР
 - Г. КИСЛАТАГА ЧИДАМЛИ
 - Д. КАПСУЛА ХОСИЛ КИЛАДИ
2. БУГМАНИНГ СПЕЦИФИК ДАВОСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. АНТИТОКСИК ЗАРДОБ
 - Б. АНАТОКСИН
 - В. АНТИБИОТИКЛАР
 - Г. ЭКЗОТОКСИН
 - Д. БАКТЕРИОФАГ
3. КУКЙУТАЛ КУЗГАТУВЧИСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР
 - А. ОЗУКА-МУХИТГА ТАЛАБЧАН
 - Б. БИОКИМЕВИЙ ЖИХАТДАН ФАОЛ
 - В. ТЕЗ УСАДИ
 - Г. ОЗИК-МУХИТГА ТАЛАБЧАН ЭМАС
 - Д. АНАЭРОБ НАФАС ОЛАДИ
4. КУКЙУТАЛГА МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОЗ КУЙИШ
 - А. КОМПЛЕМЕНТНИ БОГЛАШ РЕАКЦИЯСИ КУЙИЛА ДИ
 - Б. СИЙДИК ЭКИЛАДИ
 - В. КОН ЭКИЛАДИ
 - Г. ТЕКШИРИЛУВЧИ МАТЕРИАЛ МИКРОСКОП ОСТИ ДА КУРИЛАДИ
 - Д. ЙИРИНГ ЭКИЛАДИ
5. КУКЙУТАЛНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН НИМА КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. УЛДИРИЛГАН КУКЙУТАЛ МИКРОБИДАН ТАЙЕРЛАНГАН ВАКЦИНА
 - Б. БАКТЕРИОФАГ
 - В. АНТИБИОТИКЛАР
 - Г. ТИРИК ВАКЦИНА
 - Д. АНАТОКСИН

6. КУКЎУТАЛНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН НИМА КУЛЛАНИЛАДИ
- А. УЛДИРИЛГАН КУКЎУТАЛ МИКРОБИДАН ТАЙЕРЛАНГАН ВАКЦИНА
 - Б. БАКТЕРИОФАГ
 - В. АНТИБИОТИКЛАР
 - Г. ТИРИК ВАКЦИНА
 - Д. АНАТОКСИН
7. КУКЎУТАЛ ВА ПАПАКУКЎУТАЛНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ.
- А. АКДС
 - Б. ТАБТЕ
 - В. БЦЖ
 - Г. ТИРИК ВАКЦИНА
 - Д. КИМЕВИЙ ВАКЦИНА
8. КУКЎУТАЛ ВА ПАРАКУКЎУТАЛ МИКРОБЛАРНИ КАНДАЙ МУХИТДА УСТИРИЛАДИ
- А. БОРДЕ-ЖАНГУ МУХИТИ
 - Б. ЭНДО
 - В. ЛЕВИН МУХИТИ
 - Г. ЛЕВЕНШТЕЙН МУХИТИ
 - Д. ТУХИМ САРИГИ КУШИЛГАН ТУЗЛИ АГАРДА
9. КУКЎУТАЛДА ИММУНИТЕТ
- А. КУЧЛИ,УЗОК МУДДАТГА ЕТАДИГАН
 - Б. НОСТЕРИЛЬ
 - В. КУЧСИЗ
 - Г. БУЛМАЙДИ
 - Д. КАЙТА КАСАЛЛАНИШДАН ХИМОЯ КИЛМАЙДИ
10. КУКЎУТАЛ УЧУН ХАРАКТЕРЛИ БЕЛГИЛАР
- А. КАСАЛЛИК ЦИКЛИК УТАДИ
 - Б. АЛИМЕНТАР ЙУЛ БИЛАН ЮКАДИ
 - В. ЙУЛДОШ ОРКАЛИ ЮКАДИ
 - Г. ИММУНИТЕТ КУЧСИЗ
 - Д. ИНФЕКЦИОН МАНБАИ БУЛИБ ХАЙВОНЛАР ХИСОБЛАНАДИ

24- машгулот.

I.Мавзу; Микобактериялар. Сил ва маховнинг микробиологик диагностикаси, болаларда туберкулин синамасини куйиш.

3-соат

II.Максад; Талабаларни сил кузгатувчилари ,уларнинг биологик хусусиятлари,махов кузгатувчилари,юкиш йуллари, диагностикаси, давоси ва махсус профилактикаси.

III.Куриб чикиладиган саволлар

- 1.Сил ва Мохов кузгатувчилари, биологик хусусиятлари.
- 2.Болаларга юкиш йуллари.
- 3.Сил ва Мохов кузгатувчиларининг микробиологик диагностикаси.
- 4.Сил ва маховнинг махсус профилактикаси ва давоси.

Укитувчи мулохазалари.

Сил кузгатувчиси

Сил кузгатувчиси *Mycobacterium tuberculosis* ни Р.Кох 1882 йили топган ва у касалликнинг патогенези, иммунитети ҳамда бошқа хусусиятларини урганган.

Морфологияси. Сил кузгатувчиси ингичка, тугри ёки бир оз букилган таёкчасимон, шунингдек ипсимон, шохланган, шарсимон, филтрдан утувчи ва Л шаклларда булади. Узунлиги 1-4 мкм ва кенглиги 0,3-0,6 мкм. Улар махсус кислота ва ишкорларга чидамлилиги туфайли Циль-Нильсон усулида буялади. Сил микобактериялари микол ва бошқа мой кислоталари ҳамда фосфотидлар мавжудлиги туфайли кислотага чидамли, таркиби найсимон липидлар, мумсимон моддаларга бой булади.

Устирилиши. Сил микобактериялари озик мухитларга талабчан, улар мураккаб таркибга эга булган махсус озик мухитларда аэроб шароитда усади. Сил микобактериялари рН 7,0-7,4 булган, глицеринли, картошкали, тухумли, озик мухитларда, айникса Левенштейн-Йенсен, Петраньяни, Виноградов ва синтетик озик мухити Сотонда яхши усади. Кузгатувчи 20-30 кун давомида жуда секинлик билан усади. Каттик озик мухитларида сил микобактериялари курук, бужмайган, гадир-будур, четлари нотекис, R-колониялар хосил килиб усади.

Ферментатив хусусиятлари. Улар оксилларни парчалайдиган протеолитик ферментлар ишлаб чикаради. Каталаза фаоллигига эга булиб, глицерин, спирт ва бир канча углеводларни лецитин, фосфатидлар, мочевиначаларни, зайтун ва канакунжут мойларини ҳам парчалайди.

Токсин хосил килиши. Сил микобактериялари эндотоксин хосил килади. 1890 йилда Р.Кох туберкулин препаратини кашф этди, уни Кохнинг эски туберкулини деб аталди. Бу препаратни сил микобактериясининг 5-6 хафталик эски глицеринли суюк мухитдаги культурасини филтрлаб, куритиб олинган. Янги формасида эса куритилган микобактериялар 50 % глицеринда гомоген холатгача аралаштирилиб олинади. Бу препаратлар тери-аллергик синамаларни куйишда кулланилади. Сил бактериялари юккан одамларга билак терисига ёки тери орасига бу препарат юборилса, уша ерда махаллий узига хос реакция, яъни кизариш ва инфилтрат хосил булиши кузатилади. (Пирке ва Манту реакциялари).

Антигенлик хусусияти. Микобактериядаги оксил полисахарид бирикмалари амда липид компонентлари антигенлик хусусиятига эга. Полисахарид, фосфатид антителоларнинг спецификлиги КБР, БилГАР, гелдаги преципитация реакциялари ёрдамида аникланади.

Чидамлилиги. Сил бактериялари бошқа микроорганизмларга нисбатан ташки мухит омиллари таъсирига бирмунча чидамли. Улар тупрокда 6 ойгача, окар сувларда бир йилгача, куриган балгамда 20 ойгача, сариёгда 8 ой, пишлокда 6-7 ой, китоб варақларида 3 ойдан ортик сакланади. Лекин куёш нури таъсирига сезгир, 100-120 С хароратда тезда халок булади.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Одамлар хайвон формаларидан корамол куп касаллик келтиради. 90 % гача.

Одамлардаги патогенези. Касаллик аэроген йул Билан юкканда, касаллик учоги купинча упкада юзага келади. Алиментар йул Билан эса ичакдаги мезентерал лимфа тугунларида пайдо булади.

Иммунитети. Одамларда силга Карши иммунитет, улар организмнинг табиий чидамлилигига куп жихатдан боглик. Сил касаллигида ривожланадиган суст ута сезувчанликни туберкулин синамалари хосил булган антителаларни эса бир канча серологик реакциялар ёрдамида аникланади.

Лаборатория ташхиси. Асосан бактериоскопик, бактериологик, серологик, биологик ва аллергик усуллардан фойдаланилади. Текшириш учун олинадиган материаллар сил касаллигининг клиник шаклига асосланиб, балгам, сийдик, йиринг, орка мия суюклиги ва бошқалар олинади.

- 1) Олинган материалъ Циль-Нильсен усулида буялади.
 - 2) Бактериологик усулда текшириляётган материал Левенштейн-Йенсен мухитига экилади, усиши 2-12 хафтадан сунг кузатилади.
 - 3) Биологик метод Билан ок сичкон, денгиз чучкачаларида синама утказиш хисобланади.
 - 4) Серологик текширишда КБР, гемагглютинация реакцияси яхши натижа беради.
 - 5) Аллергик синама, Пирке ва Манту реакцияси.
- Даъвоси. Сил касаллигини даволашда антибиотиклардан фойдаланилади.

Олдини олиш. Эрта касалликни аниклаш, диспансер учетиға олиш. Яша шва социал шароитини яхшилаш, календарт буйича БЦЖ вакцинаси Билан болаларни эмлаш.

Мохов касаллигини кузгатувчиси.

Мохов кузгатувчисини Норвегиялик шифокор А.Хансен 1874 йилда кашф этган.

Морфологияси. Мохов микобактериясини тугри ёки бир оз эзилган таёкча шаклида булиб, узунлиги 1-8 мкм, эни 0,2-0,5 мкм, бир учи иккинчисига нисбатан йугонрок булиши мумкин. Улар хужайра ичига кириб каттик шарсимон тугунчалар хосил килади ва бир бири Билан зич ёпишиб жойлашади. Спора ва капсула хосил килмайди, харакатсиз, ЦильНильсен усулида кизил ранга буялади.

Усиши, Мохов таёкчалари сил кузгатувчилари усадиган озик мухитларда усмайди.

Ферментатив хусусияти. Моховнинг фермент хусусияти урганилмаган.

Токсин ҳосил қилиши. Улар эндотоксин ва аллерген моддаларни ажратади.

Антиген тузилиши тулик урганилмаган.

Чидамлилиги *M. leprae* ташки мухитга жуда чидамли.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Касаллик манбаи - бемор кузгатувчи аэроген, зарарланган тери, шиллик кават ва турли буюмлар орқали утади деган назариялар мавжуд.

Моховнинг 3 клиник хили тафовут қилинади.

Лепроматоз хил.

Туберкулоид.

Дифференцияланмаган, яъни ноаниқ хили.

Иммунитет. Касал одам макроорганизм иммун тизимига боғлиқ.

Лаборатория ташҳиси.

микроскопический окраска по Циль-Нельсен Билан.

Аллергик синама.

Серологик усулда КБР, гемагглютинация методи.

Даъвоси. Махсус амбулатор лепрозоналорд.

Профилактикаси. Махсус профилактикаси йук. Беморларни эрта аниқлаш.

Контактда бўлган беморларни изоляция қилиш.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтинг 24- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,2

100% дан 1,2 балл

86-100	Аъло	24-машгулат. «Сил ва мохов касалликларининг микробиологик диагностикаси. Болаларда туберкулин синамаларини қуйиш ва ахамияти». Сил ва мохов касалликлари кузгатувчилари тугрисида тулик тасаввурга эга бўлиши. Бу касалликларнинг патогенези, диагностикаси, давоси тугрисида мустақил мушоҳада юритиш. Бу касалликлар қандай йул билан юқиши, ва олдини олиш йулларини тугрисида тулик билиши ва айтиб бериши. Узининг мустақил ишида бу касалликларнинг эрта аниқлаш усулларини билиши ва амалда қўлай олиши. БЦЖ- вакцинасидан суртма тайёрлаш Цил-Нильсен усулида бўяш микроскоп остида қуриш ва шаклини чизиш. Микробларнинг жойлашиши, бўялиши, хоссаларини тушунтириб бериши лозим.
71-85	Яхши	Сил ва мохов касалликларига диагноз қуйиш учун олинадиган махсулотлар ва текшириш усуллари тугрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши. Болаларда қуйиладиган аллергия синаманинг ахамиятини тушуниши, айтиб бериши. Бу касалликларни даволаш ва олдини олишни билиши ва айтиб бериши.
55-70	Кони-карли	Сил ва мохов касалликларидан келиб чиқадиган асоратларни билиши ва даволаш учун қўлланиладиган препаратларни айтиб бериши. Бу касалликлар тугрисида тасаввурга эга бўлиши.
0-54	Икки	Тайёр эмас. Жавоб йук.

24 - МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. СИЛ КУЗГАТУВЧИСИ ОЧИЛГАН ЙИЛНИ КУРСАТИНГ
 - А. 1882 й
 - Б. 1885 й
 - В. 1880 й
 - Г. 1890 й
 - Д. 1895 й
2. СИЛ МИКОБАКТЕРИЯСИ
 - А. НОЗИК САЛ ЭГИЛГАН ТАЕКЧА
 - Б. ГРМ МАНФИЙ ТАЕКЧА
 - В. ТУХУМСИМОН ЭГИЛГАН ТАЕКЧА
 - Г. КИСЛОТАГА ЧИДАМСИЗ
 - Д. ХУЖАЙРА ИЧИДА ЖОЙЛАШАДИ
3. СИЛ КУЗГАТУВЧИЛАРИ УСТИРИЛАДИ
 - А. ГЛИЦЕРИН КАРТОШКАЛИ МУХИТДА
 - Б. ОДДИЙ ОЗУКА МУХИТЛАРИДА
 - В. ЭНДО МУХИТИДА
 - Г. ЛЕВИН МУХИТИДА
 - Д. КИТТА-ТАРОЦИ МУХИТИДА
4. СИЛ КАСАЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЮКИШ ЙУЛЛАРИ
 - А. ХАВО ТОМЧИ
 - Б. ТРАНСМИССИВ
 - В. ПАРЭНТЕРАЛ
 - Г. ХАЙВОНЛАР ТИШЛАГАНДА
 - Д. ХАЙВОНЛАР БИЛАН УЗОК МУЛОКАТДА БУЛГАНДА
5. МОХОВНИНГ ИНКУБАЦИОН ДАВРИ
 - А. 3-5 ЙИЛДАН ТО 20-35 ЙИЛГАЧА
 - Б. КИСКА МУДДАТЛИ
 - В. 3-5 КУН
 - Г. БИР ЙИЛ
 - Д. БИР ОЙ
6. МОХОВДА ИНФЕКЦИЯ МАНБАИ
 - А. БЕМОР ОДАМЛАР
 - Б. БЕМОР ХАЙВОНЛАР
 - В. УЙ ХАЙВОНЛАРИ
 - Г. КЕМИРУВЧИЛАР
 - Д. КУШЛАР
7. МОХОВ КУЗГАТУВЧИСИНИ ОЧГАН ОЛИМ
 - А. Г. ГАНСЕН
 - Б. Р. КОХ
 - В. МЕЧНИКОВ
 - Г. Л. ПАСТЕР
 - Д. ГАМАЛЕЯ
8. СИЛНИНГ СЕРОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН КУЙИЛАДИ
 - А. КАОЛИНЛИ-АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ
 - Б. РАЙТ РЕАКЦИЯСИ
 - В. ХЕДДЕЛВОЕН РЕАКЦИЯСИ
 - Г. ТАХМИНИЙ РЕАКЦИЯ
 - Д. АСКОЛИНИНГ ТЕРМОПРЕЦИПИТАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ
9. СИЛ МИКОБАКТЕРИЯСИНИНГ ХОССАЛАРИ
 - А. ГРАММАНФИЙ ТАЕКЧА
 - Б. ТУХУМСИМОН ТАЕКЧА
 - В. НОЗИК САЛ ЭГИЛГАН ТАЕКЧА
 - Г. КИСЛОТАГА ЧИДАМСИЗ
 - Д. ХУЖАЙРА ИЧИДА ЖОЙЛАШАДИ
10. МОХОВНИНГ ИНКУБАЦИОН ДАВРИ
 - А. 3-5 КУН
 - Б. 3-5 ЙИЛДАН ТО 20-35 ЙИЛГАЧА
 - В. 1 ЙИЛ
 - Г. 1 ОЙ
 - Д. КИСКА

25-машгулот..

I.Мавзу: Микоз касаликларининг (актиномикоз, чукур микоз, кандидомикоз, дерматомикозлар) микробиологик диагностикаси.

3-соат

II.Мақсад;Талабаларни актиномикоз, чукур микоз, кандидомикоз ,дерматомикоз кузгатувчилари,уларнинг биологик хусусиятлари,микробиологик диагностикаси билан таништирилади.

III.Вазифа.Талабаларни билишлари керак, касалликни юқумли йуллари, болаларда кечиши, махсус олдини олиш ва даволаш.

IV.Қуриб чиқиладиган саволлар.;

- 1.Актиномикоз ва чукур микозлар кузгатувчиларининг биологик хусусиятлари.
- 2..Касалликларнинг болаларга юкиш йуллари.
- 3.Кандидомикозлар. Биологик хусусиятлари.
- 4.Дермотомикозлар. Биологик хусусиятлари.
- 5.Кандидомикоз, дермотомикозлар касалликларининг микробиологик диагностикаси.
- 6.Олдини олиш, даволаш.
- V.Укитувчи мулохазалари.

Патоген актиномицетлар.

Актиномицетлар бир хужайрали микроорганизмлар булиб, Actinomycetales тартибига ва Actinomycetaceae оиласига киради.

Актиномицетлар септасиз мицелийлардан, яъни шохланувчи, ингичка, узунлиги 100-600 мкм, яъни 1,0-2,5 мкм булган ипчалардан иборат. Улар грам усули билан мусбат, умуман анилин буёклари билан яхши буялади. Актиномицетлар спора хосил қилиб, ипчалари майда булакчаларга ажралиб, куртакланиб ва булиниб жинссиз купаяди.

Усиши. Актиномицетлар - факультатив анаэроб, уларнинг усиши учун 35-37 С қулай ҳарорат ҳисобланади. 24 соатдан сунг каттик муҳит юзасида майда колониялар, 7-14 кундан сунг эса, йирик полиморф, силлик ёки гадир будур кулранг сарғиш, юмшоқ, бир хил оқ, духобага ухшаш колониялар ҳосил қилади. Колониялар озик муҳитнинг ичига кирган ва ташқарисида ҳам булиши мумкин. Колониялар хаворанг, жигарранг, кизил, яшил ва бошқа рангда бўлади.

Токсин ҳосил қилиши тулик урганилган эмас.

Антиген тузилиши. Актиномицетлар хужайра деворидаги антигенлар турига хос булиб, бу антигеннинг спецификлигига қура барча актиномицетлар 5 та серогуруҳга бўлинади.

Чидамлилиги. Актиномицетлар ташки муҳитга, жумладан юқори ҳарорат таъсири қуритиш ва қуёш нрига чидамли, 60 С да киздирилганда 1 соат сакланади.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Актиномицетлар қуй, эчки ва қорамолларда чучка, от, ит, қуён ва бошқа хайвонларда сурункали касаллик келтириб чиқаради.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Касаллик манбаи қуён, эчки ва қорамоллар, ёввойи хайвонлар, ит, чучка, от, қуён, шунингдек тупроқ усимликлари ва бошқалар ҳисобланади. организмга кирган антимиоцетлар, шу жойдан тери остидаги бириктирувчи туқималар, мускуллар орасидаги бушликлар ҳамда қон ва лимфа орқали тарқалади.

Иммунитети. касалликни бошидан кечирган бемор организмда қучли, тургун, узок давом этадиган иммунитет ҳосил бўлмайди, шу сабабли киши қайта касалланиши мумкин.

Лаборатория ташҳиси.

1. Актиномикозда ярадан чиккан йирингдан суртма тайёрланади.

2. Йиринг кандли булонга (pH 6,8) конли, зардобли гушт пептонли агарларга, Сабууро мухитига аэроб ва анаэроб шароитларда экилади ва соф культура ажратиб олиниб, культурал, биокимёвий хусусиятлари идентификация килинади.

3. КБРси бемор зардобли билан куйилади.

4. Акциномицетларнинг экстрактлари билан тери аллергик синама куйилади. Давоси ва профилактикаси.

Касалликни махсус давосида актинолизатлар, 6-8 та штамлардан тайёрланган поливалент акциномицет вакцина кулланилади. Касалликнинг олдини олиш учун шахсий гигиенага катъий риоя килиш, тери ва шиллик каватларни турли жарохатлардан асраш, томок, огиз бушлиги, тишларни касалланишдан саклаш керак.

Чукур бластомикозларнинг кузгатувчилари.

Vuptyococcus neoformans одамларда чукур бластимокоз касаллигини чакиради. одамда упка, мия, мия пардаси, ичак, тери, тери ости клетчатка, лимфа безлари суяк системасини шикастлайди.

Лаборатория ташхиси. Микроскопик, бактериологик, тери аллергик синома куйилади.

Профилактикаси. Умумий ва шахсий гигиенага риоя килиш керак.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини бахолаш рейтинги 25- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,5

100% дан 2,5 балл.

86-100	Аъло	25-машгулот. «Микоз касалликларининг (антиномикоз, кандидомикозлар, дерматомикозлар) микробиологик диагностикаси». Микозлар тугрисида аниқ тасаввурга эга булиши.бу касаллик кузгатувчиларининг умумий характеристикаси, устирилиши, касалликнинг юкиш йуллари, патогенезини билиши. Мустакил мушохада юритиши. Бу касалликларни олдини олиш, даволашни тулик билиши ва амалий иш фаолиятида куллай олиши. Касалликлар тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Кандида замбуруглари культурасидан суртма тайёрлаши, Грам усулида буяб, микроскоп остида куриши, шаклини чизиши керак. Кандида замбуругларининг бошка замбуруглардан фаркини тушунтириб бериши лозим.
71-85	Яхши	Микоз касалликларида инфекция манбалари, юкиш йуллари, патогенези тугрисида мустакил мушохада юритиш. Бу касалликни уз вақтида даволамаса келиб чикадиган асоратларнинг мохиятини тушунтириши. Касалликларга диагноз куйиш усуллари айтиб бериши. Амалиётда куллай олиши.
55-70	Кони-карли	Микоз касалликларини мохиятини тушунтириши ва қисман тасаввурга эга булиши. Диагноз куйиш учун олинadиган махсулотларни билиши.
0-54	Икки	Тайёр эмас. Тасаввурга эга эмас.

25 – МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. КАНДИДА ЗАМБУРУГИНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ХУСУСИЯТИ
 - А. КУРТАКЛАНИБ ВА БУЛИНИБ КУПАЯДИ
 - Б. МИЦЕЛИЙЛАРИ БОР
 - В. СЕПТАЛАНГАН ГИФЛАРИ БОР
 - Г. ЖИНСИЙ ЙУ БИЛАН КУПАЯДИ
 - Д. СПОРА ХОСИЛ КИЛИБ КУПАЯДИ
2. ДЕРМАТОЦЕТЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
 - А. САПТАЛАНГАН МИЦЕЛИЙЛАРИ БОР
 - Б. КАПСУЛАСИ БОР
 - В. ХИВЧИНЛАРИ БОР
 - Г. КИПРИКЧАЛАРИ БОР
 - Д. ВОРСИНКАЧАЛАРИ БОР
3. ДЕРМАТОМИЦЕТЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН БУЛИШИ ШАРТ
 - А. 37⁰ТЕМПЕРАТУРА
 - Б. 28⁰ТЕМПЕРАТУРА
 - В. АНАЭРОБ ШАРОИТ
 - Г. УГЛЕКИСЛОТА
 - Д. УСИШ ФАКТОРЛАРИ
4. 6 ОЙГАЧА БУЛГАН БОЛАЛАРДА ЭНГ КУП УЧРАЙДИГАН МИКОЗЛАР
 - А. КАНДИДОЗ
 - Б. ЭПИДЕРМОФИТИЯ
 - В. КАЛ ЯРА
 - Г. АКТИНОМИКОЗ
 - Д. ТРИХОФИТИЯ
5. ДЕРМАТОМИКОЗЛАРНИ БЕЛГИЛАНГ
 - А ТРИХОФИТИЯ, КАЛ ЯРА
 - Б МОЛОЧНИЦА
 - В БЛАСТОМИКОЗ
 - Г СТАФИЛОДЕРМИЯ
 - Д СКЛЕРОДЕРМИЯ
6. ДЕРМАТОМИКОЗ БИЛАН ОГИГАН БЕМОРЛАРДАН ОЛИНГАН МАТЕРИАЛНИ МИКРОСКОПДА КИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ

- А ГРАМ УСУЛИДА БУЯШ
 - Б ЦИЛЬ-НИЛСОН УСУЛИДА БУЯШ
 - В НИКИФИРОВ СУЮКЛИГИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛАДИ
 - Г 10% КОН БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛАДИ
 - Д ГЛИЦЕРИН ВА СПИРТ АРАЛАШМАСИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛАДИ
7. ДЕРМАТОМИЦЕТЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИГАН ОЗУКА МУХИТИ
- А ИШКОРЛИ АГАР
 - Б САБУРО МУХИТИ
 - В ЭНДО МУХИТИ
 - Г ЛЕВИН МУХИТИ
 - Д РАПОПОРТ МУХИТИ
8. ДЕРМАТОМИКОЗЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
- А УЛДИРИЛГАН ВАКЦИНА
 - Б КУЧСИЗЛАНТИРИЛГАН ВАКЦИНА
 - В АНАТОКСИН
 - Г ШАХСИЙ ГИГИЕНАГА РИОЯ КИЛИШ
 - Д АНАТОКСИН ЗАРДОБ
9. ДЕРМАТОМИКОЗЛАРНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ДИАГНОСТИКАСИ
- А СОЧ,ТИРНОК ВА КАТИРМОЧЛАР МИКРОСКОПДА КУРИЛАДИ
 - Б АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ КУЙИЛАДИ
 - В ПРЕЦИПИТАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ КУЙИЛАДИ
 - Г БИОСИНАМА
 - Д АЛЛЕРГИК СИНАМА
10. ДЕРМАТОМИКОЗ БИЛАН ОГРИГАН БЕМОРЛАРДАН ОЛИНГАН МАТЕРИАЛНИ МИКРОСКОПДА КУРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
- А. ГРОМ УСУЛИДА БУЯШ
 - Б. ЦИЛЬ НИКОЛЬСОН УСУЛИДА БУЯШ
 - В. НИКИФИРОВ СУЮКЛИГИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛАДИ
 - Г. 10% КОН БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛАДИ
- ГЛИЦЕРИН ВА СПИРТ АРАЛАШМАСИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИ

26-машгулот.

Мавзу: Ута хавфли юкумли касалликлар. Вабо кузгатувчисининг микробиологик диагностикаси.

Максад: Талабаларни ута хавфли юкумли касаллик кузгатувчиси вабо вибрионларининг хусусиятлари микробиологик диагностикаси ва махсус профилактикаси билан таништириш.

Куриб чикиладиган саволлар:

1. Вабо кузгатувчиси, биологик хусусиятлари, Эль Тор вибрионинг узига хос хусусиятлари.
2. Текшириш учун материал олиш пайтида амал килиниши керак булган конун коидалар.
3. Махсус лабораторияда ишлаш коидалари.
4. Вабонинг микробиологик диагностикаси, тезкор усуллар.
5. Касалликнинг патогенези. касалликнинг давирлари кечиши.
6. Касал таркалган жойда олиб бориладиган чора тадбирлар вабонинг махсус профилактикаси учун кулланиладиган препаратлар.

Машгулот учун керакли жихозлар:

а) Таркатадиган материаллар тайёр буялган вабо кузгатувчисининг Грам усулида буялган суртмаси. вабонинг микробиологик текшириш схемаси диагноз куйишда, олдини олишда ва даволашда ишлатиладиган препаратлар.

б) Савол: Вабосимон нопатоген вибриондан суртма тайерлаш ва грамм усулида буяш .

Жавоб: Грамманфий таёкча булиб, учлари бир оз букилган вергул шаклида.

Савол: Вибрионнинг харакатини кузатиш учун кандай препарат тайёрлапнади?

Жавоб: Суюк мухитда устирилган культуранинг пардасидан олиб эзилган ёки остма томчи препарати тайёрланиб коронгилаштирилган микроскопда харакати курилади.

Савол: Вабонинг микробиологик диагностикаси кандай олиб борилади?

Жавоб: Олиб келинган материални 1% ли пептонли сувга ва ишкорли агарга экилади ва маълум бир тартибда текширилади.

"Бош миёга хужум" сценарийси асосида машғулоти ўтказиш.

Мавзу: Вабонинг микробиологик диагностикаси.

Танланган саволлар.

1. Ичак таёкчасидан вабо кузгатувчисини фарқлаб бериш, морфологияси, устириш усуллари озука муҳитлари.
2. Касалликнинг юкиш йуллари.
3. Касалликнинг тарқалишида роль уйнайдиган асосий манбалар?
4. Саволга берилган жавобларни тулдириш.

Ситуацион саволлар.

Лабораторияга вабо билан касалланган беморнинг қусук моддалари олиб келинди. Диагноз қуйиш учун қандай тезкор усулдан фойдаланиш мумкин?

Талабаларнинг мустақил шугилланишлари учун бериладиган саволлар.

1. Вабо вибрионининг морфологияси?
2. Антиген структураси ва культуралъ хусусиятлари.
3. Чидамлилиги ва токсигенлилиги?
4. Вабо касаллигининг микробиологик диагностикаси.
5. Махсус профилактикаси ва касалликни олдини олиш чоралари.

Дарс олиб боришда ишлатиладиган материаллар.

1. Таблица, касалликнинг клиник ҳолатини курсатувчи расмлар (Альгид формасида)
2. Бактериологик лаборатория текшириш схемаси.
3. Ута хавфли инфекцион касалликнинг олдини олиш чоралари схемаси чизилган таблица (ўқитувчи тушунтириб беради).

Текширилади.

1. Дафтарга чизилган вабонинг лаборатория диагностика схемаси.
2. Микроскоп билан ишлаш техникаси.

Талабаларни жавобларига қараб баҳолаш.

Ўқитувчи мулоҳазалари.

Касаллик кузгатувчиси *Vibrio Cholerae* ни илк бор 1954 йилда Пачини тасвирлаган, 1883 йилда Р.Кох эса уни тулик урганган. Кузгатувчи *Vibriaceae* оиласига *Vibrio* авлодига қаради ва 4 та биовардан иборат. Одамларда асосан *V.cholerae*, *V.eltor* биоварлари касаллик кузгатади. Морфологияси. Вабо вибриони вергулга ўхшаш, бир ози эгилган, вергул шаклида бўлиб, бўйи 1,5-3,0 мкм, эни 0,3-0,6 мкм, у бир хивчинли (монотрих), жуда тез ҳаракат қилади. спора ва капсула ҳосил қилмайди, грамманфий.

Ўсиши. Вабо вибриони факультатив анаэроб, у озука муҳитига талабчан эмас. 1 % пептонли сувда, рН 8,0 бўлганда, 18-37 °С да яхши ўсади. Аммо 14-42 °С да ҳам ўсиши мумкин. Вабо вибриони бошқа микроорганизмларга қараганда тез ўсиб, 1%лик пептонлик сувда 6 соат ичида нозик парда ҳосил қилиб ўсади. 1 % ли ишқорий агарда ўстирилганда ялтирок, шиша рангли тиник, бир ози каварик, четлари текис S-шаклидаги колониялар ҳосил қилади. Вабо вибриони диссоциацияланиб, S-шаклдан R шаклига ўтиши мумкин. Бу мутация натижасида содир бўлган жараёнда вибрионнинг антиген тузилиши, вирулентлик ва бошқа хусусиятларида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй беради.

Ферментатив хусусиятлари: Вабо вибриони кандларни кислота ҳосил қилиб, газсиз парчалайди, лактоза арабинозани секин 48 соатда парчалайди, ивителиган зардобни, желатинани эритади.

Токсин ҳосил қилиши: Вабо вибриони эндотоксин ва холероген эгзотоксинини ҳосил қилади. энтеротоксин касаллик потогенезида муҳим роль уйнайди. Вабо вибрионлари фибринолизин, гналурунидаза, коллагеназа, муциназа, лецитиназа протеиназа ва нейроминидазаларни ҳосил қилади.

Антиген тузилиши вабо вибриони асосан температурага чидамли соматик О ва температурага чидамсиз хивчинли Н антигенларга эга О антиген турга ва типларга спецификдир. Н антиген *Vibrio* уругидаги вибрионларга умумий вабо вибриони биоварлари 0-1 гуруҳига киради. бу гуруҳ уз навбатида 3 хил О антигендан (А, В, С) ташкил топган. Уларни комбинациясидан ўрта серовар Огава (А,В) Инаба (АС) гикошима (АВ,С)сероварлари бор.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. вабо билан табиий шароитда хайвонлар касалланмайди.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Касаллик манбаи бемор вибрион ташиб юрувчилар ҳамда вабонинг нотипик, симптомсиз хили билан касалланган кишилар ҳисобланади. вабони тарқатишда пашшаларнинг роли катта. вибрион одамларга сув, овқатлар, ифлосланган кул, турли зарарланган буюмлар орқали юқади. вабо касаллигининг яширин даври бир неча соатдан 6 кунгача давом этади. уни энтерит, гастроэнтерит, алгид, тез ривожланадиган куруқ, тифсимон клиник қуринишлари қайд этилади.

Иммунитети. вабодан соғайган кишиларда микробга, токсинга қарши кучли иммунитет ҳосил бўлади.

лаборатория ташхиси. лаборатория текширувлари махсус ўта хавфли инфекциялар учун мослаштирилган шароитда ўтказилади. текшириш учун нажас, қусук мурда аъзолари, сув, овқат маҳсулотлари олинади.

Текширув босқичма-босқич ўтказилади:

а) Бемор нажасидан суртма тайёрлаб, грам ёки фуксиннинг сувли эритмаси билан бўялади, микроскоп остида қурилади.

б) бемор нажасини 1 % пептонли сувга, ишқорий пептонли агарга (TCBS) агар) экиб- 6 соат термостатда сакланади. Пардадан осма томчи тайёрлаб, микроскопда қурилади.

в) ажратиб олинган культурани идентификация қилиш учун махсус огава. инаба зардоблари ёки 0 холеразардоблари билан кенгайтирилган агглютинация реакцияси қуёлади.

Иммунофлюоресценция реакцияси ҳам қўлланилади.

Даволаш Вабо касаллигида организмда қўп микдорда сув ва минерал тузлар чиқиб кетгани учун, организм сувсизланади, тузлар қамайиб кетади. Шунинг учун натрий ва калий эритмаларини қўпроқ юбориш яхши натижа беради. Антибиотиклар билан даволашда, ажратиб олинган вабо вибриони қандай антибиотикка таъсирчан эканлигини ҳисобга олиб, даволаш лозим.

Олдини олиш чоралари. Касалликнинг олдини олишда вабо ўчоғида қуриладиган чоралар.

1. Вабо билан касалланган беморни аниқлаш ва рўйхатга олиш, соғлиқни сақлаш ташкилотларига маълумот бериш.

2. Бемор ва вибрион ташиб юрувчиларни ажратиш, касалхонага ётқизиш.
3. Вабо учокларини дезинфекция қилиш.
4. Карантин эълон қилиш.
5. Сув манбаларини зарарланишдан химоя қилиш.
6. Махсус профилактикасида улдирилган вабо моновакцинаси ёки вабо анатоксини билан эмлаш.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтинги

26- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,3

100% дан 1,3 балл.

86-100	Аъло	26-машгулот. «Ута хавфли инфекциялар. Вабонинг микробиологик диагностикаси». Ута хавфли касалликлар тугрисида тушунчага эга бўлиш. Вабо кузгатувчиларининг умумий характеристикаси, классификацияси тугрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши. Вабонинг юкиш йуллари, патогенезини тулик билиши ва айтиб бериши. Касал чиккан ерда олиб бориладиган чора тадбирларни аниқ билиши ва мустақил равишда куллай олиши. Сув вибриони культурасидан суртма тайёрлаб, Грам усулида буяши, микроскоп остида қуриши, шаклини чизиши керак.
71-85	Яхши	Вабо касаллигида инфекция манбаи ва юкиш йулларини билиши. Касалликнинг даврлари ва патогенезини аниқ тасаввур қилиши. Текшириш учун олинadиган махсулотлар ва аниқлаш усулларини мустақил билиши ва айтиб бериши. Вабо чиккан жойда олиб бориладиган чора-тадбирларни амалий иш фаолиятида куллаши. Хашак таёкчаси устирилган бўлонли культурадaн «осма» ёки «эзилган томчи препаратларни тайёрлаб, микроб ҳаракатини кузатиш учун коронгиллаштирилган микроскопда қуриш.»
55-70	Кони-карли	Вабо касаллиги ҳақида қисман тасаввурга эга бўлиши. Беморларни даволашни билиши, айтиб бериши.
0-54	Икки	Жавоб йук. Тасаввурга эга эмас.

1. ЧУМАНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. ТИРИК ВАКЦИНА ЕҮ
 - Б. УЛДИРИЛГАН ВАКЦИНА
 - В. АНАТОКСИН
 - Г. КИМЪЕВИЙ ВАКЦИНА
 - Д. БЦЖ ВАКЦИНАСИ
2. ТУЛЯРЕМИЯ КУЗГАТУВЧИСИНИНГ MORFOЛОГИЯСИ
 - А. ГРАМ МАНФИЙ КОККОБАКТЕРИЯ
 - Б. СПОРА ХОСИЛ КИЛАДИГАН ТАЕКЧА
 - В. ГРАМ МУСБАТ ТАЕКЧА
 - Г. ХАРАКАТЧАНГ
 - Д. КИПРИКЧАЛАРИ БОР
3. ТУЛЯРЕМИЯНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН
 - А. ТЕРИДА АЛЛЕРГИК СИНАМА КУЙИЛАДИ
 - Б. ЙИРИНГНИ МИКРОСКОПДА КУРИЛАДИ
 - В. БЕМОР НАЖАСИНИ ЛЕВИН МУХИТИГА ЭКИЛАДИ
 - Г. КБР КУЙИЛАДИ
 - Д. БЕМОР НАЖАСИНИ МИКРОСКОПДА КУРИЛАДИ
4. ТУЛЯРЕМИЯНИНГ ЮКИШ ЙУЛЛАРИ
 - А. ТРАНСМИССИВ ЙУЛ БИЛАН
 - Б. ХАВО ТОМЧИ ОРКАЛИ
 - В. БЕМОР ОДАМ БИЛАН КОНТАКДА БУЛГАНДА
 - Г. ПАРЭНТЕРИАЛ ЙУЛ БИЛАН
 - Д. ЖИНСИЙ ЙУЛ БИЛАН
5. ВАБОНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. БЕМОРНИНГ НАЖАСИ
 - Б. ХАВО
 - В. ТУПРОК
 - Г. ЯРАДАН ЧИККАН СУЮКЛИК
 - Д. ОВКАТ КОЛДИКЛАРИ
6. ВАБОНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДА ТЕЗКОР УСУЛИ
 - А. ИММУНОФЛЮРЕСЕНЦИЯ УСУЛИ
 - Б. АСКОЛИ РЕАКЦИЯСИ
 - В. НЕЙТРАЛЛАШ РЕАКЦИЯСИ
 - Г. КУМБС РЕАКЦИЯСИ
 - Д. КОМПЛЕМЕНТНИ БИРИКТИРИШ РЕАКЦИЯСИ
7. ВАБО КУЗГАТУВЧИЛАРНИ УСТИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ
 - А. ГПА
 - Б. КИТТА-ТОРОЦИ МУХИТИ
 - В. ИШКОРЛИ ОЗУКА МУХИТИ
 - Г. ЭНДО МУХИТИ
 - Д. ЖИГАРЛИ БУЛЬОН
8. ВАБО КУЗГАТУВЧИСИНИНГ АНТИГЕНТЛАРИ
 - А. YI –АНТИГЕН
 - Б. ХИВЧИНЛИ-Н
 - В. КАПСУЛАЛИ
 - Г. ПРОТЕКТИВ
 - Д. КОБИК
9. ВАБОНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ УЧУН ОЛИНАДИ
 - А. ХАВО
 - Б. ТУПРОК
 - В. ЯРАДАН ЧИККАН СУЮКЛИК
 - Г. БЕМОРНИНГ НАЖАСИ
 - Д. ОВКАТ КОЛДИКЛАРИ
10. ВАБОНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИДА ТЕЗКОР УСУЛИ
 - А. АСКОЛИ РЕАКЦИЯСИ
 - Б. ИММУНОФЛЮРЕНЦИЯ УСУЛИ
 - В. НЕЙТРАЛЛАШ РЕАКЦИЯСИ
 - Г. КУМБЕ РЕАКЦИЯСИ
 - Д. КОМПЛЕМЕНТНИ БИРИКТИРИШ РЕАКЦИЯСИ

27 -машгулот.

I.Мавзу: Тоун ва туляремия касаллик кузгатувчиларининг микробиологик диагностикаси.

3-соат

II.Максад: Талабаларнинг ута хавfli юкимли касаллик тоун ва тулеремия кузгатувчилари, биологик хусусиятлари,лаборатория текшириш усуллари,олдини олиш ва даволаш Билан таништириш.

III. Вазифа: Талабаларга ута хавfli инфекцион касаллик тоун, тулеремия ,махсус текшириш лабораторияси ,юкиш йуллари,болаларда кечиши, микробиологик диагностикасиолдини олиш чора тадбирлари хакида тушунчалар бериш.

IV.Куриб чикиладиган саволлар..

1. Ута хавfli зооноз инфекцион касалликлар, тоун туляремия кузгатувчилари, уларни биологик хусусиятлари.
2. Зооноз касалликни микробиологик диагностикаси.
3. Махсус профилактикаси ва давоси.

V.Укитувчи мулохазалари.

Тоун касаллигининг кузгатувчиси.

Тоун (улат) уткир, ута хавfli антропозооноз инфекция булиб, унинг кузгатувчиси *Yersinia pestis*ни 1894 йилда Йерсен гонконг шахридаги пандемияда аниклаган.

Морфологияси. Тоун бактерияси калта, тухумсимон, овалсимон, бир томони тумтокрок, узунлиги 1-2 мкм, эни 0,3-0,6 мкм харакатсиз, спора хосил килмайди, аммо капсуласи бор. грамманфий, тоун бактериялари узгарувчан, яъни полиморфизм хусусиятига эга. шунинг учун ёш культуралардан тайёрланган суртмаларда тухумсимон шаклга эга булса, каттик ёки зич озик мухитларда устирилганда бактериялар узунчокок шаклда, баъзан ипсимон булиши мумкин.

Усиши. Тоун кузгатувчиси факультатив анаэроб. pH 6,9-7,0 булган оддий озик мухитларда яхши купаяди. Оптимал харорат 28-30С аммо 37 С да селектив мухитларда капсула хосил килади. У *pestis* 45 С да усиши мумкин, Тоун бактерияси асосан вирулент R формали колонияни хосил килади, баъзан S шакллари ҳам учрайди, аммо улар кам вирулент хисобланади. вирулентли колониялари аксарият холларда корамтир пигмент хосил килади. Биокимёвий хусусиятлари. Тоун кузгатувчиси купгина канд-глюкоза, галактоза, манноза, мальтозаларни, газсиз кислота хосил килиб парчалайди, айримлари глицеринни ҳам парчалайди, желатинни суюлтирмайди, индол хосил килмайди, аммо нитратларни нитритларга кайтаради.

Токсин хосил килиши. Тоун бактерияси одамга нисбатан ута патоген хисобланади. улар экзотоксин ажратади. у хароратга чидамсиз булиб, оксил табиатли А ва В кисмлардан иборат, яъни А токсин турга хос, В токсин эса тоун ва сохта сил учун умумийдир. Эритроцитларни гемолиз килиш, фибринларни эритиш хусусиятига эга.

Антиген тузилиши. тоун бактериялари 10 дан ортик турли антигенларга эга. шулардан D, F, V, W-антигенлар яхши урганилган.

Чидамлилиги. Тоун бактериялари паст хароратда сакланиб солади. О С да 6 ой, кийимларда 5-6 ой, сутда 90 кун, донларда, мрдада 50 кун, сувда 30 кун, бубондан олинган йирингда 20-30 кун, балгамда 10 кун, сабзавот ва хул меваларда 6-11 кун тирик сакланади.

Тоун бактерияси кайнатиладанда 5 % ли лизол ва фенол эритмаси таъсирида бир неча дакикада улади. бу бактериялар куёш нури таъсирига ва куритишга чидамсиз.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги.

Тоун кузгатувчиси кемирувчи хайвонлардан кора ва кулранг каламуш, сичконлар, юмронкозик, курсичкон ва бошқалар ута мойил. Кемирувчилар бу инфекциянинг асосий хужайини хисобланади.

Касалликнинг одамлардаги патогенези.

Одамларга инфекция трансмиссив алока, чанг хаво, хаво томчи, алиментар йулар билан юкади. Тоун кузгатувчиси жарохатланган тери оркали хаво томчи, алиментар ва конга тугридан тугри тушиши оркали касалликлар ривожланади.

Иммунитет. Бемор тоундан согайгач тургун, узок давом этадиган иммунитет хосил булади.

Лаборатория ташхиси. Тоун касаллиги ута хавфли инфекция булганлиги учун текшириш ишлари махсус лабораторияда ва тоунга карши махсус кийимларни кийиб ута эхтиёткорлик билан утказилади.

Даволаш. Тоун касаллиги комплекс даволанади. Гамма глобулин, махсус бактериофаг кулланилади.

Профилактикаси.

1. Тезда ташхис куйиб.
2. Беморни алохида хонага утказиш, карантин жорий килиш.
3. Обсервация утказиш.
4. Инфекция учокларида дезинфекция ва дератизация утказиш.

5. Эпизоотия районларда ишловчиларни химоя килиш учун профилактика мақсадларида стрептомицин ёки вакцина билан эмлаш.
6. Контактда булган одамларга 6-7 кун стрептомицин берилади ва назорат қилиб турилади.

Туляремия кузгатувчиси.

Туляремия кузгатувчиси *Francisella tularensis* 1912 йили топилган ва Э.Френсис томонидан тулик урганилган.

Морфологияси. Туляремия бактериялари майда, шарсимон, таёкчасимон, шаклда булиб, катталиги 0,2-0,7 мкм, грамманфий спора ҳосил қилмайди. одам ва ҳайвонлар организмда нозик капсула ҳосил қилади. туляремия бактерияси кучли полиморф, шу боис ипсимон ва бошқа шаклларда ҳам бўла олади.

Усиши. Туляремия кузгатувчиси катий аэроб, оддий озик муҳитларда усмайди. Озик муҳитга тухум сариги, витаминлар, фибринсизлантирилган кон қушилган. pH 6,7-7,4 37 °C температурада 2-14 кунда усади.

Ферментатив хусусиятлари. Сероводород ҳосил қилади, индол ҳосил қилмайди, глюкоза, мальтоза, легулоза, маннозани кислотагача парчалайди декстрин ва глицеринни айрим пайтда парчалайди айрим пайтда парчаламайди. Туляремия бактерияси экзотоксин ҳосил қилмайди уларнинг Vi антигени билан боғлиқ.

Антиген тузилиши. R-шаклидаги культуралар факат O антигенга эга.

Вирулентлик ва иммуногенлик хусусиятига эга эмас. S-шаклидаги культураларда Vi ва O антигенлар, оралик SR шаклидаги культуралар бактерияларида O антиген шунингдек оз микдорда Vi антигенлар бўлади.

Туляремия бактериясининг 3 тури ажратилади:

- 1) голарктик - кучли патоген, улим 0,5 % ни ташкил этади.
- 2) ноарктик - қуёнларга нисбатан кучли патоген, вирулентлиги юкори, улим 5-7 % ни ташкил қилади.
- 3) Марказий Осиё тури қуёнлар учун кам патоген, глицеринни парчалайди. Чидамлилиги. Туляремия бактериялари атроф муҳит омиллари таъсирига чидамли, паст температурада узок сақланади.

Ҳайвонларга нисбатан патогенлиги. Туляремия бактериясига сув ва дала сичқонлари, қаламуш, қуён, юмронқозик, ҳамма қемирувчи ва уй , ёввойи ҳайвонлар мойил бўлади.

Қасалликнинг одамлардаги патогенези.

Туляремия катий зооноз инфекция қасаллик кузгатувчилари организмга шикастланган тери ва шиллик қаватлар нафас, меъда-ичак йули орқалди, шунингдек қасал ҳайвон қонини сурган бугимоёқлилар қакканда юқади. кузгатувчи тери, шиллик қаватларда, лимфа тугунлари, юкори нафас йуллари, меъда ичак йуллари ва бошқа аъзоларда жойлашади.

Иммунитет. Бемор соғайгандан сунг тургун иммунитет қолади, бу ҳужайравий ва гуморал бўлади. аллергия ҳолатнинг пайдо бўлиши иммунитет борлигини қурсатади.

Давоси, профилактикаси. Беморга антибиотиклар ва улдирилган туляремия вакцинаси билан даволанади. махсус профилактика учун одамларни тирик

протектив антигендан тайёрланган фаоллиги камайтирилган Гайский-Эльберт туляремия вакцинаси билан эмланади.

**Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш
рейтинги 27- машгулот**

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,2

100% дан 1,2 балл

86-100	Аъло	27-машгулот. «Чума ва туляремиянинг микробиологик диагностикаси». Ута хавфли зооноз инфекциялар тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Чума ва туляремия кузгатувчиларининг тулик характеристикасини билиши. Бу касалликларнинг таркалиш йуллари, патогенези, иммунитети, диагностикаси тугрисида мустакил муҳофада юритиши ва олган билимларини амалда куллаши. Туляремия касаллигига гумон килинган бемор зардоби билан кенгайтирилган агглютинация реакциясини куйиш ва натижасини шарҳлаб бериши лозим.
71-85	Яхши	Ута хавфли касалликлар тугрисида мустакил муҳофада юритиши. Касалликларнинг юкиш йулларини билиши ва касалликни олдини олиш чора-тадбирларини айтиб бериши. Диагноз куйиш учун махсулот олишда қандай қонун-қоидаларга риоя қилишни билиши, ҳамда уз амалий фаолиятида куллай олиши. Касаллик чиққан жойда олиб бориладиган тадбирларни билиши, тулик тасаввурга эга булиши.
55-70	Кони-карли	Зооноз ута хавфли касалликлар тугрисида тасаввурга эга булиши. Даволаш олдини олишни билиши, айтиб бериши. Касалликнинг хавфи тугрисида тасаввурга эга булиши.
0-54	Икки	Аниқ тасаввурга эга эмас. Жавоб йук.

27 – МАШГУЛОТ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. ҚУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ

- А. СТИ ВАКЦИНАСИ
- Б. КИМЕВИЙ ВАКЦИНА
- В. АНТИТОКСИК ЗАРДОБ
- Г. АНАТОКСИН

Д. КДС ВАКЦИНАСИ

2. БРУЦЕЛЛАЛАРНИНГ УСТИРИШ УЧУН КУЛЛАНИЛАДИ

А. ЖИГАРЛИ АГАР ВА ЖИГАРЛИ БУЛЬОН

Б. МЮЛЛЕР МУХИТИ

В. ЭНДО МУХИТИ

Г. ЛЕВИН МУХИТИ

Д. ЛЕВЕНШТЕЙН-ИЕИСЕН МУХИТИ

3. БРУЦЕЛЛЕЗНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

А. КОН КУП ТЕРЛАШ

Б. ГРУЧНИ СУВИГА УХШАБ ИЧИ КЕТАДИ

В. КАЙТ КИЛАДИ

Г. БУТУН ТАНАДА МАЙДА ТОШМАЛАР ТОШАДИ

Д. БУРУНДАН ОКАДИ

4. БРУЦЕЛАЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ КИЛИШ АСОСЛАНАДИ

А. УГЛЕВОДЛАРНИНГ ПАРЧАЛАНИШИГА

Б. АНИЛИН БУЕКЛАРИНИ ПАРЧАЛАШИГА

В. ВОДОРОД СУЛЬФИТНИНГ ХОСИЛ КИЛИШИГА

Г. ИНДОЛ ХОСИЛ КИЛИШИГА

Д. КАРБОНАТ АНГИДРИДНИ ХОСИЛ КИЛИШИГА

5. БОЛАЛАРГА БРУЦЕЛЛЕЗ ЮКАДИ

А. ХОМ СУТ ВА СУТ МАХСУЛОТЛАРИ ОРКАЛИ

Б. СУВ ОРКАЛИ

В. МЕВАЛАР ОРКАЛИ

Г. ТРАНСМИССИВ ЙУЛ БИЛАН

Д. ХАШОРАТЛАР ЧАККАНДА

6. РАЙТ РЕАКЦИЯСИ ЕРДАМИДА АНИКЛАНАДИ

А. АГГЛЮТИНИНЛАР

Б. ГЕМОЛИЗИНЛАР

В. КОМПЛЕМЕНТ БОГЛОВЧИ АНТИТЕЛАЛАР

Г. ПРЕЦИПИТИНЛАР

Д. ТРОМБОЦИТОБАРИНЛАР

7. КУЙДИРГИ ЯРА КУЗГАТУВЧИСИ

А. ОРГАНИЗМДА КАПСУЛА ХОСИЛ КИЛАДИ

Б. ХАРАКАТЧАНГ

В. ИККИТАДАН ЖОЙЛАШАДИ

Г. КИПРИКЧАЛАРИ БОР

Д. ШАРСИМОН ШАКЛДА

8. КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

А. БАКТЕРИОСКОПИК

Б. АЛЛЕРГИК

В. АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ КУЙИЛАДИ

Г. КБР КУЙИЛАДИ

Д. НЕЙТРАЛЛАШ РЕАКЦИЯСИ КУЙИЛАДИ

9. КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК ФОРМАЛАРИ

А. УПКА

Б. БЕЗСИМОН

В. РЕВМАТИЗМГА УХШАШ

Г. САРИКСИЗ

Д. САРИКЛИ

10. ЧУМАНИНГ ИНКУБАЦИОН ДАВРИ

А. 3 СУТКАДАН-6СУТКАГАЧА

Б. 1 ОЙ

В. 1 ЙИЛ

Г. 6 ОЙ

Д. 3 ОЙГАЧА

28-машгулот

I.Мавзу: Куйдирги ва бруцеллез кузгатувчиларининг микробиологик диагностикаси.

3-соат

II.Максад; Талабаларни куйдирги ва бруцеллез кузгатувчилари билан таништириш. Кузгатувчиларнинг юкиш йуллари, диагностикаси, иммунитети, давоси ва профилактикасини урганиш .

III.Вазифа; Утказилган машгулотлардан сунг талабалар билиши шарт. Кузгатувчиларнинг морфологиясини, юкиш йулларини касалликнинг кечишини, ута хавfli зооноз касалликларнинг профилактикасини.

IV.Куриб чикиладиган саволлар;

1. Ута хавfli зооноз юкумли касалликлар хакида тушунча.
2. Ута хавfli юкумли касалликларни текширувчи лаборатория иш режими хакида.
3. Ута хавfli зооноз юкумли касалликлар куйдирги ва бруцеллез кузгатувчиларининг биологик хусусиятлари.
4. Ута хавfli зооноз юкумли касалликларнинг микробиологик диагностикаси.
5. Бруцеллез ва куйдирги касалликларнинг умумий ва махсус профилактикаси.

V. Машгулот утказиш учун керакли жихозлар.

Таркатма материаллар. Бруцеллез ва куйдирги кузгатувчиларидан тайёрланган суртмаларни микроскоп остида куриш.

Кузгатувчиларнинг микробиологик диагностикаси схемасини , даволаш ва олдини олиш учун кулланиладиган препаратлар.

VI.Укитувчи мулохазалари.

Куйдирги кузгатувчиси.

1786-178 йиллари Уралда, отлар орасида касаллик таркалади, у билан С.С.Андреевский шугулланади ва узига бу касалликни юктириб, куйдирги касаллигини юкумли зооноз эканлигини, яъни касал хайвонлардан одамларга юкишини исботлайди. 1876 йилда Р.Кох микроорганизмнинг софкултурасини ажратиб олди. Л.Пастер 1881 йилда микробнинг биологик хусусиятларини урганди.

Морфологияси. Куйдирги тайёкчасининг икки учи тумток, йирик таёкча шаклида булиб, узунлиги 5-10 мкм, эни 1-2 мкм, суртмада купинча жуфт ёки калта занжир, суюк озик мухитлардан тайёрланган суртмаларда эса узун занжир шаклида жойлашади. бациллалар харакатсиз, ташки мухитда нокулай шароитда спора хосил килади, спораси бактериянинг марказида жойлашади. бациллалар одам ва хайвон организмида капсула хосил килади.

Усиши. Куйдирги касаллигининг кузгатувчиси аэроб ва факультатив анаэроб. рН 7,0-7,4 булган оддий мухитларда 35-37 С да усади. Гушт - пептонли агарда устирилганда R-шаклидаги йирик, четлари гадир будур колониялар хосил килади. Уларни микроскоп остида кичик объектив ёрдамида курилганда "шернинг ёлини" эслатади. Бациллани гушт пептонли

бульонда устирганда эса бульон тиник холда қолади, пробирка тубида пахтага ухшаш чуқма ҳосил бўлади.

Ферментатив хусусияти. Бациллалар глюкоза, сахароза, мальтоза ва бошқа кандларни кислота ҳосил қилиб парчалайди. Улар дегидроза, липоза, диастаза, пероксидаза, каталаза, ферментларини ишлаб чиқаради.

Бациллалар желатинни устки қисмини суюлтиради. Натижада ағдариб қуйилган "Арчага" ухшаш шакл пайдо бўлади. Қуйдирғи бацилласи ивигилган зардобни секинлик билан эритади ва аммиак, водород, сульфид ҳосил қилади. Аста секин нитратларни нитритларгача қайтаради, сутни 3-5 кунда ивитади.

Токсин ҳосил қилиши. Қуйдирғи касаллигининг бацилласи мураккаб экзотоксин ҳосил қилади. Бу токсин улдирувчи токсин шиш пайдо қилувчи омил ва протектив антигендан иборат.

Антиген тузилиши. Қуйдирғи қузғатувчисининг капсула (оксил) ва соматик (полисахариддан иборат) антигенлари бор. Полисахарид табиатли, гурухга ҳос соматик антиген хужайра деворида жойлашган бўлиб, альфа-глюкозамин, Д-галактоза ва сирқа кислотасининг қолдигидан иборат. Бу антиген температурига чидамли. антигеннинг шу хусусиятига асосланиб Асколининг преципитация реакцияси қуйилади.

Чидамлилиги. Бацилланинг вегетатив шакли ташқи муҳитда узок яшамайди.

55 С қиздирилганда 40 ва 60 С қиздирганда 15 дақиқада, 100 С да 1-2

дақиқада улади. Аммо спора шаклида, ташқи муҳитда узок вақт сакланади.

Қуритилган спора сувда 20 йилгача, тупроқда 10-40 йилгача сакланади.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Ут билан озикланадиган барча хайвонлар қуйдирғи бацилласига мойил. қуйдирғи қупинча қорамоллар, қуй, эчки, от, туя, қийиқларда бўлади.

Касалликнинг одамлардаги патогенези. Қуйдирғи одамларга касал хайвонлардан ёки унинг юнги ва териси орқали юқади. одамда қуйдирғи касб касаллиги бўлиб, қупинча хайвон ёки унинг маҳсулотлари билан бевосита алоқада бўладиган қишиларида қузатилади. Касаллик касал хайвоннинг гушти яхши пиширилмасдан истеъмол қилинганда ҳам юқиши мумкин. Микробнинг организмга қириш йулига қура касалликнинг уч қил қлиник шакли фарқ қилинади.

1) Тери шакли, 2) Упка шакли, 3) Ичак шакли.

Иммунитети. Қуйдирғи касаллигидан сунг микроб ва токсинга қарши иммунитет ҳосил бўлади, қайта касалланиш деярли учрамайди.

Давоси ва профилактикаси. Касалликни даволаш учун микробга ва токсинга қарши препаратлар берилади. Гамма глобулин, антибиотиклардан фойдаланилади. Махсус профилактикаси учун вирулентсиз штаммнинг капсула ҳосил қилмайдиган культурасининг спорасидан тайёрланган тирик СТИ вакцинаси ишлатилади.

Бруцеллез қузғатувчилари.

Бруцеллез қенг тарқалган зооноз касаллик бўлиб, дастлаб инглиз врачлари Д.Брюс 1886 йил топган. 1987 йилда соф культураси ажратиб олинди. 1953, 1957, 1966 йилларида бруцеллезнинг бошқа турлари ажратиб олинди. одамларида бруцеллезни асосан *Br.melitensis*, *Br.bovis*, *Br.suis* қузғатади.

Морфологияси. Бруцеллалар майда, таёкчасимон, узунлиги 0,6-2,5 мкм, тухумсимон, кокксимон, диаметри 0,6-1,5 мкм булиб, алохида жуфт-жуфт ёки гурух-гурух жойлашади. улар барча анилин буёклари билан яхши буялади. Грам усули билан эса манфий буялади.

Усиши. Бруцеллалар катъий аэроб. жуда секин усади. Озик мухитларга талабчан 37 С температурада ва рН 6,8-7,4 булган озик мухитларда, шунингдек витаминлар, жигарли агар ва бульонда зардоб глюкозали агар, зардобли картошка сувидаги агар, конли агар, 5% глицерин кушилган мухитларда яхши усади. Br.abortusнинг биринчи генерацияси 5-10 % Co₂ булган шароитда яхши усади, чунки у устирувчи омил булиб хизмат килади. Ферментатив хусусияти. Бруцеллалар кандлар ва оксилларни парчалай олмайди. Желатинани суюлтирмайди. Айрим турлари водород сульфид хосил килади, мочевиная аспарагинларни парчалайди. Нитратларни нитритларгача кайтаради. Оксил пептон, аминокислоталарни аммиак ва водород сульфид хосил қилиб гидролизлайди.

Токсин хосил қилиши. Бруцеллалар эндотоксин хосил қилади, у бактерия хужайраларини парчаланиши натижасида ажралиб, аллергенлик хусусиятига эга, шу сабабли тери аллергик синамасини қуйишда фойдаланиш мумкин. Антиген тузилиши. Бруцеллез кузгатувчисини 4 та антигенлар бор А, М, G ва R антигенлари бор. Корамол бруцеллаларида А антиген, қуй эчкилар бруцелласида эса М антиген қуп булади.

Чидамлилиги. Бруцеллалар ташки мухитда анча вақт сақланиши мумкин. Улар паст ҳароратда 4 ой сақланади, сувда 30 кун, сутда 10-16 кун, тупрок, сийдик, гунг, хашак, емларда 4,5 ой, мой, пишлок, қуй териси ва юнгида 4 ойгача, гуштда 20- кун яшайди.

Хайвонларга нисбатан патогенлиги. Бруцеллез билан қуй, эчки, корамоллар, чучка, шимол бугиси, от ва ит ҳамда қатор қемирувчилар касалланади. У умурткали хайвонларнинг 6 тадан ортиқ турига юқиши мумкин.

Хайвонларнинг чиқиндилари (сийдиги, нажаси, хомила суюқлиги, кин ажралмаси) айниқса эчки ва қуйларнинг сут махсулотлари жуда юқумли ҳисобланади.

Касалликнинг одамлардаги патогенези.

Бруцеллез одамларга касал молнинг хом сути ва сут махсулотлари (пишлок, мой, творог, бринза)чала қовурилган ёки чала пиширилган гушт истеъмол қилинганда ёки улар билан бевосита мулоқатда булганда юқади.

Иммунитети. Бруцеллездан соғайган қишилларда стерил ёки ностерил иммунитет хосил булади. хужайравий ва гуморал иммунитетлар қишиларнинг инфекцияга қидамлилигини таъминлайди. Иммунитет асосида макрофаг ва Т-лимфоцитлар фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари фагоцитоз ва аллергик ҳолат бруцеллаларнинг организмда тарқалишига қаршилиқ қилади.

Лаборатория ташҳиси.

Бактериологик текширув учун беморнинг қони, хомила суюқлиги, нажаси ва сийдиги олинади. кузгатувчини ажратиқ олиш учун сут ва сут махсулотлари агглютининларни топиш учун эса бемор зардоб текширилади. Бруцеллез ташҳисини микробиологик усулда аниқлашда дастлаб бемор организмдан

бруцеллаларни топишга ҳаракат қилинади. Бунинг учун беморнинг венасидан 5-10 мл қон олинади ва иккита 50-100 мл жигарли бульон қуйилган

қолбага экилади. Улардан бири *Br.melitensis* ажратиб олиш учун оддий аэроб шароитда, иккинчиси *Br.abortus* эса 10 % CO_2 бўлган шароитда, термостатда устирилади.

Давоси ва профилактикаси.

Антибиотиклар қилинади. Симптомларга қараб даво чоралари қўрилади. Бруцеллез тарқалган жойларда бевосита моллар билан мулоқатда бўладиган кишилар ва қорамоллар П.Ф. Здродовский ва П.А.Вершиловалар яратган тирик вакцина билан эмланади. Бундан ташқари кимёвий вакцина яхши натижа беради.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустақил ишини баҳолаш рейтинг 28- машғул

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,2

100% дан 1,2 балл.

86-100	Аъло	28-машғул. «Бруцеллез ва қўйдирғи касалликларининг микробиологик диагностикаси». Бруцеллез ва қўйдирғи касалликлари қўзғатувчиларининг умумий характеристикасини тулиқ билиши, айтиб бериши. Айниқса ёш болаларга бруцеллезнинг юқиш йуллари тугрисида тасаввурга эга бўлиши. Касалликларни олдини олиш тугрисида ҳулоса ва қарор қабул қилиш. Бруцеллез касаллигидан сунг қоладиган асоратларнинг моҳиятини тушунтириши. Қўйдирғи, бруцеллез қўзғатувчиларининг Грам усули билан бўялган тайёр суртмаларни микроскоп остида қўриши, жойлашиши, бўялиши, хоссаларини тушунтириб бериши лозим. Бруцеллез касаллигига гумон қилинган бемор зардоби билан Райт-Хеддельсон реакцияларини қўйиши ва натижаларини тулиқ шарҳлаб бериши лозим.
71-85	Яхши	Бруцеллез ва қўйдирғи касалликлари тугрисида мустақил мушоҳада қўриши. Қўйдирғи касаллигининг юқиш йулларини, патогенезини, клиник формаларини билиши. Касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини билиши ва уз амалий ишида қўллаш олиши. Қўйдирғи касаллигида олинadиган материаллар ва текшириш усулларини мустақил билиши ва диагноз қўйишда қўллаш олиши.
55-70	Қони-қарли	Бруцеллез ва қўйдирғи касалликларини тарқалишини олдини олиш моҳиятини тушунтириши, билиши айтиб бериши. Бу касалликлар тугрисида тасаввурга эга бўлиши.
0-54	Икки	Тайёрқарлик қўрмаган. Жавоб йўқ.

28 – машгулот учун тест саволлари

1. Куйдирги касаллигининг профилактикаси учун кулланилади.

- А. СТИ вакцинаси.
- Б. Кимёвий вакцина.
- В. Анотоксик зардоб.
- Г. Анотоксин.
- Д. КДС вакцинаси.

2. Буруцеллаларнинг устириш учун кулланилади.

- А. Жигарли ага рва жигарли бульон.
- Б. Мюллер мухити.
- В. Эндо мухити.
- Г. Левин мухити.
- Д. Левинштейн мухити.

3. Бруцеллёзнинг клиник белгилари.

- А. Куп терлаш.
- Б. Гручни сувига ухшаб ичи кетади.
- В. Кайт килади.
- Г. Бутун танада майда тошмалар тошади.
- Д. Бурундан оқади.

4. Бруцеллаларнинг турларини дифференциация қилиш асосланади.

- А. Углеводларнинг парчаланишига.
- Б. Анилин бўёқларини парчалашига.
- В. Водород сульфитнинг ҳосил қилишига.
- Г. Индол ҳосил қилишига.
- Д. Карбонат ангидритни ҳосил қилишига.

5. Болаларга бруцеллёз юқади.

- А. Хом сут ва сут маҳсулотлари орқали.
- Б. Сув орқали.
- В. Мевалар орқали.
- Г. Трансмиссив йул билан.
- Д. Хашоротлар чакканда.

6. Райт реакцияси ёрдамида аникланади.

- А. Агглютининлар.
- Б. Гемолизинлар.
- В. Комплемент боғловчи антителалар.
- Г. Преципитинлар.
- Д. Тромбоцитобаринлар.

7. Куйдирги яра кузгатувчиси.

- А. Организмда капсула ҳосил килади.

- Б. Харакатчан.
- В. Иккитадан хойлашади.
- Г. Киприкчалари бор.
- Д. Шарсимон шаклда.

8.Куйдирги касаллигининг микробиологик диагностикаси.

- А. Бактериоскапик.
- Б. Аллергик.
- В. Аглютинация реакцияси куйилади.
- Г. КБР куйилади.
- Д. Нейтраллаш реакцияси куйилади.

9.Куйдирги касаллигининг клиник формалари.

- А. Упка.
- Б. Безсимон.
- В. Ревматизмга ухшаш.
- Г. Сариксиз.
- Д. Сарикли.

10.Чуманинг инкубацион даври.

- А. 3 суткадан 6 суткагача.
- Б. 1 ой.
- В. 1 йил.
- Г. 6 ой.
- Д. 3 ойгача.

29–машгулот 3–оралик назорати

86-100	Аъло	29-машгулот. «Йирингли яллигланиш касалликларининг кузгатувчилари, токсинемик инфекциялар, респиратор касалликлар, микобактериялар, актиномикозлар, микозлар, ута хавфли инфекциялар буйича 3-якуний машгулот». Йирингли яллигланиш касалликлари газли гангрена, сил касалликлари буйича бериладиган саволларга тулик жавоб бериши ва бу касалликлар тугрисида тулик тасаввурга эга булиши мустакил мушохада юритиши.
71-85	Яхши	Актиномикозлар , вабо, чума, тулярамия касалликлари буйича берилган саволларга тулик мустакил жавоб бериши, олган билимларини амалда куллай олиши билиши, айтиб бериши, тасаввурга эга булиши.
55-70	Кони-карли	Куйдурги, бруцеллёз касалликларининг давоси профилактикасини билиши, тулик тасаввурга эга булиши. Айтиб бериши ва билиши.

**Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш
рейтинги 29- машгулот**

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,1

Очик яралардан суртма олиш.-1 балл

100% дан 2,1 балл.

30-Мавзу:

**Спирохетозлар, захм, кайталама тиф, лептоспироз
касалликларининг микробиологик диагностикаси.**

3-соат.

II.Максад. Талабаларнинг патоген спирохеталарнинг асосий хосалари билан таништириш,Захм, кайталама тиф ва лептоспироз касалликларининг юкиш йуллари ,патогенези, диагностикаси, иммунитети, давоси ва профилактикаси.

IIIMашгулот масалалари.Машгулот утилгандан сунг талабалар билиши керак.

1. Спирохеталарнинг умумий характеристикаси, уларни буяш,устириш, урганиш усуллари.
- 2.Захм, кайталама тиф,лептоспироз касалликларининг юкиш йуллари,патогенези,иммунитети.
- 3 Захм, кайталама тиф ва лептоспироз касалликларининг микробиологик диагностикаси, давоси ва профилактикаси.

Куриб чикиладиган саволлар.

1. Патоген спирохеталар, трепанемалар, боррелиялар, лептоспиралар.
2. Ок трепохеманинг морфологик, тинкториал хоссалари. Тукима ва культурал штаммлари.
- 3.Захмнинг юкиш йуллари, ёшқ болаларги юкиши, патогенези, иммунитети. Касалликнинг даврлари.
4. Захмнинг турли даврларида куйиладиган микробиологик диагностикаси.
5. Захмнинг давоси ва профилактикаси.
6. Кайталама тиф кузгатувчиларининг морфологик, тинкториал хусусиятлари.
7. Кайталама тифнинг юкиш йуллари, патогенези, иммунитети.
8. Кайталама тифнинг микробиологик диагностикаси, давоси ва профилактикаси. Эпидемик ва эндемик кайталама тифнинг дифференциацияси.
9. Лептоспироз кузгатувчиларининг морфологик, тинкториал, культураль хусусиятлари.

Укитувчи мулохазалари.

Кайталама тиф.

Кузгатувчиси *V.rekurentis*ни немис врач О.Обермейер 1868 йилда бемор конидан топган.

Морфологияси: узунлиги 8-18 мкм, эни 0,3-0,6 мкм, ҳаракатчан, Романовский Гимза усули билан бинафша рангга бўялади. Грамманфий спора, капсула ҳосил қилмайди, четлари уткирлашган, буралмалар нотекис.

Устирилиши. Борремиялар катъий анаэроб таркибида оксил ва тукима қушилган озик мухитларда 3-6 кун, товук эмбрионида бир неча кунда усади. Улар культураси узининг вирулентлик хусусиятини бир неча йиллардавомида йукотмайди, юза антигенлари узгарувчан.

Чидамлилиги. Ташки мухит таъсирига чидамсиз. 50 С киздирилганда, қуритилганда тезда улади. Уй ҳароратида суюқ озик мухитда устирилганда 14 кунгача, музлатилганда 3 кунгача яшайди.

Касалликнинг патогенези:

Эпидемик кайталама тиф бит орқали, трансмиссив йул билан юкади. Кийим ва бош битлар юктиради. бир бемор конини сургач, 5-12 ундан сунг бошка одамга юктиради, барремиялар битнинг гемалимфасида жойлашади. кузгатувчи бит организмда 25-40 кун яшаши мумкин, битлар уз наслига боррелияларни бермайди. Эпидемик кайталама тиф асосан кишда учрайди. Одам организмга кирган боррелиялар лимфа микрофаган тукималарда купаяди, яширин даврнинг охирида куп микдорда конга тушади ва бир қисми коннинг бактериоцидлик таъсирида улади, натижада куп микдорда эндотоксин ажралиб чиқади. Натижада беморнинг марказий нерв системасини, бутун организмни захарлади, ҳарорат кутарилади,

Эндотоксин кон томир системасини шикастлаб, талок ва жигарда инфаркт ва некрозларга сабаб бўлади. Боррелияларнинг бир қисми чуқур тукималар ҳамда марказий нерв системасида тирик қолади ва антигенлик хусусиятини узгартиради, шунинг учун буларга биринчи хуружда ҳосил бўлади.

Иммунитети. кучсиз, қиска муддатди, конда агглютинин, лизин, тромбацитобарин, антителолар пайдо бўлади.

Лаборатория ташхиси. Бактериоскопик қасаололикнинг хуружи пайтида бемор бармогидан кон олиб қалин кон томчиси препарат тайёрланади ва Романовский Гимза ёки Бурри усуллари билан бўяб микроскопда қурилади ёки бўялмасдан қоронгилаштирилган микроскопда борремияларнинг ҳаракати қузатилади.

Рикенберг Брусин реакциясини қуйиш.

Боррелияларни иммобилизациялаш реакцияси.

Серологик усул қомлементни боғлаш реакцияси қулланилади.

Спирохетоз касалликлари.

Заҳм касаллиги кузгатувчисининг характеристикаси.

Заҳм қушзгатувчисини 1905 йилда Шаудин ва Гофманлар очган.

Классификацияси Оила *pirochaetaceae* туркуми: *Spirochaetales*. Ок трепонема.

Морфологияси. Ок трипонема тугри таёкча ёки қрупсина шаклида бўлиб, 8-14 тагача бир текис бурамалардан иборат. Узунлиги 6-12 мкм диаметри 0,2 мкм, спора, капсула ҳосил қилмайди, хивчинлари йукю граммусбат

Романовский Гимза усули билан оч пушти рангга буялади, таркибида кам микдорда нуклеопротеидлар тутганлиги сабабли ёмон буялади. 4 хил ҳаракат килади. Хужайранинг охирида 3 та фибрил ипчалар бор. Кундаланг булиниши йули билан купаяди. Ташки муҳит ва дори таъсирида трепонемалар киста ҳолатига утади. Пишик муцепсимон парда билан уралиб олади. Ана шундай ҳолатда узок муддат сакланиб туралди. Кузгатувчи учун кулай шароит тугилганда донатор шаклга киради ва бурамасимон трепонемага айланади. Циста ҳосил килиш қобилияти трепонемаларнинг организмнинг химоя омилларидан ва дорилардан сакланиш учун зарур. Устирилиши. Ок трепонема катъий анаэроб. Мия туқималари қушилган қуён зардобиди устига вазелин қуйилган муҳитда 37 С да усади. Асцитли агарда, отнинг ярим ивитилган зардобиди, қуённинг янги туқималари қушилган асцитли агарда, пептонли, ловияли, товук эмбрионининг экстракти қушилган муҳитларда устирилади. Озика муҳитида устирилган трепонемалар, туқимадаги трепонемалардан фарқ килади ва узининг иммуногнлигини, патогенлигини йукотади. Шунинг учун трепонемаларни туқима штаммларини саклаш учун қуёнларнинг мойига туҳумдонига, захм кузгатувчиси булган туқима экстракти тери остига ёки туҳумдон ичига юбориб сакланади.

Антиген структураси. Серологик вариантлари йук. Захм трепонемаси уз таркибида полисахарид липид ва протин комплекслар туталди. Бу комплекслар мураккаб антиген структурага эга.

Чидамлилиги: Зарарланган туқима гомогенатрида паст ҳароратда узок муддат сакланади. 45-48 С ҳароратда 1 соатда ҳалок булади. 55-15 мсинутда қайнатилганда бир неча секундда ҳалок булади. Оғир металл тузларига ниҳоятда таъсирчан, кислоталарга ва дезинфекция қилувчи моддаларга ҳам жулда таъсирчан. Қуритилганда ҳам жуда тез ҳалок булади. Ҳам сочик, қийим бош, мочалкаларда 1 суткагача сакланади.

Касалликнинг патогенези. Касалликнинг манбаи булиб одамлар ҳисобланади. Захм венерик, сериал иктисодий касаллиб булиб, даволанмаганда узининг циклик (даврма-давр) кечиши билан характерланади. Касаллик асосан контакт йули билан, жинсий йул билан юкади, йулдош орқали, айрим ҳолларда идиш товок, нам сочик, мочалка, горшок орқали юкади.

Бирламчи давр ёки бирламчи захм касаллик ҳақиқатдан сунг 3-4 ҳафта утгач бошланади, инкубацион даври 10 кундан 90 кунгача давом этади. Кузгатувчи қирган жойда тери қаттиқ.

Иммунитети Захм касаллигида ностерил иммунитет ҳосил булади. Қайта оғриш ҳоллари кузатилади. Аллергик ҳолат вужудга келади. Бемор соғайгач аллергия ҳолат йуқолади, секин аста гуммалар қурилиб йук булади, Барча серологик реакциялар манфий булади.

Лаборатория диагностикаси: Бактериоскопик, серологик трепонемаларни иммобилизациялаш иммунофлюоресценция, вассерман реакцияси, кан ва Закс-Витебекичларнинг чуқутириш реакциялари.

Профилактикаси ва давоси. Специфик профилактикаси йук, умумий профилактика.

Даволаш учун пенциллин ва унинг маҳсулотлари. бициллин 1:3:5, тетрацеклин, олитетрин, эритромицин, висмут препаратлари, йод препаратлари калий йодид, натрий йодид, кальций йодид, пирогенал, продигиозан, ёғсизлантирилган сут, тозаланган олтингугурт 2 % ли эритмаси, шафтоли ёғида тайёрланган тери остига кислород юбориш, УБ нурлари ва х.к.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш рейтинги

30- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,2

100% дан 1,2 балл.

86-100	Аъло	30-машгулот. «Патоген спирохеталар, захм кайталама тиф, лептоспироз касалликларининг микробиологик диагностикаси». Спирохеталарнинг тузилиши тугрисида тулик тасаввурга эга булиши. Захм касаллиги кузгатувчисининг биологик хоссаларини тулик билиши, аник тасаввурга эга булиши касалликнинг юкиш йуллари, патогенези, иммунитети, диагностикаси, профилактикасини билиши айтиб бериши, тасаввурга эга булиши.
71-85	Яхши	Кайталама тиф касаллиги кузгатувчиларининг умумий характериятикасини аник билиши, касалликнинг юкиш йуллари, патогенези, диагностикаси, давоси ва профилактикасини билиши, айтиб бериши, амалий ишида мустакил куллай олиши.
55-70	Кони-карли	Спирохеталарни урганиш усуллари тугрисида тушунчага эга булиши. Диагноз куйиш учун олинadиган маҳсулотлар тугрисида тушунчага эга булиши.
0-54	Икки	Тайёр эмас, тасаввурга эга эмас.

30- машгулот тест саволлари.

1.Рангсиз трипонемага хос хусусиятлар.

А. Пеницилинга таъсирчан.

Б. Осон устирилади.

В. Грам мусбат буялади.

Г. Аэроб шароитда яхши усади.

Д. Капсула ҳосил килади.

2.Спирохеталарнинг биологик хоссалари.

- А. У киви бор.
- Б. Кобики бор.
- В. Грам мусбат буялади.
- Г. Спора хосил килади.
- Д. Хивчинлари бор.

3.Вассерман реакцияси.

- А. Липоид антиген билан куйилади.
- Б. касалликнинг бошланиш хафтасида мусбат.
- В. Носпецифик антителаларни аниклайди.
- Г. Специфик преципитинларни аниклайди.
- Д. Даволаниб чиккан беморда мусбат булади.

4.Захми даволаш учун кулланилади.

- А. Мишъяк препаратлари.
- Б. Биомидин.
- В. Эритромицин.
- Г. Анатоксин.
- Д. Бактериофаг.

5.Лептоспиралар харакатланади.

- А. Романовский-Гимза усули билан буялганда кук бинафша рангда буялади.
- Б.Оддий озука мухитларида усади.
- В. Устириш учун 35^0 - 37^0 температура оптимал хисобланади.
- Г. Таёкчасимон шаклга эга.
- Д. Шарсимон шаклга.

6.Сариклик лептоспирознинг микробиологик диагностикаси усуллари.

- А. Ут сафроли бульонгаэкилади.
- Б. Гушт-пептонли бульонга экилади.
- В. Гушт-пептонли агарга экилади.
- Г. Кондан тайёрланган суртмани микроскоп остида курилади.
- Д. Жигарли агарга экилади.

7.Лептоспирознинг махсус профилактикаси учун кулланилади.

- А. Анатоксин.
- Б. Тирик вакцина.
- В. Киздирилган вакцина.
- Г. Формал вакцина.
- Д. Антитоксин зардоб.

8.Кайталама тифнинг лаборатория диагностикаси учун кулланилади.

- А. Комплементни боглаш реакцияси.

- Б. Риккенберг-Брусин реакцияси.
- В. Преципитация реакцияси.
- Г. Лизис реакцияси.
- Д. Вассерман реакцияси.

9. Кайталама тифнинг юктирувчиси.

- А. Пашшалар.
- Б. Бургалар.
- В. Битлар.
- Г. Каламушлар.
- Д. Тараканлар.

10. Болаларда тугма захмнинг диагностикаси учун кулланилади.

- А. Конни микроскоп остида куриш.
- Б. Бюрне реакцияси.
- В. Райт реакцияси.
- Г. Вассерман реакцияси.
- Д. Лейкоцитларнинг фагоцитар активлигини урганилади.

31-маъруза

I. Мавзу: Риккетсиозлар. Тошмали тиф ва Ку-иситма касалликнинг микробиологик диагностикаси. Кузгатувчиларнинг асосий хоссалари урганиш усуллари.

3-соат.

II. Мақсад; Талабаларни риккетсияларнинг асосий хоссаларини урганиш ва устириш усуллари билан таништириш. Риккетсиоз касалликларининг микробиологик диагностикаси усуллари урганиш.

III. Машгулот масалалари. Утказилган машгулотлардан сунг талабаларни билишлари шарт.

1. Риккетсияларнинг умумий характеристикаси. Уларни урганш усуллари. Устириш ва буяш.
2. Эпидемик ва эндемик тошмали тиф. Ку истмаси касалликларнинг юкиш йуллари, патогенези, иммунитети.
3. Эпидемик ва эндемик тошмали тиф. Ку истмаси касалликларнинг давоси, профилактикаси.

IV. Куриб чикиладиган саволлар.

1. Риккетсияларнинг морфологияси. Риккетсия хужайрасининг структураси, буяш усуллари.
2. Риккетсияларнинг физиологик хоссалари (облигат паразитлик, нафас олиши, купайиши).
3. Риккетсияларни устириш усуллари, Антиген структураси.
4. Эпидемик ва эндемик тошмали тифларнинг ки иситмасининг юкиш йуллари, инфекция манбаит касалликларнинг патогенези.

6. Микробиологик диагностика усуллари. Касалликларнинг давоси ва профилактикаси.

V. Узлаштириш усуллари.

А) Таркатма материаллар. Таблицалар, расмлар Риккетсиоз касалликларининг микробиологик диагностикаси схемаси. Даволаш ва профилактика учун кулланиладиган препаратлар.

Б) 1-топширик. Риккетсияларнинг морфологиясини микробиологик схемасини чизиш.

Жавоб. Талабалар уз дафтарларига риккетсияларнинг морфологиясини ва риккетсиоз касалликларининг микробиологик диагностикасини чизадилар.

VI. Укитувчи мулохазалари.

Эпидемик тошмали тиф кузгатувчисининг умумий характеристикаси. Касалликнинг патогенези, диагностикаси, давоси ва профилактикаси.

Rickettsiaceae оиласига одам организмида касаллик келтириб чиқарадиган 3 та тур:

1. *Rickettsia*
2. *Rochalimae*
3. *Coxiella* киради.

Одам ва хайвонларда риккетсиялар кузгатадиган юкумли касалликлар гурузи риккетсиозлар деб аталади.

Биринчи марта 1909-1910 йилларда америкалик олимлар Риккетс ва Уайлар мексика тошмали тифи билан касалланган бемор конидан майда, биполяр, ҳаракатсиз микроорганизмларни, 1913 йилда провачек тошмали тиф билан касалланган беморнинг конида овалсимон кузгатувчиларни аниқлади. Бразилиялик олим Роха-Лима тошмали тиф кузгатувчиси битларнинг меъда эпителий хужайраларида паразитлик қилиб, уларнинг нажаси билан ташқарига чиқишини аниқлади.

Морфологияси. проваген риккетсиялари хужайра ичида шайдиган, бактериясимон, ҳаракатсиз, грамманфий, шакли узгарувчан микроорганизмлар булиб, коксимон, таёкчасимон, бацилляр ва ипсимон шакллари ҳам бор. Катталиги 0,2-40 мкм, кенглиги 0,3-0,6 мкм. спора ҳосил қилмайди. Романовский Гимза усулида бўялганда цитоплазмаси ҳаво ранг, киритмалари қизил рангда бўялади, здоровский усули билан бўялганда қизил рангга бўялади.

Устирилиши: Ок сичконлар упкасида, зарарланган битлар меҳдасида, товук эмбрионининг сарикли қончасида яхши қупаяди.

Токсин ҳосил қилиши. Риккетсиялар танасида термолабиль токсин тутати. 60 С да парчаланати. Улар организмда нейтралловчи антителолар ҳосил қилади.

Антиген тузилиши. Проваген риккетсиялари икки хил антиген тутати. Огзаки турга ҳос бўлмаган, ҳароратга чилдамли, эфирда эрийдиган, липополисахарид-протсин табиатли 2 эфирда эжримайдиган, ҳароратга чидамсиз, оксил полисахарид антиген. 1916 йили Вейль ва Феликслар тошмали тиф билан оғриган бемор сийдигидан шу бемор қони зардобини билан агглютинация реакцияси берадиган *Proteus* ажратиб олдилар.

Чидамлилиги. Проаген риккетсиялари куритилган ва жарохатланмаган битларда 30 кунгача, битлар нажасида 6 кунгача сакланади. 58 С да киздирилганда 30 минутдан сунг, 100 С да киздирилда 0,5 минутда халок булади. Паст хароратга чидамли, 60-70 С да узок муддат тирик қолади. Дизенцификацияловчи смоддалар таъсирида 1-02 соатда халок булади.

Касалликнинг патогенези. Тошмали тиф антропоноз касаллик хисобланади. Касаллик манбаи бемор одамлар. Касаллик бемордан соғлом одамга трансмиссив йул билан, яъни битлар кийим бити, баъзан бош бити оркали утади. Бемор конини сурпган бит соғлом одамларга 4-5 кундан сунг зарарли хисобланади. Бит ичагининг эпителий хужайраларида тез купаяди, улар маълум микдоргача етгач, эпителий хужайцралар ёрилиб, риккетсиялар битнинг нажаси билан ташкарига чиқади. Бит чаккан жой кичишади, одам кашиганда битнинг нажаси билан риккетсия киради. одам конига тушгач организмга тарқалади. Конга тушган кузгатувчитларнинг бир кисми халок булади, натижада ажралиб чиккан эндотоксин организмни захарлайди. Кузгатувчиларнинг колган кисми майда капиллярларнинг эндотелий хужайраларида купаяди ва узига хос гистологик узгаришларга олиб келади. Бу узгаришлар айникса узунчок мия ва марказий нерв системасида купрок булади. Окибатда мияда кон айланишининг бузилиши менингоэнацефалит ва х.к. сабаб булади. Касалликнинг 4-6 кунларида майда тошмалар тошиши. Тромбоваскулитлар ва артериола ҳамда капиллярлар стази кузатилади. провачек риккетсияларининг захари нерв системаси фаолиятини бузади ва кон томирларнинг нарезига олиб келади. Касаллик хароратнинг кутарилиши, организмнинг захарланиши, нерв юрак томир ва бошка системаларнинг жарохатланиши билан кечади. касалликнинг кечишига караб унинг енгил, уртача огирликдаги ва огир шакллари фаркланади.

Иммунитети. Мустахам ва узок муддатли. Бемор конида агглютининлар, камплементни бириктирувчи ва микроб захарини нейтралловчи антителолар хосил булади. касалликнинг уткир даврида IgG хосил булади. Тошмали тиф билан кайта касалланиш Брилл Ципссер касаллиги дейилади.

Лаборатория ташхиси. 2 хил усулдан фойдаланилади.

Серологик усул. Проваген риккетсия антигени билан агглютинация реакцияси, комплементни боғлаш, билвосита гемагглютинация реакцияси имунфлюоресценция реакциялари куйиш. кобль ва Миккевичнинг кон томчи реакциясини куйилади.

Биологик усул. Денгиз чучкаси ва ок сичконларни зарарлантириш. эпидемик тошмали тифда денгиз чучкасининг харорати кутарилади, лекин периорхит кузатилмайди. Эндемик тошмали тифда эса периорхит кузатилади.

Даволаш ва профилактикаси. даволаш учун тетрациклин, хлортетрациклин, левомецетин, хлорамфеникол ва б. Патогенлик даволаш интоксикацияга карши, юрак томир ва нерв системаси фаолиятини тиклашга каратилган.

Ку иситмаси

Узига хос зоокоз риккетсиоз булиб, хароратнинг кутарилиши, умумий захарланиш хар хил аъзо ва системаларнинг жарохатланиши билан характерланадиган касаллик. 1937 йилда Деррик бемор конидан кузгатувчини ажратиб олди. Бернет ва Фрименлар унинг хусусиятларини урганиб, риккетсияларга киритдилар. 1939 йили Деррик бу микроорганизмларга *Rickettsia burnetii* деб ном берди. айрим пайтларда *coxielle burneti* деб хам аталади.

Морфологияси - майда, шарсимон ёки таёкчасимон шаклда булиб, полиморф, ҳаракатсиз, катталиги 0,25-0,5 мкмдан 0,2-1,5 мкмгача булган микроорганизмлардир. Улар узининг биологик хусусияти билан вируслар билан бактерияларнинг орасидаги оралик урнини эгаллайди. Филтрлардан утиши, хужайра аро облигат паразитлиги билан вирусларга ухшаш морфологик тузилиши, кимёвий таркиби, буялиши, купайиши билан бактерияларга ухшайди. грамманфий, Романовский Гимза усулида буялганда кизил сафар, Здродовский усулида эса кизил рангга киради.

Устирилиши. Товук эмбрионининг сарикли копчасида ва турли тукима культураларида устирилади. Бернет риккетсиялари оддий буялиниш йули билан хужайра ичида купаяди.

Токсигенлиги, антиген тузилиши ва чидамлилиги. Беркет риккетсиялари халок булгач, захарли модда ажратади. Беркет риккетсияларининг бутун хужайраси, цитоплазма ва кобиги антигенлик хусусиятига эга, лекин антигенлиги доимий эмас. Ташки мухит омилларига, Бернет риккетсиялари, анча чидамли. Ультрабинафша нурларига 5 соатгача чидайди, куритилганда 10 кун, газмолларда 35-40 кун, 4 С да 16 ой, 20 С да 9 ой сакланади.

Даволаш ва профилактикаси. Биомицин, тетрацилин, аурамицин ва х.к. кулланилади.

Касал хайвонларнинг сути кайнатилади. Махсус профилактикаси учун Здродовский ва Генинлар таклиф килган тирик М-44 вакциналардан фойдаланилади.

Талабаларнинг микробиология фанидан мустакил ишини баҳолаш рейтинг 31- машгулот

Конспект ёзиш учун 1-балл

Жадвал чизиш-0,2

100% дан 1,2 балл.

86-100	Аъло	31-машгулот. «Риккетсиозлар, эпидемик ва эндемик тошмали тиф ва ку-иситмасининг микробиологик диагностикаси». Риккетсиозларнинг умумий характеристикасини билиши. Эпидемик ва эндемик тошмали тиф касалликларининг юкиш йуллари, патогенези, иммунитет, диагностикаси, давоси, профилактикасини
--------	------	--

		билиши, айтиб бериши, амалий ишида куллай олиши.
71-85	Яхши	Ку-иситмаси кузгатувчисининг асосий хоссаларини билиши, бу касалликнинг юкиш йуллари патогенези, диагностикасини аник тасаввур килиши, айтиб бериши. Моҳиятини тушуниши.
55-70	Кони-карли	Риккетсиоз касалликларининг микробиологик диагностикаси тугрисида тасаввурга эга булиши касалликларни олдини олиш усулларини билиши.
0-54	Икки	Тасаввурга эга эмас. Жавоб йук.

31- машгулот учун тест саволлари.

1.Риккетсиялар.

- А. Факат одамда паразитлик килади.
- Б. Риккетсиозлар болалар болалар инфекцияси хисобланади.
- В. Майда полиморф микроорганизмлар.
- Г. Йирик таёкчалар.
- Д. Одам организмида капсула хосил килади.

2.Риккетсиялар устирилади.

- А. Оксил кушилган сунъий озука мухитларида.
- Б. Синтетик сунъий овкатларда.
- В. Лиффлер мухитида.
- Г. Эндо мухитида.
- Д. Тукима культурасида.

3.Эпидемик тошмали тифнинг лаборатория диагностикаси учун кулланилади.

- А. Аллергик синама.
- Б. Агглютинация реакцияси.
- В. Конни агарга экиш.
- Г. Сийдикни гушт-пептонли бульонга экиш.
- Д. Халкумдан олинган материални зардобли агарга экиш.

4.Тошмали тифнинг махсус профилактикаси учун кулланилади.

- А. Тирик вакцина.
- Б. Гаммаглобулин.
- В. СТИ вакцинаси.
- Г. Битларни йук килиш.
- Д. БЦЖ вакцинаси.

5.Ку-исситмаси кузгатувчисини буяш.

- А. Грамм.
- Б. Романовский-Гимза.
- В. Гинс-Бурри.
- Г. Циль-Нильсен.
- Д. Нейссер.

6. Ку-исситмасининг асосий юкиш йуллари.

- А. Контакт йул билан.
- Б. Парэнтал йул билан.
- В. Йулдош оркали.
- Г. Трансмиссив йул билан.
- Д. Идиш товок оркали.

7. Тошмали тиф кузгатувчисининг буяш усуллари.

- А. Грамм.
- Б. Романовский-Гимза.
- В. Гинс-Бурри.
- Г. Циль – Нильсен.
- Д. Нейссер.

8. Ку-иситмасининг клиник формалари.

- А. Менингоэнцефалит.
- Б. Ошкозон ичак.
- В. Тиртишиш.
- Г. Дизентериясимон.
- Д. Холерасимон.

9. Тошмали тифнинг лаборатория диагностикаси.

- А. Преципитация реакцияси куйилади.
- Б. Камен кон томчисидан тайёрланган суртма микроскопда курилади.
- В. Лизис реакцияси куйилади.
- Г. Комплементни боғлаш реакцияси куйилади.
- Д. Борде-Жангу реакцияси куйилади.

10. Риккетсиялар устирилади.

- А. Левен мухитида.
- Б. Товук эмбрионида.
- В. Сотон мухитида.
- Г. Левенштейн Нерсон мухитида.

32-машгулот.

Мавзу: Вирусли инфекциялар. Респиратор вирус касалликларининг ваирусологик диагностикаси, грипп, парагрипп, учук (герпес) вируси, аденолвируслар, кизамик, эпидемик паротит (тепки).

3 соат.

Максад: Талабаларни грип, парагрипп, учук, аденовирус, кизамик, эпид паротит касалликларининг вирусологик диагностикаси билан таништириш.

Машгулот масалалари. Машгулот утилгандан сунг талабаларнинг билиши керак.

1. Респиратор вирус касалликлари кузгатувчиларининг умумий характеристикасини, морфологиясини, антиген хусусиятларини.

